



Махсус сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИННИГ АХБОРОТНОМАСИ

2010 йилдан нашр этила бошлаган

Йилда тўрт марта чиқади

2021 йил, махсус сон

Таҳрир хайъати раиси

Хатамов Рустам Абдуганиевич, Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси бошлиғи.

Таҳрир хайъати раиси ўринбосарлари

Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич, ИИВ Академияси
бошлиғининг биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори,
профессор.

Нигматов魯футлло Олимжонович, ИИВ Академияси
бошлиғининг илмий ва инновация бўйича ўринбосари, фалсафа
доктори (PhD), доцент.

Таҳрир хайъат аъзолари

Турсунов Ахтам Саломович, ИИВ Академияси жиноят-
ижроия хукуки кафедраси профессори, юридик фанлар доктори,
профессор;

Исмаилов Исамиддин, ИИВ Академияси ички ишлар
органинг маъмурий фаолияти кафедраси бошлиғи,
юридик фанлар доктори, профессор;

Абдурасулова Кумриниса Раймкуловна, ИИВ Академияси
хукукбузарликлар профилактикаси ва криминология
кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор;

Мамадалиев Шавкатбек Олмасбаевич, ИИВ Академияси
ижтимоий фанлар кафедраси бошлиғи, фалсафа фанлари
доктори, профессор;

Муродов Бахтиёржон Баходирович, ИИВ Академияси
дастлабки тергов ва криминалистика кафедраси бошлиғи,
юридик фанлар доктори, профессор;

Хамдамов Абдували Ахмедович, ИИВ Академияси тезкор-
кидирув фаолияти кафедраси профессори, юридик фанлар
доктори, профессор;

Кабулов Рустам, ИИВ Академияси жиноят хукуки
кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор;

Сайдов Бахром Анварович, ИИВ Академияси ўқув-
услубий бошқарма бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор;

Джавакова Каринэ Владимировна, ИИВ Академияси
давлат-хукукий фанлар ва инсон хукуқларини таъминлаш
кафедраси бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор;

Кулматов Шароф Асадович, ИИВ Академияси олий таъ-
лимдан кейинги таълим факультети бошлиғи, юридик фанлар
доктори, профессор;

Кабилов Шариф Рахимович, ИИВ Академияси Магистра-
тура хукукий фанлар кафедраси профессори, иктисол фанлари
номзоди, профессор;

Джоробекова Арзыгул Мамаюнусовна, Киргизистон
Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи ўринбосари, юридик
фанлар доктори, профессор;

Мещеряков Владимир Алексеевич, Россия ИИВ Воронеж
институти кафедра профессори, Россия давлат одил судлов
университети Марказий филиали кафедра мудири, юридик
фанлар доктори, профессор;

Кирвель Виталий Казимирович, Беларусь Республикаси
Президенти хузуридаги бошқарув Академияси кафедра доценти,
Литва криминалистлар жамияти аъзоси, юридик фанлар
номзоди, доцент;

Қодиров Қувонч Бекмуродович, ИИВ Академияси жиноят-
ижроия хукуки кафедраси доценти, тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори.

Бош муҳаррир

Султонова Махсуда Эргашевна

Ушбу сон муҳаррирлари

И. В. Солохина, Н.Б. Абдураширова

Дизайнер ва саҳифаловчи: Д. Р. Джалилов

Таъсисчи

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ахборотнома Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидаги 2009 йил 18 июняда қайд этилган. Оммавий ахборот
воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида
гувоҳнома № 0568.

Ахборотнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси
хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг дис-
сертификациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тав-
сия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган (ОАК
Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон карори).

Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.

Тел.: 71-265-23-56, 71-265-23-59.

@mai: axborotnoma.akadmvd.uz

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академия
сининг Таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Мақолалар ҳар қандай усуlda тўлиқ ёки қисман кўчириб
босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академия-
сининг ахборотномаси»дан олинганилиги кўрсатилиши шарт.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди.
Кўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.
Муаллиф мақолада келтирилган далил ва маълумотлар
учун шахсан жавобгар хисобланади.

Бичими 60×84 1/8. Нашр табаги 22,0. Офсет усулида
босилди. Адади 50 нусха. «SIGMA-PRINT» МЧЖ босма-
хонасида чоп этилди. Тошкент шаҳар. Ч. Айтматов кўчаси
33-үй.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Босишга руҳсат этилди 25.10.2021 й.

Буюртма № ISSN 2181-4872

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021.



ВЕСТНИК АКАДЕМИИ МВД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Издаётся с 2010 года

Выходит четыре раза в год

2021 год, спецвыпуск

Председатель редакционной коллегии

Хатамов Рустам Абдуганиевич, начальник Академии МВД Республики Узбекистан.

Заместители председателя редакционной коллегии

Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич, первый заместитель начальника Академии МВД, доктор юридических наук, профессор.

Нигматов魯фтулло Олимджонович, заместитель начальника Академии МВД по науке и инновациям, доктор философии (PhD), доцент.

Редакционная коллегия

Турсунов Ахтам Саломович, профессор кафедры уголовно-исполнительного права Академии МВД, доктор юридических наук, профессор;

Исмаилов Исамиддин, начальник кафедры административной деятельности органов внутренних дел Академии МВД, доктор юридических наук, профессор;

Абдурасулова Кумриниса Раимкуловна, профессор кафедры обеспечения общественного порядка и криминологии Академии МВД, доктор юридических наук;

Мамадалиев Шавкатбек Олмасбаевич, начальник кафедры социально-гуманитарных дисциплин Академии МВД, доктор философских наук, профессор;

Муродов Бахтиёржон Баходирович, начальник кафедры предварительного следствия и криминалистики Академии МВД, доктор юридических наук, профессор;

Хамдамов Абдували Ахмедович, профессор кафедры оперативно-розыскной деятельности Академии МВД, доктор юридических наук, профессор;

Кабулов Рустам, профессор кафедры уголовного права Академии МВД, доктор юридических наук, профессор;

Сандов Баҳром Анварович, начальник учебно-методического управления Академии МВД, доктор юридических наук, профессор;

Джавакова Каринэ Владимировна, начальник кафедры государственно-правовых дисциплин и обеспечения прав человека Академии МВД, доктор философских наук, профессор;

Кулматов Шароф Асадович, начальник факультета послевузовского образования Академии МВД, доктор юридических наук, профессор;

Кабилов Шариф Рахимович, профессор кафедры правовых дисциплин Магистратуры Академии МВД, кандидат экономических наук, профессор;

Джоробекова Арызгул Мамаюнусовна, заместитель начальника Академии МВД Республики Кыргызстан, доктор юридических наук, профессор;

Мещеряков Владимир Алексеевич, профессор кафедры Воронежского института МВД России, заведующий кафедрой Центрального филиала Российского государственного университета правосудия, доктор юридических наук, профессор;

Кирвель Виталий Казимирович, доцент кафедры Академии управления при Президенте Республики Беларусь, действительный член Литовского криминалистического общества, кандидат юридических наук, доцент;

Кодиров Кувонч Бекмуродович, доцент кафедры уголовно-исполнительного права Академии МВД, доктор философии по историческим наукам.

Главный редактор
Султанова Махсуда Эргашевна

Редакторы номера
И. В. Солохина, Н. Б. Абдурашитова

Дизайн и верстка Д. Р. Джалилов

Учредитель

Академия МВД Республики Узбекистан

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Вестник включен в перечень научных изданий, рекомендованных Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан для публикации основных научных результатов докторской (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

Адрес редакции

100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.
Тел.: 71-265-23-56, 71-265-23-59.
@maiil: axborotnomra.akadmvd.uz

Оригинал-макет подготовлен в Редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна. Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Автор несет личную ответственность за факты и сведения, приведенные в статье.

Формат 60×84 1/8. Уч.-изд.л. 22,0. Печать офсетная. Тираж 50 экз. Отпечатано в ООО «SIGMA-PRINT» г. Ташкент. ул. Ч. Айтматова 33.

Цена договорная.

Подписано в печать 25.10.2021 г.

Заказ № ISSN 2181-4872

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИННИГ АХБОРОТНОМАСИ

2010 йилдан нашр этила бошлаган

Йилда тўрт марта чиқади

2021 йил, махсус сон

МИРЗИЁЕВ Ш. М.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИГА
ТАБРИГИ.....5

БОБОЖОНОВ П. Р.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚПАРВАР ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ:
ИСЛОҲОТЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР.....7

ХАТАМОВ Р. А.

“ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ”НИ МУҚАДДАС
БУРҶ ДЕБ БИЛАДИГАН ПРОФЕССИОНАЛ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ
ЙЎЛИДА.....14

СОБИРОВ Ш. У., ХАМДАМОВ А. А.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОПЕРАТИВНЫХ
ПОДРАЗДЕЛЕНИЙ ОВД: СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ.....22

ИКРАМОВ А.И., САИДОВ Б. А.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ
ВА МАҶНАВИЙ-МАҶРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....27

АБДУЛХАКОВ Я. А., МУРОДОВ Б. Б.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕРГОВ АППАРАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ.....34

ГОРДЕЕВ С. Н., САЙТБАЕВ Т. Р.

ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ
ДЕЛ: 30 ЛЕТ СТАНОВЛЕНИЯ И РАЗВИТИЯ.....41

АЛМАТОВ З. А., ҚОДИРОВ Қ. Б.

ХАЛҚЧИЛ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ШОНЛИ ТАРИХИ.....50

МАТЛЮБОВ Б. А.

МУСТАҚИЛЛИК СОЛНОМАСИНИНГ САХИФАЛАРИДА ИЧКИ ИШЛАР
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ.....55

**ЗИЁДУЛЛАЕВ М.З., ШАРИПОВ С. С.**

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ
ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ:
ИСЛОХОТЛАР, УЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....64

РЎЗИЕВ З. Р.

“ОБОД ВА ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА” ТАМОЙИЛИНИ ТҮЛАОҚОНЛИ
ЖОРӢӢ ЭТИШ – ДАВР ТАЛАБИ.....78

МУХАМЕДОВ У.Т., ЮЛДАШЕВ Дж. Х.

МИГРАЦИЯ ВА ФУҚАРОЛИКНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ХИЗМАТЛАРИ
ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХОТЛАР: НАТИЖАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР87

НУРИДДИНОВ С. С., ХУСАНОВ А. Д.

СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ МОДЕРНИЗАЦИИ СИСТЕМЫ
ЭКСПЕРТНО-КРИМИНАЛИСТИЧЕСКОЙ СЛУЖБЫ.....96

ИСМАИЛОВ И., МАМАТҚУЛОВ Т. Б.

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ – ИЧКИ ИШЛАР
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИНСОНПАРВАР ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ.....103

ТУРСУНОВ А. С., ПРИМОВ Ф. А.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ:
КЕЧА, БУГУН ВА ИСТИҚБОЛДА.....114

ШОДИЕВ А. А., АБДУРАСУЛОВА Қ. Р.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ТИЗИМИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ
БОСҚИЧЛАРИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....123

ТУРҒУНОВ И.Т., БЕРДИЯРОВ Ш. Н.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҲАМДА ИЧКИ
ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ТАРТИБИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ.....130

ҚОБИЛОВ Ш. Р.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОХОТЛАР
НАТИЖАСИ.....137

АЛИЕВ Ш. Х.

ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАЩДА
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУЛЛАРИ БИЛАН ИЖТИМОЙ
ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ.....146

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИГА ТАБРИГИ

Хурматли ичкни ишлар тизими ходимлари!

Қадрли офицер ва генераллар, сержант ва сафдорлар!

Муҳтарам фахрийлар!

Аввало, сиз, азизларни бугунги касб байрамингиз ҳамда Ўзбекистон Республикаси ичкни ишлар органлари ташкил этилганининг 30 йиллиги билан чин қалбимдан муборақбод этаман.

Ушбу қуттуғ айёмда ўз ҳаётини эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини асраршдек эзгу ва олижаноб ишга бағищлаган сизлар каби мард ва садоқатли, ҳақиқий ватанпарвар инсонлар шаънига самимий тилакларимизни билдирамиз.

Айни пайтда, ўз хизмат вазифасини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган фидойи ходимларнинг хотирасини чексиз эҳтиром билан ёд этамиз.

Истиқолимизнинг илк даврида ташкил топган ичкни ишлар органлари ўтган синовли йиллар давомида машаққатли ва шарафли йўлни босиб ўтиб, ҳалқимизнинг чинакам таянчи ва ҳимоячиси сифатида шаклланди, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Сизларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги мардона хизматларингизни бутун элимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Азиз дўйстлар!

Биз ўз фаолиятимизни бошлаган дастлабки кунлардан иккита энг устувор масалага – жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамда аҳоли соғлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратиб келаётганимиз, албатта, бежиз эмас. Чунки тинчлик ва соғлиқ – бу ҳар бир инсон, бутун ҳалқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган бебаҳо неъматdir.

Шу боис, сўнгги беш йилда ичкни ишлар тизимини комплекс ислоҳ килиш, унинг таркибий тузилмаларини оптималлаштириш, қуий бўғин бўлинмалари натижадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳукуқбузарликлар профилактикасини йўлга қўйиш, аҳолининг ҳукуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролар онгиди “Қонун – устувор, жиноятга жазо муқаррар” деган ҳаётий тамойилни қарор топтириш бўйича жиддий ўзгаришлар жорий этилмоқда.

Айни пайтда, Ичкни ишлар вазирлиги марказий аппарати янада оптималлаштирилиб, унинг тузилмалари негизида Тезкор-қидирув, Жамоат хавфсизлиги, Транспорт ва туризм обьектларида хавфсизликни таъминлаш, Жазони ижро этиш, шунингдек, Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаментлари ташкил этилгани тизимнинг энг қуий бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятни йўлга қўйиш имконини бермоқда.

Маҳаллаларда ҳукуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини ташкил этиш бўйича мутлақо янги тизим яратилди. Ҳусусан, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этишда “фуқаробай”, “оилабай” ва “маҳаллабай” ишлаш орқали ҳукуқбузарликларнинг ижтимоий профилактикасини таъминлаш амалиёти жорий этилди. Бугунги кунда аҳолининг эҳтиёжманд қатлами, жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларимиз билан манзилли ишлашни ташкил этиб, уларнинг муаммоларини ҳал этишда ичкни ишлар тизими ходимлари ҳам муҳим хисса қўшмоқда.

“Хавфсиз маҳалла” ва “Хавфсиз ҳудуд” тамойиллари асосида ичкни ишлар органларининг Миллий гвардия ва маҳалла жамоатчилиги билан ҳамкорликдаги ишлари қисқа вақт ичida ўзининг ижобий натижасини бераётгани биз учун катта аҳамиятга эга.

Ҳудудлардаги криминоген вазиятни чуқур таҳлил қилиш, жиноятларнинг динамикаси ва содир этилишига таъсир қилаётган омилларни аниқлаш ва “илмий диагноз” қўйиш орқали жиноятчиликни прогнозлаш ва унинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биз янги тарихимизда илк бор ёшлар орасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини илмий асосда мактаб остонасидан, болаларнинг ҳуқуқий-психологик тарбиясидан бошладик. Шу мақсадда жорий йилда тизимга 1 минг 100 нафар инспектор-психологлар ажратилди. Келгуси йилда бу кўрсаткични 2 минг нафарга етказамиз. Бундан кўзланган мақсадимиз – фарзандларимизни мактаб ёшидан бошлаб қонунга хурмат руҳида камол топтиришдан иборат. Ишонаманки, бу вазифани аъло даражада бажарамиз.

Худудий бўлинмаларнинг тезкорлигини ошириш ва уларнинг моддий-техник таъмино-тини яхшилаш учун соҳага 2016–2021 йилларда қўшимча 3,5 мингга яқин янги транспорт, 16 мингдан ортиқ маҳсус ва техник воситалар ажратилди. Мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилиб, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, раҳбарларнинг профессионал салоҳиятини ошириш борасида тизимли чоралар кўрилмоқда. Ички ишлар вазирлиги Академиясида бакалавриат ва магистратуруни ўз ичига оладиган икки босқичли замонавий олий таълим тизими, ўқув жараёнига назария билан амалиёт уйғунлигини таъминлаш учун янги таълим механизмлари жорий қилинди.

Янги ташкил этилган Жамоат хавфсизлиги университетида ички ишлар соҳаси учун ҳам етук кадрларни тайёрлаш жараёни бошланди. Ходимларни хизмат даврида узлуксиз ўқитиш учун илк бор Малака ошириш институти очилиб, замонавий ёндашувлар асосида масоғавий ва мобиль сайёр курсларни ўтказиш амалиёти жорий этилди.

Тажриба алмашиш, ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ходимларни ўқитиш соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида жаҳоннинг 29 та давлати ҳуқуқ-тартибот идоралари билан эришилган икки томонлама халқаро келишувларга мувофиқ амалий ишлар олиб борилмоқда.

Фидойи ходимларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва кўллаб-қувватлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Ўтган беш йил мобайнида 500 дан ортиқ ички ишлар ходимлари ва ҳарбий хизматчилари давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Хизмат хусусиятидан келиб чиқкан ҳолда, алоҳида шароитларда ўз вазифаларини бажарувчи 25 мингдан ортиқ ходимларнинг ойлик маошларига устама ҳақлар белгиланди. 7 246 нафар ходимлар хизмат уйлари билан таъминланди, шунингдек, имтиёзли ипотека кредити асосида курилган кўпқаватли уйлардан 2 минг 300 га яқин хонадонлар ажратилди.

Ҳурматли соҳа вакиллари!

Айни пайтда, глобал дунёдаги шиддат билан ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий вазият соҳа фаолиятини замон талабларига мос равишда мутлақо янгича усусларда ташкил этишини тақозо этмоқда. Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини кучайтириш, суриштирув ва тергов фаолиятини адолатли, холис ва ҳаққоний олиб бориш бўйича самарали механизмларни жорий этиш, киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича изчил иш олиб боришимиш лозим.

Соҳага илгор тажрибалар ва иш усусларини, инновацион-рақамли технологияларни кенг жорий этиш, ходимларнинг интеллектуал ва касбий салоҳияти, маънавий-маърифий савияси, жисмоний ва руҳий тайёргарлигини ошириш, уларнинг машаққатли ва фидокорона меҳнатини муносиб қадрлаш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш талаб этилади.

Мухтасар айтганда, ички ишлар органларини аҳолига ва ҳар бир оиласга янада якинлаштириш, бу тизимни чин маънода халқчил тузилмага айлантириш борасидаги ислоҳотларимизни бундан кейин ҳам изчил давом эттирамиз.

Мен Янги Ўзбекистоннинг ички ишлар органлари ходимлари – Ватанимизнинг асл ўғлонлари сифатида замонавий билимларни эгаллаган, маънавий ва маърифий дунёси бой, ҳар қандай хавф-хатарга қарши матонат билан курашишга тайёр халқимизнинг чин маънодаги ҳимоячилари эканингизга қатъий ишонаман.

Сизларни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга мустаҳкам соғлик, оиласарингизга файзу барака, масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффакиятлар тилайман.

Шавкат Мирзиёев
Ўзбекистон Республикаси Президенти

П.Р. Бобоҷонов,
Ўзбекистон Республикаси Ички
ишлар вазири, генерал-лейтенант

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚПАРВАР ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ: ИСЛОҲОТЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Аннотация. Мазкур мақолада ўтган беш йил мобайнида ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислоҳотларнинг асосий мазмуни ва йўналишлари таҳлил этилган. Ҳусусан, ички ишлар органларининг тузулмасини тубдан такомиллаштириш, тизим фаолиятга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ҳамда мутлақо янгича иш услубларини жорий этиш, тизим фаолиятининг очиқлиги ва раҳбарларининг хисобдорликни таъминлаш, ходимларни ижтимоий ҳимоя килиш ва уй-жой-маиший шароитларини янада яхшилаш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, ходимларнинг маънавий қиёфасини шакллантириш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар баён этилган.

Калит сўзлар: ички ишлар органлари; халқпарвар тизим; ахборот-коммуникация технологиялари; янгича иш услублари; очиқлик; хисобдорлик; ижтимоий ҳимоя; кадрлар тайёрлаш; маънавий қиёфа.

Аннотация. В данной статье проанализированы основная сущность и направления реформ, осуществленных в системе органов внутренних дел за прошедшие пять лет. В частности, в ней отражены мероприятия по коренному совершенствованию структуры органов внутренних дел, внедрению в систему современных информационно-коммуникационных технологий и абсолютно новых методов работы, обеспечению открытости деятельности системы и подотчётности руководителей, социальной защиты сотрудников, улучшению их жилищно-бытовых условий, поднятию на новый качественный уровень системы подготовки, переподготовки, повышения квалификации кадров для отрасли, формированию нравственного облика сотрудников.

Ключевые слова: органы внутренних дел; народная система; информационно-коммуникационные технологии; новые методы работы; открытость; подотчётность; социальная защита; подготовка кадров; нравственный облик.

Annotation. This article analyzes the main essence and directions of reforms implemented in the system of internal affairs bodies over the past five years. In particular, it reflects measures to radically improve the structure of internal affairs bodies, introduce modern information and communication technologies and completely new methods of work into the system, ensure the openness of the system and accountability of managers, social protection of employees, improve their living conditions, raise the system of training, retraining, advanced training for the industry and the formation of the moral image of employees to a new qualitative stage.

Keywords: internal affairs bodies; people's systems; information and communication technologies; new methods of work; openness; accountability; social protection; personnel training; moral character.

*Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса,
унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим
бу – ички ишлар соҳаси, десак, айни ҳақиқат бўлади.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

Жамиятда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, инсон унинг ҳёёти, соғлиги ва мол-мulkини турли хавф-хатарлардан ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг асосий

вазифаларидан бири хисобланади. Шу боисдан ҳам янги Ўзбекистон тарихида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг раҳбарлигидаги ислоҳотлар айнан

фуқароларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш соҳаларидан бошланди.

Тан олиш керакки, бир пайтлар ички ишлар органлари тизимларида жиноятчиликнинг олдини олиш эмас, балки унинг оқибати билан курашиш, пастдаги муаммони ўрганмасдан тепадан буйруқни кутиш, фуқароларни қийнаётган масалаларни билмаслик ҳолатлари мавжуд эди. Бу эса, ўз навбатида, кўпчиликнинг ҳақли эътиrozларига сабаб бўларди.

Янги Ўзбекистоннинг барча давлат идоралари каби ички ишлар органларида хам барча раҳбарлар томонидан фуқаролар билан мулоқот ўtkазиш, жиноятларни маҳаллаларнинг ўзида муҳокама қилиш, энг чекка ҳудудларга бориб, аҳолининг дардини эштиш, муаммоларини ўрганиш амалиёти йўлга қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, сўнгги беш йил давомида ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича тарихий ислоҳотлар амалга оширилди.

Ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишда биринчи навбатда республика, ўрта ва қуий бўғиндаги бўлинмалар ўртасида асосий вазифа ва функцияларни аниқ тақсимлаш ҳамда халқка яқинлаштириш, амалдаги ташкилий штат тузилмалари куч ва воситаларидан оқилона фойдаланишга эътибор қаратилди. Натижада ички ишлар органлари ходимларининг асосий қисми қуий тизимга туширилиб, бевосита фуқаролар билан яқин мулоқоти ўрнатилди. Ирик бозор, савдо мажмуалари ва аҳоли гавжум жойларда Россия, Қозоғистон, Германия каби мамлакатларнинг ижобий тажрибасига таянган ҳолда, ўзига хос муниципал полиция сифатида – маҳаллий бюджет хисобидан қирқдан ортиқ ички ишлар бўлинмалари фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳар бир маҳалла учун алоҳида профилактика инспекторлари лавозими жорий этилиб, уларнинг сони қарийб

икки бараварга оширилди. Профилактика инспекторларининг ўз ҳудудида узлуксиз хизматларини ташкил этишлари учун уларга хизмат уйлари қуриб берилди ва шахсий автомашина харид қилиш учун имтиёзли кредитлар ажратилди.

Профилактика инспекторлари айни пайтда маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари ҳисобланавши белгиланди. Бу профилактика инспекторларини халққа янада яқинлаштириб, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, профилактика инспектори маҳалласида ички ишлар органларининг вакили эмас, балки аҳолининг ички ишлар органларидағи вакили сифатида хизмат олиб бориши йўлга қўйилди.

Ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида тизимдаги тегишли соҳавий хизматлар, Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолиятини ташкил этиш имконини берувчи маҳалла ҳуқуқтартибот масканлари фаолияти йўлга қўйилаётгани ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш, уларни бартараф этишда “фуқаробай”, “оилабай” ҳамда “маҳаллабай” ишлаш тизимини жорий этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий профилактикасини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, оила ва хотин-қизлар муаммолари бўйича ишлашда яқиндан кўмак берувчи хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар, шунингдек, маҳаллаларда инспектор-психологлар ва вояга етмаганлар масалалари бўйича инспекторларнинг фаолияти йўлга қўйилди.

Умуман олганда, тизимдаги барча соҳавий хизматлар қайтадан ислоҳ қилиниб, кўплаб хорижий мамлакатларда тўлақонли фаолият юритаётган Туризм полицияси, Экология полицияси, Пробация, Киберхавфсизликни таъмин-

лашга ихтисослашган бўлимлар ташкил этилди.

Ички ишлар органлари барча бўлинмаларининг фаолияти янада самарали бўлишини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш тизимни ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Соҳага илғор ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан маъмурий ҳуқуқбузарликни қайд этувчи планшетлар, бодикамера, Интернет тармоғига уланган компьютерлар татбиқ этилди.

Ҳуқуқбузарликларнинг барвакт олдини олиш бўйича профилактика инспекторларига масофадан туриб мурожаат юбориш, уларнинг фаолиятини баҳолаш имконини берувчи “Смарт маҳалла” дастури яратилди. Суд мажлисларини онлайн тарзда ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Жамоат жойларидағи вазиятни кузатиб бориш учун “Ситуацион вазиятлар марказ”лари ташкил этилиб, уларга кўчалар, аҳоли хонадонлари ва ижтимоий обьектларга ўрнатилган видеокамера ва тезкор чақирув тугмалари интеграция қилинди.

Жамоат жойларида хавфсизликни “инсон омили”ни истисно этган ҳолда таъминлаш учун йўл-патруль ва патрульпост хизмати ходимлари бодикамералар, алкотестерлар ҳамда ҳуқуқбузарликларни қайд этувчи планшет билан таъминланди.

Ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида хизмат фаолиятини босқичмабосқич рақамлаштириш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозиргача ички ишлар органларининг тўқсон олти фоиздан ортиғи оптик толали алоқа тизимиға уланди. Қарийб тўқсон фоизи замонавий компьютерлар билан янгича тизимда иш бошлади. Тизимда ўттиздан ортиқ ахборот-маълумотлар базаси жорий этилиб, ҳужжат алмашинуви

электрон шаклга ўтказилмоқда. Фаолият шаффоғлигини таъминлаш учун ҳар бир ҳудуд, соҳавий хизматларда вебсайтлар ишга туширилиб, ижтимоий тармоқларда расмий саҳифа юритилиши йўлга қўйилди.

Ички ишлар органлари тизимида олиб борилган ислоҳотларда тизим фаолиятига мутлақо янгича замонавий иш услубларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳар бир раҳбар ва ходимнинг жиноятчиликка қарши курашишга бўлган қараши тубдан ўзгарди. Улар томонидан рақам ёки фоизлар ортидан кувиш эмас, балки фуқароларнинг мол-мулкини, соғлигини ишончли ҳимоя қилиш асосий вазифа этиб белгиланди.

Жиноятчилик статистикасини юритиш халқаро тажрибадан келиб чиқсан ҳолда, юз минг аҳоли сонига нисбатан ҳисобланиши йўлга қўйилди. Криминоген вазиятни холисона таҳлил қилиш, жиноятларни яширмаслик мақсадида ходимлар ташаббуси билан аниқланадиган жиноятлар ижобий натижа сифатида баҳоланиш тизимиға ўтилди.

Бугунги кунда республиканинг барча ҳудудларида жиноятлар секторлар кесимида таҳлил этилиб, вазиятга маҳаллада хавфсиз шароит яратилганлигига қараб баҳо берилмоқда ва бундай ёндашув криминоген вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун замин яратмоқда. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Миллий гвардия билан бирга уч сменали патруллик хизмати жорий этилди. Жуғрофий жиҳатдан мураккаб бўлган вилоятлар миңтақаларга бўлиниб бошқариладиган бўлди.

Интерпол ва Европол каби халқаро ташкилотлар ҳамда саксонга яқин давлатларнинг полицияси органлари билан ҳамкорлик мустаҳкамланди.

Ҳудудларнинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, жиноятчиликка қарши курашишнинг янги моделлари амалиётга

босқичма-босқич татбиқ этилмоқда. Шундан келиб чиқкан ҳолда, турли замонавий иш услублари ва “худуд методика”лари яратилди. Республика бўйича криминоген вазияти энг оғир қирқ бешта туман-شاҳар, шунингдек, Навоий вилояти, Ангрен, Нукус ва Қарши шаҳарлари ҳамда Сариосиё, Косон ва Чирокчи туманларини “намунавий хавфсиз ҳудуд”га айлантириш бўйича алоҳида чора-тадбирлар дастурлари тайёрланиб, ижрога қаратилди.

Маҳаллалар криминоген вазиятга кўра, “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифаларга ажратилди ва шу асосда куч ҳамда воситалар тақсимланишига эътибор берилди. “Қизил” ва “сарик” маҳаллаларда “жиноят ўчоқ”ларини бартараф этиш учун уларнинг ҳар бири туман-шаҳар ҳокими, ҳукуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ўринbosарларига бириктирилди.

Ҳар бир худудда энг оғир бўлган маҳаллалар вилоят даражасидаги биринчи раҳбарларга бириктирилиб, у ердаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича ижтимоий профилактика тизими амалиётга татбиқ этилмоқда.

Энг муҳими, ҳар бир раҳбар ва ходимнинг жиноятчиликка қарши курашишга бўлган қараши тубдан ўзгариб, кундалик хизмат фаолияти рақам ҳамда фоиз ортидан қувиш эмас, балки фуқароларнинг ҳак-ҳукуқларини ҳимоя қилиш, жиноятларнинг олдини олиш биринчи навбатдаги вазифага айланди.

Барча соҳаларда бўлгани каби ички ишлар органлари тизимида ҳам очиқлик ва ҳисобдорликни таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Бу борада, аввало, ички ишлар органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратининг янги тизими ўрнатилгани, ички ишлар органи бошлиғидан тортиб, профилактика инспекторигача ҳалқ олдида ҳисбот берадиган амалиёт

жорий этилгани аҳолининг уларга бўлган ишончини янада оширмоқда.

Айтиш жоизки, сўнгги даврда ҳар бир раҳбар ва профилактика инспектори вакиллик органларига ҳисбот бериш тизими йўлга қўйилиб, жиноятларнинг сабабларини “маҳаллабай” ва “соҳабай” муҳокама қилиш амалиётига ўтилди. Жиноятларни фош этиш ва жамоат хавфсизлигини “инсон омили” таъсирини истисно этган ҳолда таъминлаш тизимига ўтилди. Шу мақсадда, “Гезелла ойнаси” билан жиҳозланган ва видеоконференц алоқа тизимига уланган маҳсус тергов хоналари ташкил этилди.

Жиноятларни фош этиш борасидаги ҳар бир процессуал ҳаракатни аудио ва видео қайд этиш мажбурийлиги белгиланиб, илфор криминалистик воситалар, масофадан туриб сўроқ қилиш ҳамда мобиль тергов қилиш платформалари амалга татбиқ қилинди. Алоҳида сўровхона ташкил этилиб, барчаси видео камералар билан жиҳозланди. Жазони ижро этиш муассасаларида видеокузатув мосламалари ўрнатилди.

Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислоҳотларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, қисқа давр ичida тизимнинг моддий-техник базаси янгиланди, ходимларнинг хизмат шароитлари яхшиланди. Ўтган беш йил мобайнida тизимда икки юз қирқдан ортиқ хизмат уйлари қурилди, хона-донларни олиш учун ипотека кредити расмийлаштирилмоқда. Замон талабига жавоб берадиган янги маъмурий бинолар барпо этилиб, янги хизмат транспорт воситалари харид қилинди.

Ходимларни ижтимоий-ҳукуқий ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг ойлик маошлари оширилди, хизмат вақтида ҳалок бўлган ёки ногирон бўлиб қолган ходимларнинг фарзандларига ўқишига киришлари учун алоҳида квоталар ажратилди. Ички ишлар органлари фахрийлари ва уларнинг оила аъзоларига арzon-

лаштирилган нархда тиббий-ижтимоий ёрдам олиш имкониятлари яратилди.

Хизмат чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандларига олий таълим муассасаларига имтиҳонсиз ўқишига кириш учун тавсияномалар тақдим этилмоқда. Хизматда намуна кўрсатган ҳамда юқори кўрсаткичларга эришган ходимлар давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Ўтган беш йил мобайнида ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштирилди. Ички ишлар органларида юксак малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сон қарори билан ИИВ Академиясида 8 та йўналиш бўйича кундузги ва сиртқи шаклда ўқиш тизими йўлга қўйилиб, вазирликнинг 14 та идоравий академик лицейлари, “Темурбеклар мактаби” ва ихтисослашган мактаб-интернат фаолияти йўлга қўйилди [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ”Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарорининг қабул қилиниши билан ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, куч ва воситаларни самарали бошқаришда раҳбар кадрларнинг интеллектуал, касбий салоҳиятини янада оширишга йўналтирилган бир қатор устувор вазифалар ижрога қаратилди [2].

Ички ишлар вазирлиги Академиясида жаҳон стандартларига мос келадиган бакалавриат ва магистратурани ўз ичига олувчи икки босқичли олий таълим тизими жорий этилиб, ўқув жараёнига назария билан амалиёт уйғунлигини таъминлашга хизмат қилувчи янги таълим механизмлари татбиқ этилди. Узлуксиз ўқув-карьера жараёнининг ажралмас қисми бўлган магистратурада тизим учун ўрта ва юқори даражадаги профессионал етук раҳбар кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва уни такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг навбатдаги босқичи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 августдаги “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори имзоланганлиги мухим воқеа бўлди. Қарорга асосан Вазирликнинг ташкилий тузилмасида мустақил таълим муассасаси ҳисобланган Малака ошириш институти ташкил этилди [3].

Ходимларининг касбий билим ва амалий кўникмаларини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада жорий йилдан бошлаб янги узлуксиз “ўқув-карьера” тизими татбиқ этилди.

Эндилиқда ҳар бир ходим навбатдаги унвон олиш учун ёки янги лавозимга тайинланишдан аввал Малака ошириш институтида сайёр, масофавий ёки кундузги мажбурий малака ошириш курсларида ўқитилиши йўлга қўйилди.

Раҳбарлар захирасини яратиш учун ҳар йили ИИВ Академиясида ташкил этилган икки босқичли магистратурада таҳсил олиш тизими яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги

“Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигинит аминлашва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори ҳамда у билан “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси”нинг қабул қилиниши ички ишлар органлари ходимларини ҳар қандай шароитда давлат, ҳалқ манфаатларига хизмат қиласидиган, миллий қадриятларга содиқ, ёт ва бузгунчи ғояларга қарши муросасиз кураша оладиган, иймон-эътиқоди, иродаси мустаҳкам, фидойи ҳамда юксак маънавиятли кадрлар бўлиб этишишига хизмат қиласиди [4].

Мазкур Концепциянинг илдизини “Ватанга ва ҳалққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз!”, деган концептуал ғоя ташкил этади.

Таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда соҳа ходимларининг маънавий қиёфаси, жамиятилиздаги обрў-эътибори юксалиб бормоқда. Ички ишлар органларида ўз бурчи ва қасамёдига содиқ, ватанпарвар ва ҳалқпарвар ходимлар сони қўпайиб бораётгани эса ислоҳотларимизнинг энг муҳим натижасидир.

Умуман олганда, тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ички ишлар органлари замонавий техника билан таъминланган, ҳалқчил ва очик, криминоген вазиятни мустаҳкам, ишончли назорат қила оладиган, мобиль, ихчам тузилмаларга айланиб бормоқда. Бу, албатта, тизимда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ижобий самарасидан далолат беради ва соҳадаги ишларимизни изчил давом эттиришни тақозо этади.

Холоса ўринида айтиш жоизки, ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислоҳотлар бугун ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Агар бундан беш йил аввал жиноятдан холи ҳудудга айланган маҳаллалар улуши ўн уч фоиздан ошмаган бўлса, бугунги

кунда шундай маҳаллалар сони тўрт ярим мингдан мингдан зиёдни ташкил этмоқда. Шу даврда ҳар юз минг аҳолига нисбатан жиноятлар сони эса қарийб бир ярим бараварга (229 тадан 182 тага) камайди ва бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги худудида энг хавфсиз давлат ҳисобланади [5].

Мамлакатимизда хавфсизлик соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари ҳалқаро ҳамжамият томонидан ҳам ижобий баҳоланмоқда. Хусусан, “The world justice project” ҳалқаро нодавлат агентлиги томонидан 2021 йил учун берилган маълумотларига кўра, Ўзбекистон “Тартиб ва хавфсизлик” индикатори бўйича дунёда 139 та мамлакат ичидаги 16-ўринни, Осиё қитъасидаги 27 та давлатлар орасида 4-ўринни, Марказий Осиёда эса 1-ўринни эгаллаган. Бухам мамлакатимизда хавфсизшароитлар яратилганлигидан далолат беради, албатта.

Лекин бу рақамлар хотиржамликка берилишга сабаб бўла олмайди. Чунки жамият тараққиёти, фан-техниканинг ривожланиши, инсонларнинг онги, дунёқарашидаги ўзгаришлар жиноятчикликнинг микдор ва сифат қўсарткичлари ўзгаришини тақозо этади. Бу эса келгусида ғайриижтимоий ҳулқ-атворда ҳамда хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар тоифаси билан “фуқаробай” ва “оилабай” ишлаш амалиётини янада жадаллаштириш, бу борада “ювенал профилактика кластери”, аҳолига психологик хизмат кўрсатиш каби хизматларни жорий этиш орқали тизимни ҳар бир оиласига янада яқинлаштириш, аҳолига қўшимча қулийликлар яратиш ва ортиқча оворагарчиликка чек қўйиш учун электрон хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш, автомобиль йўлларида ҳаракатланиш учун хавфсиз шароитларни яратиш, тизим ходимлари ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қатъий тартибини белгилаш ва ходимнинг кунлик

хизмат фаолиятини баҳолашда унинг профессионаллик даражаси билан бирга, ижтимоий фикрга ҳам асосланишга доир таъсирчан тизимни амалиётга киритиш сингари ички ишлар органларини чинакам халқчил профессионал тузилмага айлантиришга йўналтирилган бир қатор вазифаларнинг амалга оширилишини талаб қиласди.

Бир сўз билан айтганда, ички ишлар органлари зиммасига янги Ўзбекистоннинг

янги ички ишлар органлари тизимини яратиш бўйича белгилаб олинган чора-тадбирларни босқичма-босқич, тизимли равишда амалга ошириш, шунингдек замон билан ҳамнафас бўлиб, тизимнинг ташкилий-тузилиши, фаолият стратегияси ва тактикаси, иш услугини моддий-техник таъминотини такомиллаштириш ҳамда ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини мунтазам равишда ошириб бориш мажбуриятини юклайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сон қарори // <https://lex.uz/docs/3313218>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ”Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарори // <https://lex.uz/ru/docs/5377619>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 августдаги “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори // <https://lex.uz/docs/3877315>.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органлари нинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори // <https://lex.uz/ru/docs/5353841?ONDATE=02.04.2021%2000>.

5. Ўзбекистон МДҲдаги энг хавфсиз давлатга айланди // [https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-mdhdagi-eng-xavfsiz-davlatga-aylandi_314408](https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-mdhdagi-eng-xavfsiz-davlatga-aylandi_314408?q=%2Fposts%2Fozbekiston-mdhdagi-eng-xavfsiz-davlatga-aylandi_314408).

6. Ўзбекистон ҳуқуқ устуворлиги индексида 14 погона юқорилади // <https://yuz.uz/news/ozbekiston-huquq-ustuvorligi-indeksida-14-pogona-yuqoriladi>.

Р. А. Хатамов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиги,
полковник

“ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ”НИ МУҚАДДАС БУРЧ ДЕБ БИЛАДИГАН ПРОФЕССИОНАЛ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА

Аннотация. Мазкур мақолада ИИВ Академиясида ички ишлар органлари учун кадрлар тайёрлаш масалалари ёритилган. Муаллиф ИИВ Академиясида “Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни муқаддас бурчи, деб биладиган профессионал кадрларни тайёрлаш бўйича амалга оширилган чоралар таҳлилига алоҳида эътибор қаратган.

Таянч сўзлар: ички ишлар органлари, ИИВ Академияси, ички ишлар органлари ходимлари, кадрлар тайёрлаш, таълим.

Аннотация. В статье освещены вопросы подготовки кадров для органов внутренних дел. Автор особо уделяет внимание анализу мероприятий, осуществляемых в Академии МВД по подготовке высококвалифицированных, профессиональных кадров, считающих своим священным долгом “Служение интересам народа”.

Ключевые слова: органы внутренних дел, Академия МВД, сотрудники органов внутренних дел, подготовка кадров, образование.

Annotation. This article highlights the issues of personnel training for internal affairs bodies at the Academy of the Ministry of Internal Affairs. The author also pays special attention to the analysis of the activities carried out at the Academy of the Ministry of Internal Affairs for the training of highly qualified professional personnel, who consider their sacred duty to “Serve the interests of the people”.

Keywords: Internal affairs bodies, Academy of the Ministry of Internal Affairs, co-workers of internal affairs bodies, personnel training, education.

*“Хозирги кунда мамлакатимиизда олиб борилаётган ислоҳотлар
самараси, авваламбор, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган,
Ватанимиз тақдиди ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига
олишига қодир ёши кадрлар сафини кенгайтиришига бевосита боғлиқ”.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

Ички ишлар вазирлиги Академияси мустақиллик йилларида ички ишлар органлари учун профессионал кадрлар тайёрловчи йирик таълим даргоҳи сифатида шаклланди. Академияда таълим тизимининг ривожланиши бир томондан умумий олий таълимнинг таркибий қисми, иккинчи томондан эса ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилиш, хусусан, соҳани салоҳиятли кадрлар

билан тайёрлашнинг устувор йўналиши сифатида инклузив характерга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Академиясини ташкил этиш тӯғрисида”ти 447-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Олий ва ўрта маҳсус милиция мактаблари негизида ички ишлар

органлари мутахассисларини тайёрлаш ва бошлиқлар таркиби ходимларининг малакасини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Академияси ташкил этилди [1].

Мазкур қарор билан Академиянинг асосий вазифалари этиб қуидагилар белгиланди:

ички ишлар органларининг олий бошлиқлар таркибини тайёрлаш;

танлов асосида икки босқичда ички ишлар органларининг олий ва ўрта юридик маълумотли бошлиқлари таркибини тайёрлаш;

хуқук-тартиботни муҳофаза қилиш муаммоларини тадқиқ этиш;

илемий ва илемий-педагогик кадрларни тайёрлаш.

Ўтган йиллар давомида юқорида кўрсатилган йўналишларда бир қатор ишлар амалга оширилиб, ИИВ Академияси мамлакатимиз хуқуқни муҳофаза қилувчи органлари учун юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган етакчи олий таълим муассасаларидан бирига айланди. Бунда юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга қодир, она Ватанимизга садоқат билан хизмат қиласдиган ҳар томонлама етук, билимли, жисмонан чиниқсан, руҳан тетик, замонавий хавф-хатарларга қарши муносаб кураша оладиган кадрлар етиштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўқув даргохининг моддий-техник базаси давр талаблари даражасида янада мустаҳкамланди. Янги ўқув бинолари қурилди. Замонавий аудиториялар, мутахассислик кафедралари учун махсус хоналар, спортга мўлжалланган ва бошқа иншоотлар барпо этилди. Мавжудлари қайта таъмирланди. Ўқув-таълим жараёнига илғор педагогик технологиялар жорий этилиб, ўқув хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органлари-

нинг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишини таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон фармони ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш бўйича тарихий аҳамият касб этиди.

Ушбу фармон билан ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларидан биринчиси ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан “Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш назарда тутилди. Бу эса ички ишлар органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимига ҳам бевосита таъсир қилиб, Академиядаги таълим тизимини ислоҳ қилишга ҳам туртки бўлди.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сонли қарори билан ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими тубдан такомиллаштирилди [2].

Хусусан, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими ни ривожлантиришнинг куйидаги устувор йўналишлари белгиланди:

биринчидан, ходимларни, шу жумладан уларни хизмат фаолиятидан ажратмаган ҳолда ўқитиши ва махсус касбий тайёрлаш, мажбурий қайта тайёрлаш ва доимий малакасини ошириб боришининг ички ишлар органлари кадрлар салоҳиятини оширишга имкон берадиган сифат жиҳатдан янги тизимини ташкил этиш;

иккинчидан, ёшларда ички ишлар органлари ходимлари учун зарур бўлган дастлабки касбий билим, юксак ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришни назарда тутадиган идоравий олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш бўйича самарали тартибни жорий этиш;

учинчидан, асосий қисми соҳавий фанларни ўқитишидан таркиб топган, шунингдек, ҳудудий ички ишлар органларига бевосита чиқиш ва тергов-тезкор тадбирларни ўтказишида иштирок этишини назарда тутган амалий машғулотларни ташкил қилишни ўз ичига олган янгилangan таълим стандарт ва ўқув дастурларни ишлаб чиқиш ва киритиш;

тўртинчидан, таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркибини малакали илмий-педагогик, биринчи навбатда, соҳавий фанларни ўқитишига ихтисослашган кадрлар билан жамлаш, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда катта амалий тажрибага эга мутахассисларни ўқув жараёнига кенг жалб этиш;

бешинчидан, ўқитишининг замонавий шакл ва усуллари, энг янги педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялар, шу жумладан ситуацияон машғулотлар, масофадан ўқитиш тизимини кенг жорий этиш, таълим олувчи ва ўқитувчиларнинг глобал ахборот-ҳуқуқий ҳамда таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш;

олтинчидан, идоравий таълим муассасаларида ўқитиш йўналишлари ва мутахассисликларини амалиёт эҳтиёжи ҳамда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш истиқболларини инобатга олган ҳолда тизимли равишда мақбуллаштириш;

еттинчидан, ички ишлар органлари фаолиятида, биринчи навбатда

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, тезкор-қидириув фаолияти ва жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги мавжуд муаммолар бўйича фундаментал, амалиётга йўналтирилган илмий тадқиқотлар ўтказиш самарадорлигини ошириш;

саккизинчидан, етакчи хорижий таълим муассасалари билан кадрлар тайёрлаш бўйича тажриба алмашиш, ҳамкорликдаги таълим дастурларини жорий этиш, профессор-ўқитувчилар таркибини хорижий тилларни ўқитиши назарда тутган ҳолда малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш орқали ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Шунингдек, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Академияда ички ишлар органлари ҳамда камида уч йиллик иш стажига эга ички ишлар органлари ходимлари учун сиртқи таълим шаклининг жорий этилиши хизмат фаолиятидан ажralмаган ҳолда олий маълумот олиш имконини вужудга келтирди.

Шу билан бирга, 2018/2019 ўқув йилидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазиригинанинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятларда ИИВнинг идоравий академик лицейлар фаолияти йўлга қўйилди ҳамда 2020/2021 ўқув йилидан Академия кундузги таълим шаклига қабул фақат идоравий академик лицей, ҳарбий академик лицей битирувчилари, ички ишлар органлари ходимлари, шунингдек, профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини саклаш бўйича ёрдамчилари таркибидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Бу эса ички ишлар органлари учун кадрлар тайёрлашни янада мақсадли ва аниқ йўналтиришга хизмат қиласди. Эндиликда тизим учун кадрлар тайёрлаш нафақат олий таълим босқичида, балки ўрта таълим босқичидаёқ бошланадиган бўлди. Бунинг аҳамияти шундаки, ички ишлар органлари учун кадрлар тайёрлаш

ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, билим, кўникум, руҳий, жисмоний, хизмат ва жанговар тайёргарлик сингари кўплаб талаблардан иборат компетенцияга эга бўлишни талаб қиласди. Бу компетенцияни шакллантириш учун эса олий таълим босқичининг ўзи камлик қиласди. Кўплаб ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасида ҳам армия, ички ишлар (полиция) ва бошқа махсус хизматлар учун кадрлар тайёрлаш мақсадли йўналтирилган бўлиб, мактаб давридаёқ бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридаги қарори билан 2018 йил 1 январдан бошлаб Академияда Илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг очилиши эса ушбу даргоҳда кадрлар тайёрлашни сифат жиҳатдан янада юксалишига олиб келди. Академияда илмий даражалар берувчи илмий кенгаш фаолиятининг йўлга қўйилиши илмий салоҳиятнинг юксалиши ва таълим сифатининг ортиши, таълим жараёнини илмий ва инновацион таъминлашни такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Ҳозирга қадар Академия хузуридаги Илмий даражалар берувчи Илмий кенгашда жами 46 нафар тадқиқотчилар докторлик диссертацияларини химоя қилган бўлиб, уларнинг 13 нафари фан доктори (DSc), 33 нафари фалсафа доктори (PhD) диссертацияларидир.

Бугунги кунда ИИВ Академиясида хизмат қилаётган профессор-ўқитувчиларнинг 101 нафари (45,5 %) илмий салоҳиятга эга бўлиб, улардан фан докторлари (DSc) 27 нафарни (шундан 23 нафари профессор, 4 нафари доцент), фан номзодлари ва фалсафа докторлари 65 нафарни (шундан 38 нафари доцент, 2 нафари профессор) ҳамда илмий даражага эга бўлмаган “доцент” илмий унвонига эга бўлган ходимлар 9 нафарни ташкил этади.

Ихтисослигига кўра, илмий даражага ва унвонларга эга бўлганларнинг 66 нафари юридик, 6 нафари фалсафа, 5 нафари филология ва техника, 4 нафари тиббиёт, 3 нафардан педагогика, иқтисодиёт ва физика-математика, 2 нафардан тарих, психология ва сиёсий фанлар бўйича олимлардан иборат.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари ҳамда халқаро стандарт талабларига мос равишда олий таълим тизимини жорий этиш зарурати, шу жумладан мустакил фикрлайдиган, замон билан ҳамнафас яшайдиган, тинмай дунёқарашини бойитиб борадиган кадрларни тайёрлашга эҳтиёж ошиб бориши Академияда ҳам таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишни талаб этарди. Бинобарин, бугунги давр талаблари кечаги куннинг мезонларидан буткул фарқ қиласди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарори билан ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизими жорий этилди.

Айтиш жоизки, Академияда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифаларга мос тарзда амалга оширилмоқда [3].

Хусусан, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Академия кадрларни тайёрлаш жараёнига бакалавриат ва магистратура ни ўз ичига оловчи икки босқичли олий таълим тизими жорий этилиши белгиланди. Республикаиздаги барча олий

ўқув юртларида жорий этилган олий таълимнинг бакалавриат ва магистратура босқичига бўлингандиги халқаро стандарт ҳисобланади.

Бугунги кунда мазкур қарор талабларининг амалда жорий этилиши натижасида Академияда профессионал кадрларни тайёрлаш борасида:

– Академиядаги таълим йўналишлари (мутахассисликлари)нинг янгилangan рўйхати тасдиқланди. Унга кўра, бакалавриат босқичида “Тергов фаолияти”, “Тезкор-қидиув фаолияти”, “Хукуқбузарликлар профилактикаси фаолияти”, “Эксперт-криминалистика фаолияти”, “Жиноий жазоларни ижро этиш”, “Хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш”, “Ташкилий-штаб фаолияти” ҳамда “Хукуқбузарликларни олдини олиш ва фош этиш фаолияти” мутахассисликлари бўйича, магистратура босқичида эса “Ташкилий-тактик бошқарув” ҳамда “Ташкилий-стратегик бошқарув” йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланиши йўлга қўйилди;

– Академиядаги таълим тизими кадрларни мақсадли касбий тайёрлашга қаратилди ҳамда биринчи курсдан бошлаб мутахассислик ва юридик фанларни ўқитиши, жанговар ва жисмоний жиҳатдан тайёрлаш чуқурлаштирилган ҳолда амалга оширилади. Кундузги таълим ўқув юкламасининг 84 фоизини умумкасбий ва мутахассислик фанлар, 16 фоизини табиий-илмий ва гуманитар фанлар ташкил этиши белгиланди;

– кундузги таълим бакалавриатида ўқув жараёнини сўнгги педагогик ва ахборот технологиялари асосида ташкил қилиш, Академияда мутлақоянги модулли ўқитиши технологиясини жорий қилиш орқали ўқув жараёнини сифат жиҳатидан замонавий босқичга қўтаришга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур янги тизим курсантларга ўқув жараёнининг аксарият қисмида мустақил ишлаш, ўз

фаолиятларини тўғри режалаштириш, профессор-ўқитувчиларга эса курсантларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва тўғри баҳолаш имконини беради.

Ўқув жараёнини назария ва амалиёт уйғунлиги асосида ташкил этиш ҳамда келгусида битиувчиларнинг амалиётга тезда киришиб кетишини таъминлаш учун кундузги таълим шаклининг бакалавриат босқичи ўқув режалари 60 фоиз назария ва 40 фоиз амалиётни ўз ичига олган модулли ўқитиши технологиясига асосланган ҳолда тайёрланди. Унга кўра, намунавий ўқув режаси юкламаси (соатлари) Академияда ўқитиладиган 7 та мутахассислик йўналиши хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда, тегишли модулларга тақсимланган ҳолда ўқув жараёни жадвали, Академия базасида назарий таълим уч ҳафта, амалиёт органларида базавий амалий таълим бир ҳафта муддат белгиланган ҳолда қайта ишлаб чиқилди;

– Академиянинг магистратура дастури бўйича ўқитиши ички ишлар органларининг раҳбар кадрларини тайёрлашга қаратилган бўлиб, таълим жараёнига нафақат Академиянинг, қолаверса, бошқа турдош олий таълим муассасалари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви Академияси, Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, Қуролли Кучлар Академияси, Тошкент Давлат юридик университети, Баш прокуратура Академиясининг тажрибали профессор-ўқитувчилари, юқори турувчи давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мутахассислари, ички ишлар органларининг тажрибали раҳбар кадрлари узлуксиз жалб этиб борилади. Ички ишлар вазирининг ўринbosарлари, соҳавий хизмат раҳбарлари бир ойда камида бир маротаба Академия магистратурасида аудитория ўқув машғулотларини бевосита ўтказиб борадилар.

Магистратура дастурининг ҳар бир йўналиши бўйича ўқиши муддати бир йилни ташкил этиб, таълим олувчиларга охирги эгаллаб турган лавозими учун белгиланган пул таъминоти сақланади ва битирувчиларга олий таълимнинг иккинчи босқичини тамомлаганлигини тасдиқловчи диплом берилади;

– Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти, кейинчалик республиканинг бошқа ҳудудларидан келган номзодларни ўқитиш учун Академиянинг Нукус филиали ташкил этилди ҳамда филиалда тўлақонли ўқув жараёни Академиянинг бакалавриати дастури бўйича кундузги таълим шаклида 2022/2023 ўқув йилидан бошланиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, 2021 йил 1 сентябрдан ички ишлар органларида хизматни ўташ тартибига қўйидагиларни назарда тутувчи узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимининг жорий этилиши ходимларнинг доимий равища малакасини ошириш ва бу малака оширишни лавозимда қўтарилиш ҳамда навбатдаги унвон олишга боғлаб қўйилиши унинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қиласди. Ички ишлар органлари раҳбар таркибининг тегишли лавозимларига тайинланиш учун Академия магистратурасида ўқиши шартлигининг белгиланиши ҳам ўқув-карьера жараёнини янада мустаҳкамлади.

Шу билан бир қаторда, ИИВ Академиясида таълим жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнида назария ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш мақсадида қўйидаги янги механизmlар жорий этилди:

1. Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан ҳар ойда камида бир маротаба Академия бакалавриати кундузги таълим шаклига тегишли ҳудуддан жамланган курсантлар, магистратура тингловчи-

лари ва ихтисослаштирилган кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари билан ҳудуднинг криминоген вазияти ҳамда ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқукбузарликлар профилактикасини ташкил этишининг долзарб масалалари бўйича онлайн мастер-класс машғулотлари ўтказиб борилиши йўлга қўйилди.

2. ИИВ Академияси ихтисослаштирилган кафедралари профессор-ўқитувчилари ва курсантларидан иборат ўқув тезкор-тергов гурухлари ташкил этилиб, уларнинг Тошкент шаҳрида содир этилган жиноятлар бўйича ҳодиса жойига чиқсан ҳолда терговга қадар текширув ҳаракатларини ўтказишга доир амалий кўнималарни шакллантириш йўлга қўйилди.

Бунда Тошкент шаҳар ИИБ Навбатчилик қисмининг Академия навбатчилик қисми орқали берилган хабари асосида ўқув тезкор-тергов гурухлари махсус жиҳозланган транспорт воситасида қисқа муддатда ҳодиса содир бўлган жойга чиқишилари ташкил этилмоқда. Ҳодиса жойига етиб борган ўқув тезкор-тергов гурухи жойлардаги ички ишлар органларининг тезкор-тергов гурухлари фаолиятига халақит бермаган ҳолда, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳамда бошқа тергов ва процесуал ҳаракатларни ўтказиш жараёнларини кузатиб, профессор-ўқитувчилар кўмагида содир этилган жиноятни фош этиш бўйича амалий кўнималари шаклланмоқда.

Бундан ташқари, зарур ҳолларда Академия профессор-ўқитувчилари томонидан жойлардаги ички ишлар органларининг тезкор-тергов гурухи ходимларига амалий ҳамда илмий-методик ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Жорий йилнинг биргина сентябрь ойида Академия ўқув тезкор-тергов

гурухи томонидан жами 44 маротаба Тошкент шаҳрида содир этилган жиноятлар бўйича ҳодиса жойига чиқилган. Уларнинг 22 таси ўғрилик, 6 таси талончилик, 6 таси қасддан баданга шикаст етказиш, 2 таси босқинчлилик, 2 таси безорилик, 2 таси транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, 1 таси транспорт воситасини олиб қочиш ва 4 тасини бошқа жиноятлар ташкил этган.

Ходиса жойидан қайтгандан сўнг ўқув тезкор-тергов гурухлари томонидан ҳар бир жиноят ва ҳодиса ўрнатилган тартибда профессор-ўқитувчилар ҳамда курсантлар иштирокида муҳокама қилиниб, ҳодиса содир этилган жойни кўздан кечириш, далилларни тўплаш, расмийлаштириш, терговга қадар текширувни ўтказиша эътиборга олиниши керак ҳолатлар, кўздан кечириш давомида ўта синчковлик зарур алоҳида жиҳатлар ҳамда мазкур иш материаллари бўйича келгусида амалга оширилиши лозим бўлган тергов ва процессуал ҳаракатлар юзасидан алоҳида факультатив машғулотлар ўтказилмоқда.

Академия кундузги таълим курсантларининг Тошкент шаҳрида содир этилган жиноятлар бўйича бевосита ҳодиса содир бўлган жойга чиқсан ҳолда, терговга қадар текширув ҳаракатларида иштирокининг ўлга қўйилганлиги Академияда таълим сифатини янада ошириш, назария билан амалиёт уйғунлигини таъминлаш, курсантларда ички ишлар органлари ходимлари учун зарур бўлган дастлабки касбий билим ва амалий қўникмаларни шакллантириш, уларнинг амалий фаолиятга қисқа муддатда мослашиши ва киришиб кетишлирига хизмат қилмоқда.

3. Кундузги таълим бакалавриат курсантларининг Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек, Юнусобод ва Яшнобод туманлари бўйича ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари, ички ишлар бўлимлари, уларнинг таркибидаги

соҳавий хизматлар ҳамда маҳалла ҳукуқтартибот масканларида базавий амалиёт ўташлари ўлга қўйилди.

Жорий йилнинг сентябрь ва октябрь ойларида кундузги таълим ўқув қурсининг 28 та ўқув гуруҳининг ҳар бири билан 8 мартадан белгиланган туман соҳавий хизматларида мутахассислик йўналишларидан келиб чиқиб, энг тажрибали ходимлардан мураббийлар бириктирилган ҳолда базавий амалиётлар ўтказилди.

Бу эса курсантларда ўқув жараёнида олган назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш, жамоа ва хизмат вазифаларига тезда киришиб кетиш, муаммоли ва зиддиятли вазиятларда мустақил равишда тўғри, тезкор қарорларни қабул қилиш каби кўникмалари шаклланишига замин яратмоқда.

4. ИИВ ҳузуридаги Тезкор-қидирув, Тергов, Жамоат хавфсизлиги, Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш, Жазони ижро этиш ва Ташкилий департаментлари ҳамда Эксперт-криминалистика бош маркази тегишилиги бўйича Академия ихтисослаштирилган кафедралари фаолиятига амалий ва методик ёрдам кўрсатиш учун масъул этиб бириктирилди. Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича малакали кадрларни тайёрлашда бевосита иштирок этиш Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва соҳавий хизматларининг функционал мажбуриятларидан бири сифатида белгиланди.

Академия ихтисослаштирилган кафедралари бошликлари ИИВнинг бириктирилган соҳавий хизматларининг ҳар чорак якуни бўйича ўтказиладиган йиғилишларида иштирок этиб, криминоген вазиятни барқарорлаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳукуқбузарликларнинг барваҳт олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва мавжуд муаммоларни ўрганиш асосида тегишли мутахассислик йўналиши бўйича назария ва амалиёт

уйғунлиги таъминлаган ҳолда малакали кадрларни тайёрлаш самарадорлигини янада ошириш тизими йўлга қўйилди.

5. ИИВ Академиясининг тажрибали профессор-ўқитувчиларидан иборат ишчи гуруҳи шакллантирилиб, худудий ички ишлар органларига юборилган ҳолда, уларнинг жиноятчиликка қарши кураш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини самарали ташкил этишга илмий-услубий ёрдам кўрсатиш, илмий асосланган таклиф ва тавсиялар бериб бориш тизими жорий этилди.

Умуман олганда, ИИВ Академияси таълим жараёнида йўлга қўйилган янги илғор механизмлар, энг аввало, биринчидан, Академияда таълим сифатини ошириш, унда назария билан амалиёт уйғунлигини таъминлаш, иккинчидан, Академия профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари ва курсантларини худудлардаги криминоген ва ижтимоий вазият, жиноятчилик динамикаси, уларни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитлар, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ички ишлар органлари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, ҳар бир соҳавий хизматлар фаолиятидаги муаммолар ҳамда улар томонидан амалга оширилаёт-

ган кенг кўламли ишлар ҳақида хабардор қилиш, учинчидан, Академияда олиб борилаётган илмий-тадқиқот фаолиятини бевосита ҳудудлардаги жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги долзарб муаммоларга йўналтирган ҳолда ташкил этиш, тўртинчидан, жойларда Академия битирувчилари фаолиятида учраётган камчилик ва муаммолар ўрганилиб, келгусида шу каби камчиликларга йўл қўймаслик ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилашга хизмат қилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, бугунги кунда биз ўз олдимизга қўйган ҳар томонлама ривожланган янги Ўзбекистон давлати ва жамиятини барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойdevorини яратишдек улкан вазифаларни амалга ошириш жараёнида тизим учун юксак интеллектуал салоҳиятга эга, илм-фан ва технологиялар оламида рақобатдош, замонавий билим ва кўникмаларни чукур ўзлаштирган, юқори малакали, мустақил фикрлайдиган, ватанпарвар, “халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни муқаддас бурчи, деб биладиган профессионал кадрларни тайёрлаш Академиянинг энг биринчи галдаги вазифаси бўлиб қолади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Академиясини ташкил этиш тўғрисида”ги 447-сон қарори // <https://lex.uz/docs/808322>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/3313218>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони <https://lex.uz/docs/4545884>.



Ш. У. Собиров,
первый заместитель министра внутренних дел Республики Узбекистан, генерал-майор

А. А. Хамдамов,
профессор кафедры Академии МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОПЕРАТИВНЫХ ПОДРАЗДЕЛЕНИЙ ОВД: СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ

Аннотация. В статье автором дается периодизация развития оперативных подразделений и выполняемых ими задач. На основе анализа определяются перспективы дальнейшего развития оперативно-розыскной деятельности.

Ключевые слова: этапы и периоды развития оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел, нормативное регулирование, структурно-функциональное построение оперативных аппаратов.

Аннотация. Мақолада ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш йўналишидаги тезкор-қидириув ишлар фаолиятини ҳозирги ҳолати ва муаммолари ҳакида сўз юритилган.

Таянч сўзлар: тезкор-қидириув фаолияти, тезкор-қидириув тадбирлари.

Annotation. The article analyzes the current state and prospects for improving the activities of operational-investigative units in the fight against crime.

Keywords: operational-investigative activity, operational-investigative measures.

Широкомасштабные реформы, проведенные за годы независимости, заложили прочный фундамент национальной государственности и суверенитета, обеспечения безопасности и правопорядка, верховенства закона, прав и свобод человека, межнационального согласия и религиозной толерантности в обществе, создали достойные условия жизни для населения и реализации созидательного потенциала граждан. В своём выступлении Президент нашей страны Шавкат Мирзиёев отметил: “Сегодня Узбекистан стремительно развивается. Проводятся глубокие реформы во всех сферах. Их цель – построение демократического государства и справедливого общества, где приоритетом является реализация простого и ясного принципа – “Интересы человека превыше всего” [1].

В рамках Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах и на основе указов и постановлений главы нашего государства проведена масштабная работа по коренному реформированию органов внутренних дел. В указе отмечается, что “За годы независимости органами внутренних дел достигнуты определенные положительные результаты в борьбе с преступностью. Для дальнейшего совершенствования борьбы с преступностью необходимо повышать профессиональное мастерство сотрудников, эффективно использовать новейшие технические средства, современные методы оперативно-розыскной деятельности. Вместе с тем, всесторонний анализ пройденного этапа развития страны, изменяющаяся конъюнктура мировой

экономики в условиях глобализации и усиливающаяся конкуренция требуют выработки и реализации кардинально новых идей и принципов дальнейшего устойчивого и опережающего развития страны” [2].

Среди важнейших направлений реформирования органов внутренних дел Республики Узбекистан, определенных в Указе Президента страны УП№5005, предусмотрено разграничение задач и функций подразделений органов внутренних дел всех уровней, оптимизация организационно-штатной структуры, рациональное распределение сил и средств с учетом современных вызовов и угроз, значимости и объема выполняемой работы. Как отмечается в Указе Президента Республики Узбекистан: “В республике создана целостная правовая система по защите прав, свобод и законных интересов граждан, охране общественного порядка, обеспечению безопасности личности, общества и государства, предупреждению и профилактике правонарушений, особая роль в которой отводится органам внутренних дел” [3].

Органы внутренних дел, как государственная структура, выполняющая правоохранительные функции, обеспечивают мирную и спокойную жизнь граждан, предотвращают рост преступности в стране. Если нарушение законных прав и свобод граждан связано с нарушением конкретных правовых норм, то задачи выявления, предупреждения и пресечения таких действий, а также восстановление нарушенных прав и наказание правонарушителей возложены на органы внутренних дел. При этом они образуют один из системных элементов государственного механизма управления[4]. Отметим, что органы внутренних дел в правоохранительной структуре реализуют управленческую функцию по обеспечению общественного

порядка в сфере внутренних дел государства, общественной безопасности и борьбу с преступностью и иными правонарушениями. В этой связи своевременное успешное раскрытие и расследование в значительной степени связано с совершенствованием деятельности оперативных подразделений ОВД.

Следует согласиться с позицией Т.Р. Сайтбаева, что развитие оперативно-розыскной деятельности в Республике Узбекистан необходимо разграничить на этапы и периоды, имеющие свои специфические особенности, которые зависят в основном от развития общества, государственных органов и правоохранительных функций.

“Началом первого этапа (1918–1930 гг.) следует считать момент создания подразделений уголовного розыска. Для борьбы с уголовной преступностью, которая значительно выросла в те годы, необходимо было создать специальные аппараты, наделенные полномочиями осуществлять гласные и негласные оперативно-розыскные мероприятия для эффективной борьбы с преступностью. Таким органом и стал уголовный розыск (угрозыск). Отметим, что в нормативных актах и специальной литературе для обозначения деятельности оперативных аппаратов по борьбе с уголовной преступностью на территории Республики Узбекистан, сначала в составе Российской империи, потом РСФСР и СССР и до настоящего времени употреблялись различные термины. В сыскных отделениях, которые были в городах Ташкент, Самарканд и Скобелев (ныне Ферганы) для обозначения использования всего комплекса имеющихся в распоряжении этих аппаратов сил, средств и методов применялся термин “уголовный сыск”.

Второй этап (1930–1950 гг.) характеризуется объединением оперативных аппаратов милиции в единую структуру с централизованным руководством. Имен-

но в этот период была создана определенная система нормативной регламентации оперативно-розыскной деятельности, направленная на борьбу с преступностью.

На третьем этапе (1950–1991 гг.) продолжалось совершенствование нормативного регулирования оперативно-розыскной деятельности, организации и тактики применения специальных сил, средств и методов (мероприятий) в целях эффективной борьбы с преступностью. В этот период оперативно-розыскная деятельность была узаконена в уголовно-процессуальном законодательстве, ее осуществление было возложено на органы дознания.

Четвертый этап развития оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел приходится на постсоветский период, с приобретением Республики Узбекистан независимости и суверенитета.

Рассматривая данный этап развития оперативно-розыскной деятельности, необходимо выделить три периода.

Первый период (1991–1997 гг.) характеризуется тем, что в сложный переходный этап развития нашего общества оперативные аппараты органов внутренних дел совместно с другими правоохранительными органами обеспечили соблюдение законности и правопорядка в республике. Для этого применялся весь комплекс имеющихся сил, средств и методов (мероприятий), в том числе и оперативно-розыскных.

Второй период (1997–2000 гг.) развития оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел республики характеризуется тем, что на основе анализа состояния и изменений преступности, оценки результативности применения имеющихся в распоряжении сил, средств и методов предпринимались меры, направленные на совершенствование рассматриваемой деятельности. Это выражалось в изменениях структуры

оперативных аппаратов, подготовке нормативных актов, предусматривавших отказ от старых подходов в работе.

Третий период (с 2000 по 2012 гг.) начинается с момента принятия руководством Республики Узбекистан решения о проведении судебно-правовой реформы. В этот период осуществлялись мероприятия, направленные на реорганизацию структуры, перераспределение и уточнение функций, а также совершенствование нормативной регламентации деятельности оперативных аппаратов органов внутренних дел страны.

Пятый этап – начинается с 25 декабря 2012 г., то есть с момента принятия Закона Республики Узбекистан “Об оперативно-розыскной деятельности”. Этот этап продолжается по настоящее время”[5].

Закон Республики Узбекистан открыл новую страницу в сфере регулирования деятельности оперативных подразделений ОВД. В результате были приняты соответствующие правовые документы, направленные на совершенствование деятельности оперативных аппаратов МВД Республики Узбекистан по борьбе с преступностью, произведены структурные изменения.

В целях реализация этих реформ, Президент Республики Узбекистан в 2021 году издал Постановление “О мерах по коренному совершенствованию оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел”. Постановлением определено, что важнейшей задачей МВД Республики Узбекистан и его территориальных подразделений считать реализацию следующих основных направлений повышения эффективности оперативно-розыскной деятельности:

- совершенствование системы оперативно-розыскной деятельности, направленной на осуществление эффективного анализа оперативной и криминогенной обстановки в стране, мобилизацию всех имеющихся сил и средств, потенциала

каждого оперативного сотрудника на обеспечение своевременного выявления признаков подготовки преступлений, их предупреждения и пресечения, а также разоблачения преступников;

- установление качественно нового порядка организации работы республиканских, средних и низовых подразделений уголовного розыска и подразделений борьбы с терроризмом и экстремизмом, предусматривающего четкое определение и разграничение их основных задач и функций, недопущение возложения на оперативных сотрудников не свойственных обязанностей;

- повышение уровня знаний и профессиональной подготовки оперативных сотрудников органов внутренних дел, усиление их персональной ответственности, прежде всего руководителей, за обеспечение надлежащего исполнения возложенных задач;

- широкое внедрение современных информационно-коммуникационных технологий, создание условий несения службы, а также механизмов их стимулирования, основанного на показателях оперативно-розыскной работы.

В соответствии с Постановлением было создано Главное управление уголовного розыска и Главное управление борьбы с терроризмом и экстремизмом, что значительно повысило эффективность координации и взаимодействия между структурными подразделениями оперативных аппаратов в решении задач борьбы с преступностью. Отметим, что Постановлением в структуры управлений уголовного розыска МВД РК, ГУВД г. Ташкента, УВД областей введена должность криминалиста-психолога, определив его основными задачами психологическое обеспечение оперативно-розыскной деятельности

В целях укрепления в стране законности и правопорядка, обеспечения мира и спокойствия населения посредством

формирования целостной системы обеспечения общественной безопасности, профилактики правонарушений и борьбы с преступностью, организации эффективной деятельности от самого нижнего звена до республиканского уровня и внедрения современных методов работы органов внутренних дел было принято Постановление Президента Республики Узбекистан от 25 апреля 2017 года №6196 от 26 марта 2021 года “О мерах по поднятию на качественно новый уровень деятельности органов внутренних дел в сфере обеспечения общественной безопасности и борьбы с преступностью” [5].

В целях внедрения единой системы управления и координации деятельности смежных отраслевых служб посредством совершенствования структуры Министерства внутренних дел был образован Оперативно-розыскной департамент, включающий в себя Главное управление уголовного розыска, Главное управление борьбы с терроризмом и экстремизмом, управление оперативно-розыскного взаимодействия.

В результате проведенных реформ 2020 г. общее число совершенных преступлений по сравнению с аналогичным периодом в 2019 г. сократилось. Однако при снижении преступности в республике по линии уголовного розыска остаются нераскрытыми неочевидные преступления, совершаемые тайно, замаскировано со стороны организованных групп, что свидетельствует о необходимости повышения эффективности организационных мер, а именно:

координация деятельности всех сил и средств, участвующих в предупреждении и раскрытии рассматриваемых преступлений, и осуществление качественного контроля;

организация проведения аналитической работы по выявлению основных тенденций в динамике этих преступлений, их раскрываемости, с целью определения

основных направлений по раскрытию групповых корыстных преступлений, в том числе изучения уголовных дел по нераскрытым преступлениям, с целью определения возможности выдвижения версий о совершении преступлений определенной группой лиц и принятия мер к их раскрытию;

организация планирования и разработки различных проектов планов и предложений оперативно-розыскной стратегии по основным направлениям деятельности и других организационно-управленческих материалов, справок и специальных сообщений;

организация методической и практической помощи в повышении профес-

сионального мастерства сотрудниками оперативных подразделений.

В заключение необходимо отметить, что от правильной организации оперативно-розыскной деятельности подразделений уголовного розыска органов внутренних дел, от их структурно-функционального построения, организации комплексного сбора, анализа информации, представляющей оперативный интерес, планирования и организации взаимодействия оперативных подразделений с другими службами в решении оперативно-тактических задач зависит эффективность борьбы с организованными преступными формированиями, совершающими преступления.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. — 2017. — № 6. – Ст. 70.
2. Мирзиёев Ш.М. Уверенно проложим путь национального развития на новом этапе. – Т., 2018. – С.129.
3. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5005 “О мерах по коренному повышению эффективности деятельности органов внутренних дел, усилению их ответственности за обеспечение общественного порядка, надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан” от 10 апреля 2017 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2017. – № 15. – С. 243.
4. Братко А.Г. Правоохранительная система: понятие и основные элементы содержания // Проблемы развития правоохранительных органов. – М.,1994. – С. 8–23.
5. Подробнее см.: Саитбаев Т.Р. Принятие Закона Республики Узбекистан “Об оперативно-розыскной деятельности” – начало важнейшего этапа совершенствования оперативно-розыскной деятельности // Жиноятларнинг олдини олиш ва фош этишда ички ишлар органлари тезкор қидириув бўлинмалари фаолиятини такомилаштиришнинг долзарб масалари: Сборник научных статей. – Т.: ИИВ Академияси. – 316 с.
6. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-6196 “О мерах по поднятию на качественный новый уровень деятельности органов внутренних дел в сфере обеспечения общественной безопасности и борьбы с преступностью” от 26 марта 2021 г. // Национальная база данных законодательства, 26.03.2021 г., № 06/21/6196/0240.

А. И. Икрамов,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари,
генерал-майор;

Б. А. Саидов,
ИИВ Академияси Ўқув-услубий бошқармаси бошлиги,
юридик фанлар доктори, профессор

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА МАҶНАВИЙ-МАҶРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда ички ишлар органлари учун интеллектуал ва профессионал билим даражаси, маънавий-ахлоқий савияси юкори бўлган кадрлар тайёрлаш бўйича сифат жиҳатидан янги тизимни жорий этишга киришилганлиги ҳамда кадрларни танлаш жой-жойига қўйиш ва маънавий-маърифий ишларни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари хусусида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: интеллектуал, маънавий-ахлоқий, маърифий, кадрлар захираси, касбий билим, ватанпарварлик.

Аннотация. В статье говорится о внедрении качественно новой системы подготовки высококвалифицированных кадров для органов внутренних дел с высоким интеллектуальным, профессиональным и духовно-нравственным уровнем, усовершенствовании основных направлений кадровой расстановки специалистов, важности духовно-просветительской работы.

Ключевые слова: интеллектуальное, духовно-просветительское, нравственное воспитание, резерв кадров, профессиональные знания, патриотизм.

Annotation. The article deals with the introduction of a qualitatively new system of training highly qualified personnel for internal affairs bodies with a high intellectual, professional and spiritual and moral level, improvement of the main directions of personnel placement of specialists, the importance of spiritual and educational work.

Keywords: intellectual, spiritual and educational, moral education, personnel reserve, professional knowledge, patriotism.

Маълумки, ислоҳотларнинг муваффақияти кадрларнинг малакаси, ташкилотчилик қобилияти, янги давр талабларини нечоғлик ўзлаштириб олгани, жонкуярлиги, ҳалол ва поклиги, қолаверса, ватанпарварлигига боғлиқ. Шу боис мустақилликнинг дастлабки кунларидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар – ички ишлар органлари, суд, прокуратура сафларини маҳаллий, малакали, Ватан ва ўз бурчига садоқатли, инсофли, ёш, иқтидорли, замон талабига жавоб берадиган кадрлар билан тўлдириш ишларига алоҳида эътибор берилди.

Ички ишлар органларида янгича мағкура асосида тарбия топган, маънавий етук кадрларни тайёрлаш мақсадида ИИВ таълим муассасалари фаолияти тубдан ислоҳ қилинди. Бу борада 1994 йилда ИИВ Академияси ташкил этилди. Қисқа давр ичida ички ишлар органлари кадрлар билан жамланди. Ходимларнинг касбий ва жанговар маҳоратини оширишга эътибор кучайтирилди.

Мустақиллик йилларида орттирилган тажриба, эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликларни холисона баҳолаш асносида, юзага келаётган хавф-хатар,

таҳдидлар ва чақириқларни таҳлил қилиб, уларни барвақт олдини олиш ва қарши курашишга қодир бўлган кадрлар салоҳиятини ошириш замон талабига айланган эди.

2016 йилда Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланган вактдан бошланган давр мамлакатимизнинг барча соҳалари сингари ички ишлар органлари тизимида ҳам мутлақо янги ислоҳотлар бошланган давр сифатида тарихда муҳрланди.

Ички ишлар органлари учун интеллектуал ва профессионал билим даражаси, маънавий-ахлоқий савияси юқори бўлган кадрлар тайёрлаш бўйича сифат жиҳатидан янги тизимни жорий этишга киришилди.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сон қарори қабул қилинди [1]. Унга кўра, ходимларни, шу жумладан уларни хизмат фаолиятидан ажратмаган ҳолда ўқитиш ва маҳсус касбий тайёрлаш, мажбурий қайта тайёрлаш ва доимий малакасини ошириб боришининг ички ишлар органлари кадрлар салоҳиятини оширишга имкон берадиган сифат жиҳатдан янги тизими ташкил этилди.

Ёшларда ички ишлар органлари ходимлари учун зарур бўлган дастлабки касбий билим, юксак ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришни назарда тутадиган идоравий олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш бўйича самарали тартиб жорий қилинди. Жумладан, ИИВ Академиясида 7 та йўналишлар бўйича ўқитиш тизими ҳамда жойларда 14 та идоравий академик лицейлар фаолияти йўлга қўйилди.

Мазкур қарор билан ички ишлар органлари фаолиятида, биринчи навбатда

хуқуқбузарликлар профилактикаси, тезкор-қидирув фаолияти ва жиноятларни тергов қилиш соҳасида мавжуд бўлган муаммолар бўйича фундаментал ва амалиётга йўналтирилган илмий тадқиқотлар ўтказилиши белгилаб берилди. Етакчи хорижий таълим муассасалари билан кадрлар тайёрлаш бўйича тажриба алмасиши, ҳамкорликдаги таълим дастурларини жорий этиш, профессор-ўқитувчилар таркибини, хорижий тилларни ўқитишни назарда тутган ҳолда, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш орқали ҳалқаро ҳамкорлик ривожлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон қарорининг қабул қилиниши бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди [2].

Унда ички ишлар органларининг барча даражадаги раҳбар лавозимларига шахсий, ишбилармонлик ва касбий фазилатларга эга кадрлар танланиши, уларнинг мақсадли жойлаштирилиши ҳамда “Ҳалқ манфаатларига хизмат қилиш” шарафли бурч эканлиги руҳида тизимли равишда тарбиялаш учун шахсий жавобгарлиги белгиланди.

Бўш лавозимларни жамлаш ва кадрлар захирасини яратиш борасида ўз касбий фазилатлари, ахлоқий кўриниши, хулқ-атвори ва маданият даражаси билан намуна бўлган истиқболли бошқарув таркибини шакллантиришнинг таъсирчан механизми жорий этилди. Қарорга кўра, хизмат ўташнинг қатъий назорат қилиши ва тарбиявий жараённинг таъминлаш соҳасида мувофиқлаштириш, таҳлилий ва услубий ишларни қучайтириш бўйича фаолиятни ташкил қилишнинг сифат жиҳатдан янги тартиби белгиланди.

Иш тажрибасининг ворисийлиги, ёш ходимларнинг хизматга амалий мос-

лашиши, касбий шаклланиш жараёнини тезлаштириш ҳамда уларда хизмат вазифаси бўйича зиммасига юклатилган тезкор-хизмат вазифаларни мустақил бажариш қобилиятини ривожлантиришни таъминловчи самарали мураббийлик тизими йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, ички ишлар органларининг барқарор профессионал кадрлар таркибини шакллантириш, кадрлар қўнимсизлигини пасайтириш, ходимларнинг узоқ муддатли хизматини рағбатлантириш, шунингдек, шахсий таркиби унинг касбий малакаси, шахсий фазилат ва қобилиятларини инобатга олган ҳолда лавозимларга оптимал тақсимлаш тизими жорий этилди.

Қарорда вижданан ва ташаббускорлик билан бажарувчи ходимларни рағбатлантириш, масъулиятсиз ходимларга нисбатан хизматдан бўшатишгача бўлган интизомий жазо тайинлаш бўйича чораларни ўз вақтида ва холисона кўриш масаласининг белгилаб берилгани тизимда ташаббус кўрсатиб меҳнат қилиш, шунингдек, ходимлар фаолиятида қонунийлик ва юқори даражадаги интизомни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармонига асосан ички ишлар вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш орқали турдош соҳавий хизматлар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг ягона тизими яратилди. Унга кўра, Кадрлар бош бошқармаси, Маънавий-маърифий ишлар бошқармаси, Касбий тайёргарлик бошқармасини ўз ичига оладиган Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти ташкил этилди [3]. Бу эса соҳада кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйишнинг илгор

механизмларини жорий этиш ҳамда уларнинг малакаси, маънавий-ахлоқий фазилатларини ошириш орқали кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2021 йил 15 апрелда “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чоратадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5076-сон қарорининг қабул қилиниши, тизимда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлди [4]. Қарорга кўра, Ички ишлар вазирлигининг Академиясида кадрларни тайёрлаш жараёнига бакалавриат ва магистратурани ўз ичига олувчи икки босқичли олий таълим тизими жорий этилди. Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Нукус филиали ташкил этилди. Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтига юридик шахс мақоми берилди ва унинг таркибига Академиянинг касбий тайёргарлик факультети ўтказилди.

Бундан ташқари, ички ишлар органларида хизматни ўташда узлуксиз ўқувкарьера жараёни тизими жорий этилиб, ички ишлар органларининг сержант таркибидаги лавозимларида хизматни ўташ учун фақат олий маълумотга эга бўлган шахслар қабул қилиниши белгилаб қўйилди.

Эндиликда ички ишлар органлари нинг сафдор таркибидаги лавозимларига номзодлар фақат идоравий академик лицей, ҳарбий-академик лицей битирувчилиари, профилактика инспекторининг ёрдамчилари, шунингдек, олий маълумотга эга ёки сиртқи таълим шакли бўйича таҳсил олаётган шахслар орасидан қабул қилинмоқда

Маълумки, тизимда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида ходимларнинг онгу тафаккури ва дунёқарashi ҳам ўзгармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи

“Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПҚ-5040-сон қарорида, эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқарааш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш масаласи, маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналиши этиб белгиланди [5]. Зотан, “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”[6].

Маънавият – ички ишлар органлари ходимларини руҳан поклайдиган, қалбан улғайтирадиган, уларнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласидиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч ва қарашлар мезони сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2021 йил 2 апрелда қабул қилинган “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши қурашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар түғрисида”ги ПФ-5050-сон қарор билан тасдиқланган Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси тизимда хизмат қилаётган ходимларнинг умумий дунёқараashi, сиёсий онги, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик, фурур, ифтихор, касбига нисбатан садоқат ва юқори масъулият хисларини оширишга хизмат қилмоқда [7].

Мазкур концепцияда ички ишлар органлари ходимларининг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ишлари “Ватанга ва ҳалқка садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз!” концептуал ғояси асосида ташкиллаштирилиши белгилаб қўйилди.

Ушбу ғоянинг асосий мазмун-моҳияти фуқароларнинг тинчлиги ва мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш учун ҳар қандай ҳуқуқбузарликка қарши қурашишда ўз жонини аямайдиган, ватанпарварлик, фидойилик, садоқат ва ҳалоллик фазилатларига эга ходимларни шакллантиришдан иборатdir.

Қайд этиш жоизки, концепцияни амалга ошириш доирасида ички ишлар органларининг ходимларида мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш каби олий масъулият туйғусини шакллантириш мақсадида ҳар бир худудий ички ишлар органларида “ватанпарварлик бурчаги” ташкил этилди.

Концепциянинг муҳим жиҳати шундаки, унда маънавий-маърифий ишлар ички ишлар органлари шахсий таркиби билан ишлаш соҳасининг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Миллий ва ҳалқаро ҳуқуқ нормалари асосида ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, ходимларнинг маънавий салоҳияти ва мағкуравий иммунитетини кучайтириш, уларнинг онгига Ватан тақдири ҳамда келажаги учун даҳлдорлик туйғуларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ муҳим йўналишлар акс эттирилди.

Шу билан бирга, ходимларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини ошириш, фаол ҳаётий позицияси, интеллектуал салоҳиятини, Она Ватан тақдирига бўлган масъулиятини мустаҳкамлаш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетини кучайтириш, уларни фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини садоқат ва фидойилик билан вижданан бажаришга йўналтириш бўйича маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Концепцияга кўра, ходимларни юқори касбий тайёргарликка эга, жисмонан ва маънан етук, билимли, ҳалол, ватанпарвар,

мард ва жасур этиб тарбиялаш, уларнинг фаол ҳаётий позициясини мустаҳкамлаш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, она Ватан тақдирига бўлган масъулиятини ошириш ҳамда ғоявий ва турли ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш, ходимларни фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини садоқат ва фидойилик билан вижданан бажаришга йўналтириш кабилар ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар соҳаси, десак, айни ҳақиқат бўлади” [8], – деб таъкидлади.

Шу боис ходимларнинг ҳар қандай шароитда давлат ва халқ манфаатларига хизмат қиласиган, миллий, умуминсоний қадриятларга таянадиган, содик, ёт ва бузғунчи ғояларга қарши муросасиз курашувчи, иймон-эътиқоди баланд, иродаси мустаҳкам, маънавиятли, фидойи, аждодларимиз бебаҳо меросига таяниб яшайдиган баркамол шахс сифатида тарбиялаш, улар қалбида давлат ва халқимизнинг хавфсизлигини таъминлашда шахсий дахлдорлик, юқори масъулият ҳиссини шакллантириш каби муҳим масалалар концепциянинг асосий мақсади сифатида белгиланган.

Концепция доирасида, ходимларнинг онги ва қалбига “Янги Ўзбекистон – учинчи Ренессанс сари!” ғоясининг мазмун-моҳиятини сингдириш асосида уларнинг Ватан ва халқ тақдирига, давлатимиз ҳамда ислоҳотлар талабларига дахлдорлиги янада оширилмоқда.

Ходимларнинг эстетик тарбиясини кучайтириш, уларнинг маданият ва санъатнинг турли соҳаларига бўлган қизиқишлиарини ошириш, ушбу мақсадда адабиёт, кино, театр, тасвирий санъат

имкониятларидан кенг фойдаланиши йўлга қўйилди.

Ходимларнинг ички ва ташқи маънавий таҳдидлар ҳамда коррупцияга қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш, ички ишлар органларининг ижобий имижини шакллантириш ҳамда шу мақсадда фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги ривожлантирилмоқда.

Ходимларда касбига нисбатан ғуурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 30 йиллиги”, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ёшлар фидойиси” идоравий қўкрак нишонлари таъсис этилгани ходимлар ўртасида соғлом рақобат ва ташаббускорлик муҳитини шакллантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Концепция доирасида ички ишлар органлари томонидан таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни кучайтиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ихтисослаштирилган мактаб-интернат ва “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи ўқувчилари онгида ватанпарварлик ҳиссини уйғотишга қаратилган “Ички ишлар органлари тарихи” ва “Ватанпарварлик асослари”, идоравий академик лицей ўқувчиларини миллий анъана ва қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида “Маънавият асослари” фанларий ўқитилиши йўлга қўйилди.

Идоравий академик лицей ўқувчиларининг миллий анъана ва қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида “Маънавият асослари” фани ўқитила бошланди.

Именно изменение формата общения общества потребовало кардинального изменения методов работы и оперативных подразделений органов внутренних дел. Ведь постепенно в нашем быту появились и быстро распространились своеобразные факторы, не свойственные жизни людей 20-30 и более лет назад, значительно снижающие шансы на первичный контакт и последующую коммуникацию.

Таким образом, 2012–2017 годы можно определить как первый период второго этапа развития оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел независимого Узбекистана.

Второй период (2017 – по настоящее время) ознаменовался тем, что важное значение в коренном совершенствовании и переходе оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел на качественно новый этап обретает принятие Указа Президента Республики Узбекистан года № УП-5005 “О мерах по коренному повышению эффективности деятельности органов внутренних дел, усилию их ответственности за

обеспечение общественного порядка, надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан” от 10 апреля 2017 и исходящие на его основе постановления.

Этот период развития оперативно-розыскной деятельности характеризуется реформированием системы органов внутренних дел и превращение их в общественно ориентированную профессиональную службу, деятельность которой должна быть направлена на оказание своевременной и качественной помощи населению, своевременное выявление и пресечение преступных посягательств.

Особый акцент был поставлен на:

- работу с молодежью, особенно ее неорганизованной частью. Так как данная социальная группа является одной из самых уязвимых для деструктивного влияния, подверженных целенаправленному “социальному зомбированию” криминальной средой со всеми негативными для личности и общества последствиями;

- внедрение в оперативно-розыскную деятельность органов внутренних дел порядка, методов и механизмов противодействия киберпреступности, расширение круга оперативно-розыскной работы в Интернет-пространстве;

- мобилизацию потенциала каждого оперативного сотрудника на обеспечение своевременного выявления признаков подготовки преступлений, их предупреждения и пресечения, то есть оперативно-розыскную профилактику преступлений;

- психологическую оценку противоправного поведения лица и деятельности преступных групп, анализ психологии лиц и психологической структуры действий (фактов), представляющих оперативный интерес;

- установление качественно нового порядка организации работы республиканских, средних и низовых оперативных подразделений, повышение уровня

знаний и профессиональной подготовки оперативных сотрудников с внедрением новых критериев персональной оценки их деятельности, а также широкое внедрение механизмов материального стимулирования, основанного на оперативно-розыскных показателях.

Новый уровень также получает целевое международное сотрудничество оперативных подразделений органов внутренних дел Узбекистана с ведущими зарубежными коллегами, проявившееся в форме координационных рабочих групп по вопросам оперативно-розыскной деятельности, разработке перспективных программ и планов межведомственного взаимодействия, внедрении действенных механизмов межгосударственного обмена оперативно-розыскной и процессуальной информацией.

Так, 2017–2021 годы знаменуются повышением качества оперативно-розыскных мероприятий с внедрением современных информационных технологий и электронных систем, разработкой новых тактических приемов работы органов внутренних дел в этом направлении, совершенствованием форм оперативно-розыскного взаимодействия, а также формированием новых научных подходов прикладного характера.

В целях создания единого звена организации и обеспечения оперативно-розыскной деятельности Указом Президента Республики Узбекистан № УП-6196 “О мерах по поднятию на качественно новый уровень деятельности органов внутренних дел в сфере обеспечения общественной безопасности и борьбы с преступностью” от 26 марта 2021 года в структуре Министерства внутренних дел образован Оперативно-розыскной департамент, объединивший в себя ключевые оперативные подразделения – Главное управление уголовного розыска и Главное управление борьбы с терроризмом и экстремизмом.

Подводя итог, следует констатировать, что оперативно-розыскная деятельность чутко, правда иногда с небольшим опозданием, реагирует на изменения, происходящие в обществе, государстве и социуме. Эти изменения первоначально носят приспособленческий характер, а затем приобретают правовую форму, закрепленную в нормативных актах различного уровня. И это все указывает на одну из актуальных перспектив дальнейшего непрерывного развития оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел современного Узбекистана.

Наиболее значимыми аспектами развития оперативно-розыскной деятельности Узбекистана, исходя из рассуждений, явились следующие:

во-первых, изменения в жизни общества и трансформация жизни индивида в частности, влияющие на развитие оперативно-розыскных мероприятий (изменение векторов преступной деятельности, цифровая трансформация, миграция населения, развитие общественных отношений и т.п.);

во-вторых, эволюция системы органов внутренних дел;

в-третьих, научно-технический прогресс.

Эволюция оперативно-розыскной деятельности – это постоянный про-

цесс трансформации, модернизации и совершенствования, усиленный новыми техническими возможностями, которые нам преподносит технический прогресс.

Таким образом, представляется необходимым создание и апробация системы прогнозирования возможной реорганизации оперативно-розыскной деятельности на основе предполагаемых изменений в преступности, которые могут произойти при развитии нашего общества.

Полагаем, что будущее инструментария оперативно-розыскного розыскной деятельности органов внутренних дел – в целенаправленном внедрении и применении достижений в области ИТ-технологий и искусственного интеллекта, позволяющих получить и эффективно использовать в борьбе с преступностью средства электронного контроля и наблюдения, а также мощные программно-аналитические комплексы.

Оперативно-розыскная деятельность находится в настоящее время на этапе формирования современных форм и методологии организации и проведения оперативно-розыскных мероприятий, что требует от ученых проведения фундаментальных исследований, которые будут способствовать переходу на новый уровень развития оперативно-розыскной науки.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Эволюция оперативно-розыскных мероприятий: Монография / А. И. Тамбовцев, Н. В. Павличенко. – М., 2021. – С.15.
2. Данный Закон в 2020 году издан в новой редакции.
3. Гордеев С.Н. О вопросах осуществления оперативно-розыскной деятельности в сети Интернет // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборономаси. – 2020. – № 4. – С. 107–111.



З. А. Алматов,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирининг маслаҳатчиси, генерал-полковник;

Қ. Б. Қодиров,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси доценти,
тариҳ фанлари бўйича фалсафа доктори,
доцент

ХАЛҚЧИЛ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ШОНЛИ ТАРИХИ

Аннотация. Мақолада жафокаш халқимиз, эл-юртимиз бошидан кечирган 1984–1989 йиллардаги мудхиш қора кунлар, ўша даврда республикамизда юзага келган оғир ижтимоий ахвол сабабли аҳолининг кучайиб бораётган норозиликларини олдини олиш ва тўхтатиш учун собиқ Иттифоқ Марказий кенгаш қарори билан Ўзбекистонга юборилган “десантчилар” томонидан содир этилган қонунсизлик ва зўравонлик, қолаверса, мустақилликдан кейинги ички ишлар органлари томонидан олиб борилган ишлар хусусида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: мустақиллик, республика, зўравонлик, тараккиёт, ички ишлар органлари.

Аннотация. В статье говорится о трагических днях 1984-1989 годов, принесших немало страданий народу нашей страны, о бесприправиях, насилии и несправедливости со стороны “десанттуры”, отправленной Центральным комитетом бывшего Союза для ликвидации и пресечения недовольства среди народа и кризисной ситуации, в связи с тяжёлым социальным положением в тот период, и наконец, о неоценимой работе органов внутренних дел после обретения независимости страны.

Ключевые слова: независимость, республика, насилие, развитие, органы внутренних дел.

Annotation. The article deals with the tragic days of 1984-1989, which brought a lot of suffering to the people of our country, about the lawlessness, violence and injustice of the “landing party” sent by the Central Committee of the Soviet Union to eliminate and suppress discontent among the people and the crisis situation, in connection with the difficult social situation during that period, and finally, the invaluable work of the internal affairs bodies after the country’s independence.

Keywords: independence, republic, violence, development, internal affairs bodies

Мустақиллик миллатнинг чинакам улуғ байрами ҳисобланади. Чунки истиқлолгача бўлган йўл осонликча босиб ўтилмади. Ота-боболаримиз мустақил юртда, хур ва эркин яшашни орзу қилиб, бу йўлда ўз жонларини қурбон қилишга ҳам тайёр бўлишган. Энг муҳими улар ўтмишнинг оғир машаққатлари, турли-туман синовларидан матонат билан ўтиб, эзгу мақсад сари олға интилиб, буюк мақсадларни кўзлаб, истиқлолнинг юксак пойдеворини бунёд этишган.

Ҳеч шубҳасиз, халқимиз ва давлатимизнинг мазкур синовлардан муваф-

фақиятли, таъбир жоиз бўлса, бирор кишининг бурнини қонатмасдан ўтиш, ёруғ кунларга етишишда мамлакат ички ишлар органларининг, мазкур тизимдаги ҳар бир фидойи ходимнинг бекиёс ҳиссаси бор.

Тарихга назар солсак, мустақиллик арафасида ички ва ташқи хавфсизликни таъминлаш тизимнинг парчаланиши натижасида жамиятда ҳукукий бўшлиқ вужудга келгани, миллатлар ва динлараро, худудий ва турли гурухлар, уруғ-аймоқлар ўртасидаги зиддиятларнинг авж олиб кетиши хавфи, радикал кайфиятнинг кучага

йиши фоят жиддий хатарга айланган эди. Қисқа қилиб айтганда, туб илдизлари собиқ Иттифокнинг сүнгги йилларига бориб тақаладиган ички ва ташқи можаролардан мамлакатимизни асраб қолиш талаби ўта кескин бўлиб турар эди.

Шу ўринда, аввало, жафоқаш халқимиз, эл-юртимиз бошидан кечирган 1984–1989 йиллардаги мудҳиш қора кунларни эслаш кифоя. Ўша даврда республикамизда юзага келган оғир ижтимоий аҳвол сабабли аҳолининг кучайиб бораётган норозиликларини олдини олиш ва тўхтатиш учун собиқ Иттифоқ Марказий кенгаш қарори билан Ўзбекистонга юборилган “десантчилар” томонидан содир этилган қонунсизлик ва зўравонликни кўпчилик яхши эслайди.

Бу даврда Марказ республика Ички ишлар органларини кадрлар билан мустаҳкамлаш ишида гўёки “республиканинг илтимосига биноан” 1984–1989 йилларда Ўзбекистонга 231 кишини юборди. Улар асосан раҳбарлик лавозимларига тайинланди. Шу вақт ичida ички ишлар бўлимларининг сафларидан 1981–1985 йилларнинг ўзида 3000 нафардан ортиқ маҳаллий ходимлар бўштилган. Уларнинг кўплари айби исботланмаган бўлсада, жиноий жавобгарликка тортилди. Республика ички ишлар органларининг ҳеч қандай айби бўлмаган бир қатор раҳбар ходимлари қисмати ҳам шундай бўлди. Ички ишлар органлари ходимлари касб маҳоратининг пасайиб кетишига, бинобарин жиноятчиликка карши кураш натижаларига салбий таъсир қилди [1].

1984–1989 йилларда “Ўзбекистонда қонунчиликни тиклаш” шиори остида марказдан минглаб одамлар жўнатилган. Биргина Ўзбекистон ССР ИИВга собиқ Иттифоқ мамлакатидан 150 нафар ходимлар келишган. Йиллар бўйича қарайдиган бўлсак, 1984 йилда 5 нафар, 1985 йилда 33 нафар, 1986 йилда 86 нафар, 1987 йилда 27 нафар, 1988 йилда

2 нафар, 1989 йилда 3 нафар “осойишталик посбонлари” бирордан сўраб-сўрамай, Ўзбекистонга ташриф буюрган. Бу кутилмаган меҳмонларнинг асосий мақсади – қонунчиликни таъминлаш эмас, балки ўзбек халқини таҳқирлаш эвазига хизмат пиллапояларидан кўтарилиш эди [2].

Кейинчалик республика ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ноҳақликлар барҳам топди. Топталган хукуқлар тикланди, судланганларнинг кўпчилиги оқланди, юзлари ёруғ бўлди, ўз иш жойларига қайтишди, мусодара қилинган мол-мулклари қайтарилиб, бошқа етказилган моддий заарлар қопланди.

Шунингдек, республика раҳбарияти олдида мамлакатнинг келгуси тақдири, тараққиёт йўли, истиқболлари тўғрисидаги муҳим масалалар, шу жумладан хавфсизлик ва баркарорликни таъминлаш муаммолари кўндаланг бўлиб турарди.

Бу давр ҳақида фикр юритганда, Қувасой, Фаргона, Қўқон, Наманган, Бўка, Паркент, Гулистан, Тошкент, Ўш ва пойтахт талабалар шаҳарчасида рўй берган фожиали воқеалар одамларимиз қалбida қолдирган битмас жароҳатларни, юртимизга чеълдаги марказлар томонидан молиявий таъминланган ва бошқарилган террорчи тўдалар Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли туманлари орқали суқилиб кирган таҳликали кунларни ҳам эслаб ўтиш ўринлидир.

Агар ана шу ёвуз ниятли кучларнинг қабиҳ ва узоқни кўзлаган бузғунчилик мақсадлари амалга ошганида борми, мамлакатимиз фуқаролар уруши олови ичida қолиб кетган ва унинг оқибатлари, ҳеч шубҳасиз, бутун Марказий Осиёдаги вазиятни издан чиқариб, юборган бўлар эди. Мана шундай ўта мураккаб ва қалтис бир вазиятда ўзини йўқотмасдан, босиқлик, чидам, матонат ва бардош билан иш тутиш, қатъий сиёсий иродани намоён этиш, мамлакатни чуқур таназзулдан олиб чиқишига қаратилган, ҳар томонлама

пухта ўйланган стратегияни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш ички ишлар органлари зиммасига юкланди.

Шундай кескин бир даврда мамлакат ичиде уюшган жиноятчиликнинг ўсиши кузатила бошланди. Бу эса аҳолида ички ишлар органи бўғинига ишончсизлик ҳолатини келтириб чиқарди. Мустақиллик арафасида республика ва унинг айрим худудларида талончилик, босқинчилик, гаров сифатида тутқунликка олиш, тамагирлик, ўғирлик, товламачилик, одам ўлдириш билан боғлиқ жиноятлар қўпайиб борганлигини кузатиш мумкин. Шунга қарамасдан ички ишлар органларининг саъй-харакати билан 1991–1996 йиллар оралиғида Ўзбекистонда 6 мингга яқин уюшган жиноий гурухларнинг фаолиятига чек қўйилганини кўриш мумкин[3].

Мазкур даврда Ўзбекистондаги мураккаб сиёсий, ижтимоий-иктисодий жараёнлар ички ишлар органлари тизимида ислоҳотлар ўтказилишини талаб қиласади. Давлатнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳокимиятнинг ижро этувчи тармоғи, хусусан, унинг таркибий қисми ҳисобланган милиция фаолиятининг такомиллаштиришига бевосита боғлиқ эди.

Шундай экан барча соҳалардаги каби ички ишлар органларида ҳам ислоҳотлар босқичма-босқич ўтказилганлиги кузатилди.

Дастлабки босқич – 1991–1999 йилларни ўз ичига қамраб олади. Бу даврда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хақида”ги қарори билан тасдиқланди [4]. Кейинчалик “Ички ишлар органларида хизмат ўташнинг вақтингчалик низомини тасдиқлаш тўғрисида” қарор ва бошқа идоравий меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилди.

Иккинчиbosқич – 1999–2001 йилларни ўз ичига олади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш Концепцияси тўғрисида”ги қарори [5] билан республикада тинчлик ва осойишталиктни сақлаш, мустақиллигимизни асраш, жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш тизимида туб ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этди.

Учинчи босқич – 2001–2004 йиллар. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 марта “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони[6] қабул қилинди. Натижада ички ишлар органларининг бир қатор йўналишларида янги хизмат ва ўзгаришлар жорий этилди.

Тўртинчи босқич – 2004–2016 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2004 йил 19 июль Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ички ишлар идораларида мутахассислар тайёрловини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги 2004 йил 23 сентябрь қарорлари қабул қилинди. Мазкур хужжатлар асосида ички ишлар органлари тизимига кадрлар тайёрлаш ҳамда ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоялашни такомиллаштириш вазифаси белгиланди.

Бешинчи босқич – 2016 йил 16 сентябрдан бошланди. Чунки бу кунда Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Мазкур даврга қадар ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятини тар-

тибга солувчи яхлит ҳуқуқий механизм йўқ эди. Бу қонун ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, маҳаллий ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини янада таомиллаштиришга хизмат қилди. Қонуннинг 16-моддасида ички ишлар органларининг ҳуқуқлари белгилаб қўйилган ва бу ҳуқуқий норма ички ишлар органларида хизмат қилаётган ходимларнинг ўз вазифаларини қонуний асосда бажаришга кенг имконият яратиб бериши билан бирга, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоясини ҳам кафолатлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан сўнгги йиллар давомида ички ишлар органлари тизимининг фаолиятини тубдан таомиллаштириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу соҳани тартибга солувчи норматив ҳуқуқий база жиддий таомиллашди, қатор қонун, фармон, қарорларнинг қабул қилиниши шулар жумласидандир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “Бугунги кунда энг катта масала, бу – ички ишлар тизимининг қуий бўғинини мустаҳкамлашдан иборатdir” [5]. Шунингдек: “Ҳозирги кунда ички ишлар органлари органларининг ўта марказлашган ҳолда жойлашуви уларнинг ўз вазифаларини самарали ҳал қилишига имкон бермаяпти. Бу бир томондан жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлиги пасайишига олиб келаётган бўлса, бошқа томондан аҳолига ўз муаммосини ҳал қилишда нокулайлик туғдирмокда. Биз ички ишлар органлари ходимларини халққа янада яқинроқ қилиш мақсадида ходимларнинг асосий қисми бевосита жойларда керак бўлса, ҳар бир сектор худудида хизмат олиб боришини таъминлашимиз керак” [7], – деб таъкидлаган эди.

Шу ерда айтиб ўтиш жоизки, “Гэллап” (“Gallup”) халқаро тадқиқот

институтининг “Глобал қонун ва тартиб” бўйича йиллик бутунжаҳон рейтинги эълон қилинди. Узбекистон ушбу рейtingда 100 баллдан 92 балл тўплаб, дунёning энг хавфсиз мамлакатлари топ 10 талигига киритилди. Албатта, бундай натижага эришишда, жамиятимизда қонун ва адолат устуворлигини, жиноятга жазо муқаррарлигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари ходимлари томонидан сўнгги йилларда кўрилган чора-тадбирлар ҳам, айниқса эътиборли ҳисобланади. Авваламбор, ушбу вазифаларни самарали бажариш мақсадида тизимнинг фаолияти тубдан таомиллаштирилди. Асосий эътибор маҳаллаларда криминоген вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун қуий бўғинни кучайтиришга қаратилди. Таянч пунктлари ва профилактика инспекторларининг сони кўпайтирилди. Улар, ўз навбатида, хизмат уй-жойлари билан таъминланди, имтиёзли кредитлар асосида шахсий “Матиз”, “Спарк” ва “Нексия-3” автомашиналари берилди.

Бундан ташқари, жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида фуқароларнинг фаоллигини ошириш, ҳудудда ҳуқуқ-бузарликларнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида “Жамоатчилик назорати масканлари” ҳамда “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳлари ташкил этилиб фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 27 февралда қабул қилинган буйруғи асосида ҳудудий тузилмаларида секторлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлинмалари ташкил этилди ва фаолияти йўлга қўйилди.

Бу борада, республиканинг З-секторларида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган шахсларнинг муаммолари ҳал этилиб, меҳнатга лаёқатли ишсиз шахсларнинг бандлиги таъминланishiiga кўмаклашилмоқда.

Шу билан бир қаторда, 3-секторлар худудларида “Обод қишлоқ” “Хар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида худудларни комплекс ривожлантириш борасида йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа обьектларида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари мувофиқлаштириб борилмоқда.

Соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланияпти. Бунинг натижасида “Хавфсиз пойтахт”, “Хавфсиз худуд”, “Хавфсиз туризмни таъминлаш”, “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш” каби қатор концепциялар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Вилоятларнинг ўзига хос тажрибалари сифатида “Намунали ҳудуд”, “Хотин-қизлар билан ишлаш”, “Президентнинг бешта ташаббуси”, “Ёшлар билан ишлаш”, “Жиноятга қарши кураш ҳақиқати ва адолати”, “Жиноятдан ҳоли маҳалла” каби концепциялари ва йўл хариталари яратилиб, ижрога қаратилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ички ишлар органлари сафида она Ватанимизни чин дилдан севадиган, бурчига садоқатли муқаддас

заминимиздаги тинч ва осуда ҳаётни таъминлаб келаётган энг муносиб ходимлар хизмат қилмоқда. Уларнинг фаолияти, азму шижаоти ҳар қачонгидан ҳам юқори баҳоланиб, халқимизнинг юксак хурматига сазовор бўлмоқда, ходимларимизнинг ўзи эса давлатимиз ва жамиятимиз ғамхўрлигини амалда ҳар томонлама чуқур ҳис этмоқдалар.

“Дунёда Янги Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш тамойиллари қучайди” [8]. Шундай экан Янги Ўзбекистоннинг ички ишлар органлари тизими ҳам янгиланиб, такомиллашиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти соҳа ходимларига касб байрами куни муносабати билан йўллаган табригида “Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар соҳаси десак, айни ҳақиқат бўлади” [9], – дея эътироф этдилар. Ички ишлар органлари фаолиятининг шонли тарихида бу юксак баҳо ҳисобланиб, осойишталик посбонларини қонун устуворлигини таъминлаш йўлида янаям фидойилик билан хизмат қилишга ундаиди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Алматов З. Халқ хизматида (кириш сўзи ўрнида). Халқ хизматида 75 йил. – Т., 1992. – Б.17.
2. Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. – Т., 2011. – Б. 266.
3. Қобилов Ш. Коррупцияга қарши кураш: иқтисодий, маънавий-маърифий чоралари ва йўллари. Монография. – Т., 2017. – Б. 88.
4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами. – 1991. – № 10. – 36-м.
5. Маъмурий ҳукуқ: Дарслик / Одилқориев Х., Исмоилов И. Исмоилов Н. ва бошқ. – Т., 2010. – Б. 572.
6. Пулатов Ю.С. С чего начинается реформирование органов внутренних дел // Ҳукуқ-Право-Law. – 2004. – № 4. – С.80.
7. Олимларнинг бунёдкорона меҳнатини қадрлаб, уларга муносиб турмуш шароити яратиш – энг муҳим вазифадир // Халқ сўзи. – 2017. – 18 нояб
8. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари. – 2021. – 17 авг.
9. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ички ишлар органлари ходимларига табриги // Postda-Ha посту. – 2020. – 25 окт.

Б. А. Матлибов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошилигининг маслаҳатчиси,
генерал-лейтенант

МУСТАҚИЛЛИК СОЛНОМАСИННИГ САҲИФАЛАРИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ

Аннотация. Мамлакатимизда мустақиллик солномасининг кўпгина саҳифалари ички ишлар идоралари фаолияти билан боғлиқ. Шу боис ушбу мақолада Ўзбекистон ички ишлар идоралари фаолияти қандай қийин шароитда, доимий курашда ва қайноқ нуқталарда тобланиб тажриба орттириб боргани ҳақида сўз боради.

Таянч сўзлар: солнома, тинчлик ғояси, ички ишлар органлари, жиноятчиликка қарши кураш.

Аннотация. Многие страницы летописи независимости нашей страны связаны непосредственно с органами внутренних дел. В данной статье говорится о том, в каких трудных условиях и горячих точках приобретался опыт в деятельности органов внутренних дел.

Ключевые слова: летопись, идея мира и спокойствия, органы внутренних дел, борьба с преступностью.

Annotation. Many pages of the chronicle of our country's independence are directly related to the internal affairs bodies. This article talks about the difficult conditions and hot spots where gained the experience in the activities of the internal affairs bodies.

Keywords: chronicle, the idea of peace and tranquility, internal affairs bodies, the fight against crime.

Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар соҳаси, десак, айни ҳақиқат бўлади”[1], – дея таъкидлаганликлари бежизга эмас. Негаки, мамлакатимизда мустақиллик солномасининг кўпгина саҳифалари ички ишлар идоралари фаолияти билан боғлиқ. Шунинг учун ушбу мақолада Ўзбекистон ички ишлар идоралари фаолияти қандай қийин шароитда, доимий курашда ва қайноқ нуқталарда тобланиб, тажриба орттириб боргани ҳақида сўз боради.

Ўрта Осиё ва бу ўлка халқлари тарихи оғир ва мураккаб бўлган. Унинг ибтидоий жамоа тузумидан октябрь ғалабасигача босиб ўтган йўли ғанимлар

босқинлари, шафқатсиз қонли жанглар, сон-саноқсиз сарой тўнтаришлари ва халқ қўзғолонлари билан нишонланган. Энг машаққатли йилларда (иктисодий танглик ва фуқаролик уруши, Иккинчи жаҳон уруши) меҳнаткашларнинг тинч ва хавфсиз меҳнатининг ишончли ҳимоячиси сифатида Совет Туркистони Ишчи-дехқон милицияси ташкил этилди. Ушбу ички сиёсий тузилма турли йилларда қўйилган вазифаларни вижданан бажариб, мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтди.

Туркистон милициясининг жанговар анъаналари тарихий вақт мобайнида Ватанимиз милиционерлари – ИИОлари ходимларининг фаолиятида яшамоқда ҳамда ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлиги ҳимоясида турган ушбу

муҳим давлат ҳокимиияти органининг ёш издошлари учун руҳлантирадиган ибрат йўлидир. XX аср бошларида ўлкада бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар натижасида совет ҳокимиияти ўрнатилиб, унинг мустаҳкамланиши жараёнида бир қатор давлат бошқаруви ва назорат органлари ташкил этилди. 1924 йилда Ўрта Осиё ҳудудида содир этилган миллий давлат ажralиши натижасида янги Совет Социалистик Республикалари пайдо бўлди – Ўзбекистон ва Туркманистон. Тожикистон Совет Социалистик Автоном Республикаси сифатида Ўзбекистон таркибига киритилди. Давлат бошқаруви тизимидағи ташкилотлар билан бир қаторда, ички ишлар органлари ҳам қайта тузилди. Ички ишлар идоралари инқилобий тартибини ҳимоя қилиш ва ахоли хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, совет давлати томонидан жамиятда олиб борилган ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ қарор, буйруқ ҳамда фармойишларни ҳаётга татбиқ этишда ҳам юклатилган вазифа ва ваколатлари доирасида бевосита иштирок этди. Ўзбекистон ССРда Ишчи-дехқон милицияси “белгиланган қонунлар доирасида жиноятчиликка қарши кураш ишида милиция ва жиноий қидирув органлари фаолиятининг юқори раҳбарлиги”ни ўз қўлига олган Ички ишлар ҳалқ комиссариятига бириктирилди.

Ўзбекистон ҳудудида милиция ва жиноий қидирув органлари фаолиятининг оператив бошқаруви учун ЎзССР ИИХК Марказий административ бошқармаси таркибида (МАБ) милиция ва жиноий қидирув бўлими ташкил этилган. Республика ижро органлари, жумладан ички ишлар ҳалқ комиссарияти (ва уларнинг органлари) ўз фаолиятида (Ўзбекистон ССР учун ягона қонунлар чиқарилгунга қадар) ССРИ, собиқ Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Республикалари хукуматларининг

қонунларидан раҳбарлик учун фойдаланган, бу ҳақда Ўзбекистон ССР Инқилоб қўмитасининг 1924 йил 27 ноябрдаги қарорида алоҳида кўрсатиб ўтилган эди. Айнан шу қарор билан Инқилоб қўмитаси Ўзбекистон ССР Адлия XГа 1925 йил 1 январгача ССРИ ва Ўзбекистон ССР қонунлари тўпламини чиқаришни топширган. Меҳнаткашларнинг жамоат тартибини сақлашдаги фаол иштироки кенг кўламда ривожланди. Жамоат тартибини сақлаш учун кўнгилли ҳалқ дружиналарини ташкил қилиш тўғрисида қарорлар чиқарилди. Милиция органлари билан бирга, ҳалқ дружиналари нафақат одамларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлайди, балки хукуқбузарликларнинг олдини олишда фаол иштирок этади. Улар умумэътирофга сазовор бўлишганлигини қайд этиш зарур. Милиция ишида жамоатчи инспекторлар, жамоатчилик участка нозирлари, кўплаб ваколатли фаоллар, меҳнаткашлар вакиллари иштирок этди. Милициянинг ўзи фақат жазоловчи орган эмас, балки, биринчи навбатда, фуқароларни қонунларга қатъий амал қилиш руҳида тарбияловчи орган бўлди. Милиция органларининг жиноятчиликни бартараф этиш, жиноятни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш бўйича тадбирлари жамиятнинг бекарор аъзоларини эҳтимолли жамиятга қарши ҳаракатлардан қайtarishга қаратилган эди. Ўзбекистон милицияси ўз фаолиятини янада такомиллаштириб борди. Республикада йилдан-йилга жиноятчилик ва жамоат тартибини бузиш ҳолатлари камайди. Жиноятлик ҳамда бошқа жамият қоидаларини бузишнинг олдини олиш, уларни келтириб чиқарадиган сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш Ўзбекистон милицияси фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ҳалқи ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар

органлари фаолияти ниҳоятда мураккаб, мاشаққатли ва ўта оғир вазиятларда кечган. Үнда шонли ғалабага эришиш, қора касофатни мажақлаб ташлаш жуда қимматга тушди. Не-не ўғлонлар нобуд бўлиб, мангулликка бош қўйдилар. Улар орасида ўзбек милицияси вакиллари ҳам бор эди. Иккинчи жаҳон уруши бошланганидан кейин ҳалқ ҳўжалигининг барча тармоқларида бўлгани сингари, ички ишлар идоралари фаолиятида ҳам ўзгаришлар амалга оширилди. Ички ишлар органлари ходимлари хизмат вазифаларини бажариш баробарида, қўшимча ишларни ҳам бажарди. Улар турли ҳудудлардан эвакуация қилинган аҳолига ёрдам кўрсатиш, қаровсиз қолган болаларни топиш, уларнинг ота-онасига етказиб бериш, етим ёки ота-онасини йўқотганларни тегишли муассаса ва ташкилотларга юбориш каби ишларни амалга ошириди. Ички ишлар ходимларининг бир қисми фронт ортида катта ҳажмдаги вазифаларни бажарган бўлса, кўплаб милиция ходимлари бевосита фашистларга қарши бўлган жангларда фаол иштирок этиб, турли даражадаги орден ҳамда медаллар билан тақдирланди. Урушдан кейинги йилларда милиция идораларининг асосий эътибори жамиятда тартиб-интизомни ўрнатиш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлашга қаратилиши билан бирга, ҳалқ ҳўжалигида олиб борилган ўзгаришлар жараёнида уларнинг фаолияти билан боғлиқ бир қатор қарор, фармон ва фармойишлар қабул қилинди. Лекин қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ижроси ўз вақтида таъминланмади, оқибатда XX асрнинг 50–60-йилларида республика ички ишлар органлари фаолиятида, жиноятни бартараф этиш ва олдини олиш борасида ҳамда уларнинг касбий маҳоратида камчиликлар кузатилди. Жамиятда юзага келган бундай қўнимсизликларининг сабабини ҳуқук-тартибот органлари томонидан аҳоли орасида жиноятнинг олдини олиш учун етарли даражада

хуқуқий тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмаганлиги, жиноятларнинг ҳисоби, мазмун-моҳияти ва сабаб, шарт-шароитлари чуқур таҳлил этилмаганлиги, ходимларнинг билим ва малакасининг етарли даражада бўлмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу жараёнда айрим айбизиз инсонлар бир неча ойлар давомида тергов изоляторларида ушлаб турилиб, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг поймол этилиш ҳолатлари ҳам учраб турган.

XX аср 70-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб, ички ишлар органлари структурасида ўзгаришлар қилиниб, республиканинг шаҳар ва қишлоқлари, транспорт магистралларида пост-патруль хизматини такомиллаштиришга эътибор кучайтирилди. Давлат автомобиль инспекцияси ходимлари ва Темир йўл транспортида хизмат қилаётган ички ишлар органларининг иш жараёнига фан-техника янгиликларининг жорий этилиши натижасида уларнинг фаолияти бирмунча яхшиланди. Умуман олганда, бу йилларда жамиятда мустаҳкам тартиб ўрнатиш, давлат ва ҳалқ мулкини кўриқлаш, жиноятларнинг олдини олиш ва фош этиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилиб, ижобий натижаларга эришилганлигини қайд этиш лозим.

XX асрнинг 80-йиллари республика-нинг ҳаёти ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан жуда мураккаб жараёнлар билан кечди. Бу даврда ички ишлар органларининг фаолиятида ҳам бир қатор камчилик ва муаммолар кузатилди. Милиция ходимлари орасида хизматга совуқкон муносабат, порахўрлик ва бошқа қонунбузарлик ҳолатлари кучайиб, жамиятда йилдан-йилга жиноят содир этилиши ҳолатлари кўпайиб борди. Ӯша даврга оид ҳужжатлар таҳлили шундан далолат берадики, жамиятда жиноят содир этилишининг ҳаддан ташқари ўсиб кетиши ва ички ишлар органлари тизимидағи бошқа камчиликлар бу факат ички ишлар идоралари ходимларининг

фаолиятини суст олиб бориши билан боғлиқ бўлмай, бу даврда жамиятдаги ижтимоий муаммоларнинг ўз вақтида ечимини топилмаслиги, ишсизликнинг кўпайиши, моддий таъминотдаги узилишлар, жамиятда коррупция ва бошқа иллатларнинг авж олиши, инсонлар дунёқарашининг тубдан ўзгариши, турли хил ғоя ва қадриятларнинг кириб келиши, ёшлар орасида таълим-тарбия масаласидаги муаммолар, иттифоқ ва республиканинг турли худудларида содир бўлган миллатлараро муносабатлардаги зиддиятли ҳолатлар билан ҳам изоҳланади.

1970–1980 йилларда ички ишлар органларини юқори малакали ходим ва раҳбарлар билан таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилиб, иттифоқ миқёсида қатор ўқув юртларининг фаолият юритиши милиция органларида тажрибали ва малакали кадрларнинг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатган бўлса, бу пайтда Ўзбекистон ички ишлар тизимидағи кадрлар масаласида жуда оғир ҳолат юзага келди.

“Марказ”га бутунлай бўйсунган республика милицияси мустақил ривожлана олмас эди. Унинг сиёсати, стратегияси ва тактикасини “Юқори”дан бериладиган йўл-йўриқ, кўрсатмалар аниқлаб берарди. “Марказ”га бутунлай бўйсунган республика ҳукуқ-тартибот органлари мустақил ривожлана олмас эди. Шундай даврлар ҳам бўлганки, “коммунизм қураётган жамиятда жиноятчиликка ўрин йўқ”, деган шиор остида жиноятчилик билан боғлиқ кўрсаткичлар сунъий камайтириларди[2].

1984–1989 йилларда Ўзбекистонга Марказдан кўплаб ходимлар юборилиб, улар асосан раҳбарлик лавозимларига тайинланди. Бундан ташқари, бу даврда республика ИИВ тизимига раҳбарлик қилган, катта бошлиқлар таркибида обрўга эга бўлган (Ҳ.Ҳ. Яхъёев, Қ.Э. Эргашев, О.М. Мухаммадиев, У. Тожихонов, И.Ғ. Саттаров, Т.С. Саттаров, М.С. Норов, С.З. Сабировлар. Бу рўйхатни давом

эттириш мумкин ва х.) ҳамда соҳада ҳалол фаолият олиб борган кўплаб ички ишлар ходимлари ишдан бўшатилиб, уларнинг катта қисми жиноий жавобгарликка ҳам тортилди. Ўзбекистон ички ишлар идораларидағи бундай нохуш ва зиддиятли ҳолатлар ходимлар касб маҳоратининг пасайиши, хизматга бўлган муносабатининг ўзгариши, оқибатда уларнинг асосий вазифаси бўлган жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятига салбий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон ИИОлари ходимлари қандай қийин шароитда, доимий кураш ва жангларда мустаҳкамланиб, тажриба орттириб боргани ҳозирги пайтда кундек равshan бўлиб қолди. Кўп нарса ўзгарди: милициянинг вазифалари доираси кенгайди, иш шакл ва усуллари такомиллашди, моддий-техника базаси мустаҳкамланди, ҳукуқ-тартибот ҳимоячилари сони кўпайди. Афсуски, бу жараёнлар ҳамиша ҳам енгил ва бир текис кечмади.

Ўзбекистон ИИОлари ходимларини ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ ҳамда хизмат ўташни тартибга солишга оид 1990 йил 31 октябрда имзоланган “Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳукуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида”ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 270-сонли “Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги[3] 1991 йил 25 октябрь қарори муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаш зарур.

“Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳукуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон ССРнинг қонунининг қабул қилиниши республиканинг етилган иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, фукароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кучайтириш, жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш юзасидан кечиктирмай чора-

тадбирлар кўриш зарурлигини тақозо этди. Бундай шароитда милиция ходимлари хавфсизлиги, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ғоят муҳим аҳамият касб этди. Милиция ходимларини ўлдириш, қуролини олиб қўйиш мақсадида уларга хужум қилиш, уларнинг хизмат фаолиятига аралашиш ҳоллари оз эмас эди. Бу эса меҳнаткашларнинг адолатли норозилигини келтириб чиқарди. Шу боис милиция ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида мазкур қонун қабул қилинди. Унга кўра, милиция ходимлари давлат ҳокимиятининг вакили экани, давлатнинг алоҳида ҳимоясида бўлиши белгилаб қўйилди[4].

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, милициянинг истиқлолни жиноий хуружлардан ҳимоя қилиш, ёш мустақил давлат ва унинг фуқаролари хавфсизлигини таъминлаш борасидаги масъулияти мислсиз даражада ошди. Ўзбекистон худудидаги илгари СССР ички ишлар вазирлигига бўйсунган ички қўшинлар ва ўқув юртлари, транспорт бошқармаси, моддий-техника, ҳарбий анжомлар таъминоти Ўзбекистон ҳуқуқий тасарруфига ўтди.

Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Унинг ички тузилиши, фаолиятининг шакл ва усувлари такомиллаштирилди, ҳуқуқий негиз яратилди. Бироқ мустақилликнинг дастлабки йиллари мамлакатимизда маъмурий буйруқбозликка асосланган тузумдан демократик бошқарувга асосланган жамиятга ўтиш жараёнида мустақил Ўзбекистон ички ишлар идораларининг ҳуқуқий мақоми шаклланиб, муайян даражада мустаҳкамланиб борган бўлсада, ички ишлар идоралари тизими жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш борасидаги фаолиятини собиқ мустабид тузумдан қолган тартиб, усувлар асосида олиб борар эди. Ишни

бу алфозда ташкил этиш билан эса мамлакатда тинчлик ва осойишталикни самарали таъминлаш мушкул эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 8 январдаги “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида хизмат ўташ ҳақидаги вактинчалик низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарор билан умумий қоидалар, ички ишлар идоралари ходимларига махсус унвонлар бериш ва ундан маҳрум этиш, лавозимга тайинлаш, хизмат бўйича кўчириш ва қўтариш, аттестация, меҳнат таътили бериш, хизматдан бўшатиш, айрим тоифадаги ходимларни бошқа вазирликларга юбориш ва уларнинг хизматни ўташи масалалари ҳамда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилди.

1995 йилдан бошлаб милиция ходимларининг махсус кийимлари учун миллий ажратувчи белгилар жорий этила бошланди. Аввалги погонлардаги беш қиррали юлдуз ўрнига мусамман, деб аталувчи саккиз қиррали юлдуз, кейин китель ёқасидаги петлицалар бекор қилиниб, Ўзбекистон герби рамзидаги тимсол тақиладиган бўлди[5].

1994–1997 йилларда мамлакатимизда тезкор вазият мураккаб эди. Ўша дамларда асосий эътибор ички ишлар идоралари зиммасидаги масъулият юкини заррача камайтирмаслик, аксинча янада ҳушёр, огоҳ бўлишни тақозо этарди. Устига устак ташки кучлар ва уларнинг мамлакатимиздаги гумашталари тез-тез бош кўтариб турарди.

1994–1997 йилларда Наманган, Фарғона, Андижонда жуда кўп жиноятлар содир этилди. Хонадонларга кириб, уларни ёппасига ўлдириб кетиш ҳолатлар бўларди-ю, биз бунинг террорчилик ҳаракатлари эканлигини ўша пайтда тушуниб етмаганмиз. Эсимда бор 1997 йил декабрь ойи эди. Сурхондарёда судланувчиларнинг сақлайдиган жой (изольятор)дан икки киши қочди. Иккови

хам ўлимга ҳукм қилинган маҳбуслар эди. Биттаси афғон, биттаси ўзбек. Биз бир гуруҳ бўлиб, ўша ерда 3–4 кун ишладик. Чегарадан ўтиб кетмасиданоқ уларни ушлашга муваффак бўлдик.

Ишни тугатиб қайтишимиз билан Намангандаги мудҳиш қотиллик ҳақида хабар берилди. Давлат автомобиль назоратида ишлайдиган майор Боқижон Убайдуллаевни хотин, бола-чақалари олдида қийнаб, унинг бошини танасидан жудо қилишган ва кесилган бошини Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосарининг дарвозасига осиб кетишган. Мен Сурхондарёдан тўғри Наманган вилоятига жўнаганман ва ўша ерда 6 ой иш олиб борганмиз. Бу билан бизнинг соҳа ходимлари юрт осойишталиги учун ўз ҳаловатидан кечиб, кеча-ю кундуз хизмат қилишларини айтиш жоиз.

1997 йилдан бошлаб республикада шов-шувга сабабчи бўлган жиноий гуруҳлар қўлга олина бошланди. Жумладан, Д.Ю. Холматов бошчилигидаги 9 нафар жиноятчилар томонидан содир этилаётган босқинчилик ва машина олиб қочиш каби жиноятларни содир этган уюшган гуруҳ қўлга олинган. 1998 йилда Фарғона вилоятида ашаддий жиноий гуруҳлар aka-ука Челишевлар бошчилигидаги қасдан одам ўлдириш билан шуғулланган жиноятчилар, 1998 йилда Андижон вилоятида М.Кербалаевлар бошчилигидаги хайдовчиларни ўлдириб машиналарини тортиб олиб ўзлаштираётган уюшган жиноий гуруҳларнинг фаолиятига чек қўйилди. 1998 йилда Тошкент шаҳрида автомобиль ҳайдовчиларига нисбатан мунтазам равища босқинчилик жиноятларини содир этиб келаётган Олег Цай бошчилигидаги уюшган жиноий гуруҳлар, Қозогистон ва Ўзбекистон фуқароларидан ташкил топган йигирма кишидан иборат Б.Ниёзов бошчилигидаги уюшган жиноий гуруҳлар томонидан

мунтазам равища босқинчилик, талончилик, қасдан одам ўлдириш жиноятларини содир этиб келган жиноятчилар тўдаси қўлга олиниб, одил судловга топширилган.

1999 йил 16 февраль воқеалари. Ўша куни бир гуруҳ шахслар томонидан Тошкент шаҳрининг 5 та маъмурий бинолари олдида Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ҳаёти ва амалдаги конституциявий тузумга тажовуз қилишга қаратилган террорчилик ҳаракатлари содир этилди.

Қўпорувчилик ҳаракатлари натижасида 13 нафар фуқаро ҳётдан қўз юмган, 100 дан ортиқ фуқаро турли жароҳат олиб касалхонага ётқизилган, 3 нафар ички ишлар органлари ходимлари яраланиб, уларнинг 1 нафари вафот этган. Бир неча машина ёниб кетди. Жабрланганларнинг деярли барчаси тинч аҳоли вакиллари эди. Мазкур ҳолат юзасидан кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ушбу қўпорувчилик ҳаракатларига алоқадор шахслар қўлга олиниб, қонуний жазога тортилди.

1999 йил 30 март куни Хоразм вилояти Питнак шаҳрининг “Саримой” блок постида террорчилик ҳаракати, 2004 йилнинг 29 мартадан 1 апрелигача Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти худудлари ҳамда Бухоронинг Ромитан туманида кетма-кет содир этилган бир неча террорчилик ҳаракатлари ва х.к.

2000 йилга келиб, диний ниқоб остидаги террористик ташкилотларнинг Ўзбекистоннинг тинчлиги ва барқарорлигига хавф туғдириши ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришни талаб этарди. Жумладан, террористик гуруҳ ва уларнинг чет эллардаги раҳнамолари Ўзбекистондаги барқарорликни издан чиқариш йўлидаги қабиҳ ниятларидан қайтмади. 2000 йил август ойида Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тумани тоғли ҳудудларига Тожикистон орқали жангарилар гурухи кириб келгани аниқланди. Ички ишлар

вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигига икки ой давом этган қидирав ишлари ва ўтказилган жанговар операциялар натижасида Сариосиё ва Ўзун туманлари худудига жойлашиб олган жангарилар гурухи йўқ қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот марказидан олинган маълумотларга кўра, 1998 йилда 10 нафар “жиноий обрўманд”, 75 нафар жиноятоламининг “йўлбошчиси”, 572 нафар шахсдан ташкил топган 142 уюшган гуруҳларнинг жиноий фаолиятига чек кўйилди. 1999 йилда эса 193 уюшган гуруҳларнинг фаолияти фош этилиб, шу гуруҳларда жиноий фаолият билан шугулланган 5 та “жиноий обрўманд”, 150 та жиноятчилик дунёсининг “йўлбошчиси” ва 767 аъзолари жиноий жавобгарликка тортилган бўлса, 2000 йилга келиб уюшган гуруҳларнинг сони 179 та бўлишига қарамай 2 та “жиноий обрўманд”, 182 та жиноят оламининг “йўлбошчиси”, 797 та уюшган гуруҳ аъзолари қонун олдидаги жавоб берди[6]. Бундай маълумотларни келтиришдан мақсад ўзбекистон мустақиллигини таъминлаш осон кечган эмас.

Мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида мамлакатимизда фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича яхлит хукукий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллаганини қайд этиш зарур.

2006 йил 6 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги[7] қонун[7]нинг 1-моддасига мувофиқ, 25 октябрь Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги қарори билан Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига айлантирилган 25 октябрь санаси бу соҳада хизмат кўрсатаётган ходимлар учун катта тарихий аҳамиятга эга.

Ички ишлар органлари ходимлари шаъни учун шуни айтиш керакки, республика ички ишлар идоралари бу қийинчиликларга бардош берди. Ўзига хос хусусиятларни йўқотмади ва ҳамон ўз халқига садоқат билан хизмат қилмоқда.

Халқимиз каби Ўзбекистон ИИОлари учун ҳам бешийилдирки, янги давр бошланди. 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида ҳам “жиноятчиликка қарши курашиш ва хукуқбузарликларнинг олдини олиш, диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилийамалий чораларни кучайтириш” борасида вазифалар белгилаб берилди[8]. Ички ишлар органларининг фаолиятини такомиллаштириш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги[9] қонунининг ҳамда 2017 йилнинг 10 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самардорлигини тубдан ошириш, фуқаролар хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатларини ишончли ҳимоя қилишини таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги[10] фармонининг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларини аниқ белгилади.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичини бошлаб берган 2017 йилдан эътиборан барча соҳалар фаолияти тубдан ислоҳ қилиниб, “Халқ давлат идораларига

эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”[11] деган эзгу ғоя ҳайтимизнинг бош мезонига айланди.

Айниқса, кейинги беш йилда мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида барча соҳалар сингари ички ишлар тизимида ҳам кенг кўламли ва пухта ўйланган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ички ишлар органларини эл-юрт манфаатига хизмат қиласиган чинакам халқчил тизимга айлантириш йўлида катта ишлар олиб борилаётганлиги, барча қуч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. Сабаби, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган “Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз қишлоқ”, “Хавфсиз маҳалла”, “Хавфсиз оила” концепцияси боис, бугунги турмуш ободлиги, юрт осойишталигига, тунларимиз ҳадик-хавотирларсиз, сокин, кунларимиз тинч, осуда, мусаффо осмон остида ўтишига мустаҳкам замин яратилди. Бунда бевосита мамлакатимиз ички ишлар органлари ходимларининг самарали фаолиятига оид соҳавий ислоҳотларнинг ўрни бекиёс.

Шунингдек, 2021 йилнинг 26 марта куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ҳамда “Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари ходимларимиз тафаккурининг кенгайиши ва маънавий-маърифий савиясини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Хусусан, 2021 йилнинг 2 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5050-сонли қарори билан “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепциясига” тасдиқланди. Мазкур концепция ИИО ходимларини ҳар қандай шароитда давлат ва халқ манбаатларига хизмат қиласиган, миллий қадриятларга содик, ёт ва бузғунчи ғояларга қарши

муросасиз кураша оладиган, имон-эътиқоди, иродаси мустаҳкам, фидойи ва маънавиятли кадрлар этиб тарбиялаш, шунингдек, уларнинг шахсий даҳлдорлик, масъулият ҳиссини шакллантиришга қаратилганлигини алоҳида қайд этишни истардим. Замирини “Ватанга ва халқа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз!”, деган концептуал ғоя ташкил этган ушбу хужжатга кўра, осойишталик посbonlарининг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик ва касбга садоқат туйғуларини ошириш ҳар қачонгидек ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ички ишлар органларида олиб борилаётган ўзгаришлар жараёнида унинг тарихини ўрганиш, фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил этиш ҳамда тегишли хулосалар чиқариш муҳим аҳамиятга эга.

1. Бутун Республика халқи каби Ўзбекистон ички ишлар органлари учун ҳам (1991 йил) янги давр бошланди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач ички ишлар органларининг истиқлолни жиноий хуружлардан ҳимоя қилиш, ёш мустақил давлат ва унинг фуқаролари хавфсизлигини таъминлаш борасидаги масъулияти мислсиз даражада ошди. Дастрлаб, ёш ва мустақил Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги тизимида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Унинг ички тузилиши, фаолиятининг шакл ва усуллари босқичма-босқич такомиллаштирилди. Юксак маҳорат билан хизмат ўташни ташкил этиш учун хуқуқий замин яратилди.

2. Ўзбекистоннинг жиноятчиликка қарши кураш борасида эришилган ижобий натижалари ва тажрибаси кўп ўтмай, айниқса, МДҲ маконида катта қизиқиш уйғотиб, эътироф этилди. Жумладан, Россия Федерациясининг собиқ Президенти Б. Ельцин 1995 йилнинг 2 марта, уюшган жиноятчиликнинг курбони бўлган машҳур тележурналист В. Листьевни дафн этиш маросимида

сўзлаган нутқида Ўзбекистонда жиноятчиликка қарши олиб борилаётган ишлар мақтовга сазовор эканлигини айтган [12]. Бу мустақил Ўзбекистоннинг ички ишлар органлари фаолиятининг эътирофи эди.

3. Республика ички ишлар органлари шахсий таркибининг интеллектуал ва касбий даражасини ошириш, уларга қўшимча тадбир ва ишлардаги иштироки туфайли ортиқча вазифалар юкланишини бартараф этиш мақсадида соҳавий хизматлар ўртасидаги вазифаларнинг аниқ чегараларини белгилаш вазифаси Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан белгилангани ИИОлари

фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим омили эканлигини қайд этиш лозим.

4. Жиноятчиликни жиловлаш бўйича ишлар бутунлай янгича тизимда ташкил этилмоқда. Бу тизим “Жиноят ҳақиқати ва адолат”, деб номланди. Масъул раҳбарлар жойларга бориб, жиноятларнинг сабабларини ўрганмоқда, муҳокама қилмоқда, такрорланишининг олдини олишга қаратилган аниқ чоралар кўрилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида “Жиноят ҳақиқати ва адолат” рукни ташкил этилиб, барча ишлар батафсил ёритиб борилиши йўлга кўйилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 25 октябрь – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан байрам табриги // Халқ сўзи. – 2020. – 25 окт.
2. Икрамов Ш. Т., Қобилов Ш. Р. Мустақиллик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш осон кечган эмас: Ўқув қўлланма. – Т., 2013. – Б. 4.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 1991 йил 25 октябрь қарори // Ҳукумат қарорлари тўплами. – 1991. – № 11. – 36-м.
4. Қобилов Ш. Р. “Мустақиллик ғойибдан келган эмас”: Ўқув қўлланма. – Т., 2011. – 136 б.
5. Тоҷиев К. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлик хизмати мустақиллик йилларида (1991– 2011). – Урганч, 2011. – Б.18.
6. Сотиев И.А. Уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий чоралари: юрид. фан.номз. дис.... Автореф. – Т., 2002. – Б. 3–4.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2006. – № 12. – 651-м.
8. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.
9. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – № 38. – 438-м.
10. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – № 15. – 243-модда.
11. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги боскичга кўтарамиз. – Т., 2018. — Б. 152.
12. Известия газетаси. – 1995. – 6 март

М. Зиёдуллаев,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
бошлигининг биринчي ўринбосари,
юридик фанлар доктори, профессор;

С. С. Шарипов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
доценти в.б., юридик фанлар
бўйича фалсафа доктори (PhD)

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ИСЛОХОТЛАР, УЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятида амалга оширилган ислоҳотлар, хусусан соҳага доир қабул қилинган конун хужжатлари ва уларни амалиётга татбиқ этиш орқали қўлга киритилган натижалар мантиқий изчиликда баён этилган ҳамда мазкур йўналишнинг ҳуқуқий ва ташкилий-тактиқ асосларини, моддий-техник таъминотини такомиллаштириш истиқболлари юзасидан мулоҳазалар илгари сурилган.

Таянч сўзлар: ички ишлар органлари, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, патруль-пост хизмати, саф бўлинмалари, криминоген вазият.

Аннотация. В статье в логической последовательности рассмотрены реформы, осуществленные в деятельности органов внутренних дел по охране общественного порядка и обеспечению безопасности, в частности, освещены законодательные акты, принятые в этой сфере, выдвинуты предложения по перспективам совершенствования правовых и организационно-тактических основ, материально-технического обеспечения данного направления.

Ключевые слова: органы внутренних дел, охрана общественного порядка, обеспечение общественной безопасности, патрульно-постовая служба, строевые подразделения, криминогенная обстановка.

Annotation. The article presents the reforms carried out in the activities of the internal affairs bodies for the protection of public order and security in logical sequence, especially the adopted legislative acts in this area and the results obtained as a result of their application in practice, as well as put forward considerations on the prospects for improving the legal and organizational-tactical foundations, logistical support of this direction.

Keywords: internal affairs bodies, protection of public order, ensuring public safety, patrol and post service, combatant units, criminogenic situation.

Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фуқаролик жамияти-нингсиёсий, маданий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа йўналишлардаги фаолияти учун зарур бўлган ижтимоий бошқарувнинг муҳим омилларидан биридир. Жамоат тартиби ва хавфсизлигининг етарлича таъминланмаслиги жамиятда қонун

устуворлигига салбий таъсир қўрсатади [1; 39-б.]. Шу боисдан жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш ҳар қандай мамлакат ва жамиятда муҳим аҳамият касб этувчи долзарб масалалардан бири ҳисобланади [2; 37-б.].

Мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор

топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш бўйича яхлит тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди. Дарҳақиқат, бугунги кунда республикамизнинг вилоят, шаҳар марказлари, катта шаҳар, маҳалла, кўча, майдон, маданият ва истироҳат боғлари, транспорт обьектлари ҳамда бошқа жамоат жойларида, шунингдек, турли оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашни ички ишлар органларининг фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Афсуски, охирги 15–20 йил давомида жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш масалаларига нотўғри ёндашув туфайли бу муҳим масала эътиборимиздан четда қолиб келди [3]. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг ташаббуси ва раҳбарлиги остида сўнгти йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ички ишлар органларининг мазкур фаолият билан шуғулланувчи таркибий тузилмаларининг фаолиятини давр талаби асосида ташкил этиш, унинг асосий вазифа ҳамда функцияларини аниқ белгилаш ва тақсимлаш, кўча ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш бу борадаги тизимли ишларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Ички ишлар органлари тизимида бир қатор соҳавий хизматларнинг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки аниқ белгиланиб, уларнинг бу борадаги асосий вазифалари ва ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкамланди.

Мазкур соҳада ўтказилган ислоҳотлар жараёнида бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, жамият ҳаётига татбиқ этилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш Концепцияси тўғрисида”ги (1999 йил 12 апрель) қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2001 йил 27 март) ва “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2004 йил 19 июль) Фармонлари, уларнинг ижроси юзасидан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги (2001 йил 31 май), “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чоралари тўғрисида”ги (2001 йил 18 май), “Жинояччиликка қарши курашда Ички ишлар вазирлиги профилактика хизматининг ролини кучайтириш чоралари тўғрисида”ги (2001 йил 6 июнь), “Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ички ишлар органлари мутахассисларини тайёрлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2004 йил 23 сентябрь) қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг масъулияти ва фаолият самарадорлигини ошириш чоралари тўғрисида”ги (2012 йил 21 июнь) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролар йигинининг “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги (2014 йил 4 март) қарорлари жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъ-

минлаш соҳасидаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни самарали тартибга солишида муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу даврда ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислоҳотлар жараённада қўйидаги мақсадлар кўзланди:

– ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти билан шуғулланувчи бўлинмаларнинг ташкилий тузилишини қайта қўриб чиқиш – хизматларда бири иккинчисининг ишини такрорлашига йўл қўймаслик, улар фаолиятини тубдан яхшилаш, янги тузилмаларни ташкил килиш;

– раҳбарнинг масъулиятини ошириш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашда куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш;

– хизматларнинг вазифаларини аниқ белгилаб бериш ва фаолият устидан бошқарувнинг қўйидан то юқоригача ягона тизимини яратиш;

– ички ишлар органлари вазифаларини бажаришга қодир кадрларни шакллантириш;

– давлат бошқаруви соҳасида ички ишлар органларининг роли ва мавқеини кўтариш, аҳоли ва кенг жамоатчилик билан алоқасини мустаҳкамлаш [4; 82-б.].

Ички ишлар органларининг асосий фаолият йўналишларидан бири бўлган жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини қонун даражасида тартибга солиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги (2013 йил 10 апрель), “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (2013 йил 22 апрель), “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги (2014 йил 5 май), “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги (2014 йил 14 май), “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги (2014 йил 25 сентябрь) ва бошқа бир қатор қонунлари қабул

қилиниб, ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорӣ этилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги (2016 йил 16 сентябрь) қонуннинг қабул қилиниши бугунги кунда ички ишлар органларининг ўта масъулиятли, жуда серқирра ва ранг-баранг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий майдондаги бўшлиқ, ноаниқлик ва зиддиятларни бартараф этиш, шунингдек алоҳида қонун доирасидаги ички ишлар органлари фаолиятига оид асосий қоидаларни ягона тизимга солишини таъминлаш орқали ички ишлар органлари тизимидағи ислоҳотларнинг мазмунан янги босқичини бошлаб берди [5; 21-б.].

Мазқур қонун ва 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005 сон (2017 йил 10 апрель) фармони ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ҳуқуқий тартибга соладиган яна бир муҳим ҳужжатdir. Фармонда ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш субъектларининг вазифалари, функциялари ва жавобгарлигини аниқ чегаралаш, такрорланувчи ва долзарблигини йўқотган ваколатларни чиқариб ташлаш, бўлинмаларнинг тезкорлиги ва самарадорлигини таъминловчи моддий-техник таъминоти даражасини мустаҳкамлаш, замонавий илмий-техник

воситалар ва ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан давлат хизматлари сифатини яхшилаш назарда тутилди.

Мазкур фармон ижроси доирасида қабул қилинган ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда асосий ўрин тутадиган яна бир муҳим хужжат – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2940-сон (2017 йил 1 май) қарори бўлиб, унда: биринчидан, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси эканлиги; иккинчидан, Вазирликнинг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси ички ишлар органлари бўлинмалари, вазирлик ва идораларнинг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни ва унга ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириши; учинчидан, патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг жавобгарлик ҳудудларига кирмайдиган жойларда жамоат тартибини ва хавфсизликни таъминлаш туман (шаҳар) ички ишлар органлари, шу жумладан профилактика инспекторлари зиммасига юклатилиши; тўртинчидан, Тошкент шаҳар ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси Патруль-пост хизмати бригадаси таркибида “Отлик отряди” ташкил этилиши ва унинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Шунингдек, қарор билан яна

бир қатор муҳим масалалар белгиланди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сон (2017 йил 16 август) ва “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон (2017 йил 29 ноябрь) қарорларининг қабул қилиниши ички ишлар органлари жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш бўлинмаларини малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш, улар билан ишлаш ва хизматини ташкил этишга доир масалалар самарадорлигини оширишга хизмат қилди. Хусусан, Қарорларнинг биринчиси билан ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳавий хизматлари бўйича офицерлар ҳамда сержантлар таркибини махсус касбий тайёрлаш, шунингдек патруль-пост фаолияти йўналиши бўйича сержант кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими йўлга қўйилган бўлса, иккинчи қарор билан – ички ишлар органлари жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш бўлинмалари учун кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг захирасини шакллантириш масалалари, шунингдек ходимларнинг хизмат ўташ тартиби белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат

жихатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ти ПҚ-3528-сон (2018 йил 14 февраль), “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПҚ-3786-сон (2018 йил 19 июнь) ва “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПҚ-4075-сон (2018 йил 24 декабрь) қарорлари мамлакатимиз пойттахти – Тошкент шаҳрида ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш бўлинмалари фаолиятини самарали ташкил этиш, улар фаолиятига илгор иш усуллари ва замонавий технологияларни кенг жорий этишда муҳим аҳамият касб этди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3528-сон (2018 йил 14 февраль) қарори билан Тошкент шаҳрида қайта ташкил этилган ички ишлар бўлимлари зиммасига секторлар худудларида жамоат тартибини сақлашни амалга ошириш учун жавобгарлик юклатилиб, уларнинг раҳбарларига худудга бириктирилган патруль-пост хизмати нарядларининг кундалик дислокациясини белгилаш ҳукуқи берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3786-сон (2018 йил 19 июнь) қарори асосида Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлашнинг янгича тизимини назарда тутадиган “Хавфсиз пойттахт” концепцияси жорий этилиб, соат 16:00 дан 8:00 га қадар вақт оралиғида ички ишлар органлари, Миллий гвардия саф бўлинмалари жамоат тартибини таъминлаш кучларининг камида 70 фоизини, шунингдек, жамоатчилик вакилларини жалб қилиш орқали туну кун уч сменали патруль режими йўлга кўйилди. Шунингдек, қарор билан: патруллик қилиш учун бириктирилган

худудда жамоат тартибини бузиш ҳолатлари мавжуд эмаслиги, уларнинг ўз вақтида олди олиниши ва уларга чек қўйилиши сутканинг кечки ва тунги вақтида хизмат олиб бораётган жамоат тартибини таъминлаш кучлари фаолиятини баҳолашнинг энг муҳим мезонлари ҳисобланиши белгиланди; концепцияни амалга ошириш доирасида жамоат тартибини таъминлаш кучларини мувофиқлаштириш ва алоқа мобил марказларининг фаолият юритиши амалиёти жорий этилди ва улар ички ишлар бўлимлари хизмат кўрсатиш худудларига бириктирилди; Тошкент шаҳрининг ҳар бир маҳалласида “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гурухлари ташкил этилди; патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг штат бирликларига тегишли ўзгартиришлар киритиш, ходимларининг хизматини рағбатлантириш, ижтимоий таъминот ҳамда соҳани замонавий маҳсус воситалари билан жиҳозлаш бўйича вазифалари қўйилди.

Мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида ўрнатилган механизmlарнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда жамоатчилик тузилмаларининг куч ва воситаларини мувофиқлаштирган ҳолда сафарбар қилиш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасида уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПҚ-4075-сон (2018 йил 24 декабрь) қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофик, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг буюртма ва талаблари асосида ички ишлар органлари йўл-патруль ва патруль-пост хизматлари учун мобил видеокамералар, шунингдек,

маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни расмийластириш ва кўриб чиқишининг электрон тизимли планшетлар билан таъминлаш, туман (шаҳар) ҳокимларига оммавий тадбирлар давомида ва жамоат жойларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун ички ишлар органлари ходимларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан жалб қилиш тўғрисида шартномалар тузиш ваколатини бериш каби вазифалар белгиланди.

Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятида Узбекистон Республикаси Президентининг “Транспорт ва туризм обьектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4229-сон (2019 йил 6 март) қарори ҳам муҳим роль ўйнайди. Қарор билан Узбекистон Республикаси ИИВ Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси, Тошкент шаҳар ИИБнинг Тошкент метрополитени ИИБ ҳамда Тошкент вилояти ИИБ транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлашбўлиминегизида вазирликнинг Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси ташкил этилди ҳамда унинг таркибига кирувчи патруль-пост хизмати саф бўлинмалари – “GM Uzbekistan” АЖ маҳсулотлари ва бошқа қимматбаҳо юкларни кузатиш, нефть маҳсулотларини кузатиш ва йўловчилар поездларини кузатиш батальонларининг ҳуқуқий мақоми белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4343-сон (2019 йил 29 май) қарори Тошкент вилоятида жамоат

тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатдан янги босқичига ўтиш, шунингдек, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг куч ва воситаларини назорат қилиш ва бошқаришнинг самарали тизимини жорий этишда муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, мазкур қарорга мувофиқ, Тошкент вилояти ички ишлар органлари жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш бўлинмалари кундалик хизмат ўташлари бевосита минтақалар бўйича тақсимланади; минтақавий ҳудудлар раҳбарларига патруль-пост хизмати нарядларининг кундалик жойлашувини белгилаш ҳуқуки берилди; Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар органлари патруль-пост хизмати бўлинмаларининг сержантлар таркиби лавозимларига номзодларни фақат олий маълумотга эга ёки сиртқи шаклда ўқиётган шахслар ҳисобидан жамлаш тартиби жорий этилди; 2022 йил 1 январга қадар минтақалар ҳудудларида тўлиқ мото ва автопатруллик қилишга ўтиш мақсадида Тошкент вилояти ички ишлар органлари патруль-пост хизматини босқичма-босқич скутер ва енгил транспорт воситалари билан таъминлаш белгиланди; Тошкент вилояти туман (шаҳар)ларида Миллий гвардия ва ички ишлар органларининг жамоат тартибини таъминлаш кучлари таркибида биргаликда патруллик хизматини ўташ тартиби жорий қилинди.

Шуни таъкидлаш керакки, ўтган йиллар давомида республикамизда ички ишлар органларининг оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш давомида жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш фаолиятини ҳуқуқий таъминловчи муайян ҳуқуқий база ҳам шаклланди. Хусусан, Узбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон

Республикаси ҳудудида ижтимоий-сиёсий ва оммавий-маданий тадбирлар ўтказилиши даврида хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2013 йил 2 декабрь) қарори билан жойларда ижтимоий-сиёсий ва оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашга доир ижтимоий-хуқуқий муносабатлар мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 205-сон (2014 йил 29 июль) қарори оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириди, уларни ўткази shadedда фуқаролар хавфсизлигини ва жамоат тартибини сақлаш чора-тадбирларини кучайтириди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “биз бугун ҳалқчил ва демократик тамоилларга асосланган янги Ўзбекистон давлатини, эркин фуқаролик жамиятини барпо этмоқдамиз. Шу мақсадда, аввало, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга энг муҳим вазифа сифатида устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Бугун дунёда ва миңтақамизда, чегараларимизда кескинлик, турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда бу масаланинг қандай бекиёс аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз” [6].

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида давлат, жамият ва шахс хавфсизлигини таъминлаш тизимида кенг кўламли демократик ислоҳотлар изчил давом этирилмоқда. Демократиянинг асосий талаби бўлган инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, сўз ва виждан эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг куйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга кўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон (2021 йил 26 март) Фармони қабул қилинди.

Фармонга биноан ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмилари сифатида қуидагилар белгиланди:

Биринчидан, ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичмабосқич ташкил этилиши белгиланди. Унга мувофиқ, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканни ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қуийи бўғини хисобланиб, унинг негизида ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари, Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолиятини ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юклатилди;

Иккинчидан, Ички ишлар вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш орқали ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳавий хизмат-

лари фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида, Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Хуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси, Йўл харакати хавфсизлиги бош бошқармаси, Пробация хизматини ўз ичига оладиган Жамоат хавфсизлиги департаменти ташкил этилди;

учинчидан, худудий ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти тузилмалари ва раҳбар лавозимларини мақбуллаштириш орқали мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида, айрим раҳбарлик лавозимларининг тугатилиши ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ички ишлар органлари бошлиқларининг ўринбосари – Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи лавозими жорий этилди ва патруль-пост ҳамда йўл-патруль хизмати бўлинмалари фаолиятини, шунингдек, маҳаллалар ва жамоат жойларида манзилли профилактик тадбирлар ўтказилишини мувофиқлаштириш, муқаддам судланган ва пробация ҳисобига олинган шахслар билан ишлаш ҳамда ички ишлар органларининг тунгихизматини ташкил этиш унинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Шунингдек, ушбу Фармон билан ички ишлар органлари тизимини янада такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди. Унга мувофиқ қуидагиларни назарда тутувчи жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш белгиланди: Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш; патруль-пост ва йўл-патруль хизматлари, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва пробация хизматлари бўлинмаларининг ўзаро ҳамкорликда ишлаши бўйича янги механизmlарни

белгилаш; Миллий гвардия бўлинмаларининг жамоат тартибини сақлаш тизимидағи ваколатлари ва шахсий жавобгарлигини белгилаш; пробация назоратидаги шахсларнинг хулқатворини кунлик назорат қилишда профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик механизмларини жорий этган ҳолда пробация бўлинмаларининг фаолияти самарадорлигини ошириш.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўрнатилаётган янги механизmlарнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда ички ишлар органларининг роли ва масъулиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон (2021 йил 2 апрель) қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида қуидагиларни назарда тутувчи янги бошқарув тизими жорий этилди: биринчидан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ушбу худудлардаги ички ишлар ва бошқа ваколатли органларнинг мавжуд куч ва воситаларини ягона “пойтахт минтақаси” тамоилии асосида сафарбар қилган ҳолда ҳамкорликда амалга оширилиши белгиланди; икkinchidan, Тошкент шаҳридаги патруль-пост хизмати батальонлари Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг бевосита бўйсунувидан чиқарилиб, тўғридан-тўғри туман ички ишлар органлари таркибига ўтказилади ва уларнинг кунлик хизмати маҳаллалар кесимида йўлга кўйилди; учинчидан, жамоат тартибини оммавий бузиш

билин боғлиқ ҳолатлар юзага келгандан пойтахтдаги барча ички ишлар органлари фаолиятини, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органлари ва жамоат тузилмалари куч ва воситаларининг ягона тезкор бошқаруви Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси зиммасига, умумий бошқаруви ички ишлар вазири зиммасига юклатилди.

Ягона “Пойтахт минтақаси” тамойили асосида ишларни самарали ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари бошлиқларининг ҳамраислигида Жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи қенгаш ташкил этилди. Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Миллий гвардия бошқармаларининг бошлиқлари мазкур Қенгаш раисининг ўринбосарлари ҳисобланди. Қенгаш йиғилишлари ҳар ойда камида бир маротаба ўтказилиши ҳамда унда пойтахт минтақасида криминоген ва ижтимоий вазиятни таҳдил қилиш натижасида аниқланган муаммоларни ўзаро ҳамкорликда ҳал этиш бўйича манзилли чоралар аниқланиши белгиланди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳузурида Ягона тезкор бошқарув маркази ташкил этилиб, унга қўйидагилар асосий вазифалари этиб белгиланди: биринчидан, пойтахт ҳудудида криминоген ва ижтимоий вазиятни узлуксиз мониторинг қилиш, жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган ички ишлар органлари, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг тегишли куч ва воситаларини бошқариш; иккинчидан, жиноятлар, ҳодисалар ва фавқулодда ҳолатлар ҳақидаги хабарларга тезкорлик билан муносабат билдириш, жамоат тартибини оммавий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юзага келгандан ваколатли идораларнинг ҳаракатларини марказлашган ҳолда мувофиқлаштириш.

Мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигига бўлган ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини илғор ҳалқаро стандартлар асосида ташкил этиш, шунингдек, замон талабларидан келиб чиқиб, ушбу соҳадаги бўлинмаларининг кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5077-сон (2021 йил 15 апрель) қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети этиб қайта ташкил этилди.

Университетда Ички ишлар вазирлиги учун – жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасининг тегишинча жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва паспорт тизими талабларини амалга ошириш йўналишларида малакали кадрларни мақсадли тайёрлаш йўлга кўйилди. Шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятни самарали ташкил этишга қодир бўлган малакали мутахассисларни тегишли ихтисослик ва хуқуқшунослик йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиш ҳамда уларни жанговар ва жисмоний тайёргарликдан ўтказиш орқали мақсадли тайёрлаш Университетнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган давр ичидаги жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ва тизимли ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Бугунги кунда

2017 йилга нисбатан жиноятлар сони 12 мингга камайгани, жорий йилнинг олти ойи якунига кўра эса, мавжуд 9 минг 251 та маҳалладан қарийб 50 фоизида биронта ҳам жиноятга йўл кўйилмаганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу албатта ислоҳотларимизнинг ижобий самарасидан далолат беради ва бу ишларимизни изчил давом эттиришни тақозо этади [6].

Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув даврида янгидан-янги таҳдид ва хавфхатарлар пайдо бўлмоқда, жиноятларни содир этиш усул ва воситалари, мақсадлари ўзгариб бормоқда. “Кўрилаётган чоралар натижасида фуқароларимиздаadolat ва қонун устуворлигига ишонч пайдо бўлмоқда. Лекин хотиржамликка берилишга ҳеч кимнинг ҳаки йўқ, ҳали олдимиизда қилинадиган ишлар кўп” [7]. Шу маънода айтиш мумкинки, эришилган ютуқлар билан бирга ҳали жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш борасида ўз ечимини кутаётган муҳим масалалар ҳам мавжуд.

Юқорида келтирилганларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини самарадорлигини янада ошириш кўп жиҳатдан таҳлил этилаётган соҳанинг хуқуқий, ташкилий-тактик ва моддий-техник таъминотига оид асосларига бевосита боғлиқ. Бизнингча, ушбу соҳада амалиётда учраётган мазкур учта йўналишдаги муаммо ва камчиликларни ҳал этиш фаолият самарадорлигини оширишга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини хуқуқий тартибга солишга доир муаммоларнинг ечими соҳани такомиллаштириш борасидаги энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўрганиш ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг хуқуқий асослари ҳисобланган қонунлар ушбу соҳани бевосита тартибга солишга хизмат қилмасдан, балки бу борадаги айrim ижтимоий-хуқуқий муносабатларни тартибга солиш билан чекланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида эса мазкур фаолиятнинг умумий қоидалари, асосий йўналишлари ва устувор вазифалари ҳамда субъектларнинг хуқуқий ҳолати белгиланган. Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашга доир ички ишлар органлари фаолиятининг механизми эса Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг идоравий меъёрий-хуқуқий хужжатлари билан белгиланган.

Фаолиятнинг такомиллашуви у амал қиласидаги муҳитдаги қонунчиликнинг такомиллашув даражаси билан узвий боғлиқлигини инобатга олган ҳолда, ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг хуқуқий асосларини такомиллаштириш, ҳусусан ҳозирги кунда соҳани тартибга солаётган қонуности норматив-хуқуқий хужжатлари ўрнига мукаммал қонунларни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасини қонун билан хуқуқий тартибга солиш бўйича хориж тажрибасининг таҳлили Италиядада “Жамоат тартибини сақлаш қоидалари тўғрисида”ги қонун 1975 йилда [8], Буюк Британияядада “Жамоат тартиби тўғрисида”ги қонун 1986 йилда [9], Шимолий Ирландияда “Жамоат тартиби тўғрисида”ги қонун 1987 йилда [10], Зимбабведа “Жамоат тартиби ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун 2002 йилда [11], Финляндияда “Жамоат тартиби тўғрисида”ги қонун 2003 йилда

[12], Сингапурда “Жамоат тартиби ва хавфсизлиги тұғрисида” ги қонун 2012 йилда ва Испанияда “Жамоат хавфсизлиги тұғрисида” ги қонун 2014 йилда қабул қилинганини күрсатади.

Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ташкилий-тактик асосларига оид муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, соҳанинг ташкилий-тактик бошқарув фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, фаолиятни самарали ташкил этишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Хусусан, бу борда ҳар бир худуднинг ўзига хос хусусиятларини, жумладан, жўғрофий жойлашуви, аҳолиси, ижтимоий-иктисодий ривожланиши, маданий, давлат аҳамиятига эга ва бошқа хизмат кўрсатиши объектларининг мавжудлиги, жиноятчиликнинг кўрсаткичлари, содир этиш шакл ва усулларини инобатга олган ҳолда, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳар бир худуднинг ўз моделини яратиш ва уни зарурий компьютер-таҳлил дастурий тизимлар билан таъминланиши, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашнинг куч ва воситаларини самарали тақсимлаш, уларни манёвр қилиш, хусусан қўшимча патруллик кучлари талаб қилинадиган жойларни аниқлашда жиноят ва ҳуқуқбузарликларни олдиндан башорат қилиш имкониятини беради. Бинобарин, рус ҳуқуқшунос олим А.Федченко таъкидлаганидек, АҚШ ва Европанинг кўплаб мамлакатларида бундай жараёнлар нафақат бўлинмалар, балки тизим миқёсида максимал даражада компьютерлаштирилган. Ушбу компьютерлаштирилган тизим фаолиятни, айниқса, йирик шаҳарларда, самарали иш олиб боришининг зарурий шарти ҳисобланади, чунки бу – хизмат кўрсатиш жой хусусиятини, ҳуқуқбузарликларнинг

интенсивлигини талаб даражасида аниқлаш, кучлар ва воситалардан самарали фойдаланиш имконини беради [13].

Ички ишлар органлари жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг моддий-техник таъминоти билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш, соҳанинг моддий-техник базасини замон талаблари асосида такомиллаштириш бевосита ушбу соҳадаги ишларнинг самарали ташкил этилишида муҳим роль ўйнайди. Зеро, соҳага оид қатор ўзгаришлар киритишида, авваламбор, кўча ва жамоат жойларидаги хизматнинг замонавий моддий-техник базасини чет элдаги илгор тажрибадан келиб чиқиб, такомиллаштириш талаб этилмоқда [14; 334-б.].

Бу борада аксарият ривожланган хориж давлатларининг сўнгги йилларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш кучларини моддий-техник мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга оид олиб борилаётган чора-тадбирларининг таҳлили, ушбу давлатларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш кучларини доимий такомиллаштириб борилишига катта эътибор қаратилганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, ҳозирда АҚШ, Германия, Италия, Бирлашган Араб Амирлиги ва Саудия Арабистони каби давлатларда жамоат тартибини сақлашда полиция ходимлари патруллик қилиш учун “Porsche”, “BMW”, “Ferrari” каби автоконцернлар томонидан маҳсус (патруллик қилиш учун мўлжаллаб) ишлаб чиқарилган юқори тезликдаги қимматбаҳо спорт автомобиллари (sport-utility vehicles – SUVs)дан ҳам фойдаланадилар [15].

Шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлик таъминлаш фаолиятига замонавий янги авлод техник воситалари “ақлли” кўзойнаклар (Хитой тажрибаси) [16], маҳсус дронлар (Франция тажрибаси) [17], қўриқлаш ва патруллик қилишда

фойдаланишга мүлжалланган полициячи роботлар (Дубай шаҳри тажрибаси)ни жорий этишга қаратылған тизимли чоратадбирлар амалға оширилаётгандығын күриш мүмкін [18].

Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига ва уларни бошқариш тизимиға замонавий янги авлод алоқа ва компьютер технологиялари, техник воситалар, қурилмалар, автомототранспорт воситаларини жалб этишга қаратылған тизимли ва изчил чоратадбирларни қуидаги йұналишларда амалға ошириш мақсадға мувофиқ: бириңчидан, патруль-пост ва йүл-патруль хизмати саф бўлинмаларини барча учун оммавий тарзда ишлаб чиқарилиб, кейин хизмат учун қайта мослаштирилған транспорт воситалари билан таъминлаш тизимидан махсус буюртма асосида, хусусан узоқ муддат давомида турли об-ҳаво шароитида тўхтовсиз патруллик қилишни кўзда тутган ҳолда кучайтирилған двигатель ва зарур замонавий тизимларга эга бўлган, хизматда фойдаланиш зарурати мавжуд асбоб ва ускуналар билан жиҳозланган, радио, сирена ва ёругликни бошқариш воситалари, манзиллар тизими (навигатор), уяли телефон, радар қурилмалари ва кўплаб маълумотлар базалари билан бевосита уланган мобил компьютер қурилмалари, бириңчи тиббий ёрдам ва тегишли детектор тўпламлари билан жиҳозланиб ишлаб чиқилған автотранспорт, мотоцикл ва велосипедлар билан таъминлаш тизимиға ўтиш чораларини күриш; иккинчидан, ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига замонавий янги авлод техник воситалари, хусусан, “ақлли” кўзойнаклар, махсус дронлар, кўриқлаш ва патруллик қилишда фойдаланишга мүлжалланган полициячи роботларни жорий этишга қаратылған тизимли чоратадбирларни амалға ошириш. Хусусан,

махсус дронлар, кўриқлаш ва патруллик қилишда фойдаланишга мүлжалланган полициячи роботларни хизматда қўллаш, тунги ёки куннинг айрим вақтларида шубҳали обьектлар ва кўчалардаги ҳаракатларни текшириш ҳамда патруль куч ва воситаларининг ҳаракати чекланган ҳудудларда патруллик хизматини самарали ташкил этиш имконини беради.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларга асосланган ҳолда шундай холосага келиш мүмкін: энг аввало, ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятида амалға оширилған ислоҳотлар, жамиятда тинчлик ва осойишталикни самарали таъминлаш, фуқароларнинг хуқук ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қолаверса давлат бошқаруви соҳасида ички ишлар органларининг роли ва мавқеининг юксалишига, фуқароларимизнинг тизимга нисбатан ишончи ва хурмати ошишига хизмат қилди; кейинги ўринда ёшларимизни маънавий таҳдидлардан асраш, уларнинг турли ёт ғоялар, диний ва мағкуравий ақидалар таъсирига берилишини олдини олиш, жамиятда зўравонлик ва радикал қараашларнинг тарқалишига чек қўйиш орқали мамлакатда ички хавфсизликни кафолатлаш муаммолари тобора муҳим аҳамият касб эттаётганды ҳозирги мураккаб шароитда бу борадаги ислоҳотларни изчил давом эттириш талаб этилади; ва ниҳоят аҳоли туар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш соҳасида дунёнинг ҳар бир давлатида, айниқса ривожланган мамлакатларда ўзига хос тажриба шаклланган бўлиб, уларнинг илгор ютуқлари, иш усуллари ва шаклларини ўрганиш асосида, миллий қонунчилигимиз ва уни қўллаш амалиётiga жорий этиб бориш ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда уларни бошқаришни такомиллаштиришга хизмат қиласи.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Забненков А.В., Масловская М.В. Охрана общественного порядка как вопрос местного значения // [Электрон манба]. – URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ohrana-obschestvennogo-poryadka-kak-vopros-mestnogo-znacheniya/> viewer (мурожаат вақти: 14.09.2021).
2. Егорова Н.Э., Кудинов О.Ф., Новичкова Е.Е. К вопросу о содержании, формах и методах организации охраны общественного порядка (на материалах МВД по Республике Бурятия) // Вестник Восточно-Сибирского института Министерства внутренних дел России. – 2015. – № 2 (73). – С. 36-43.
3. Мирзиёев Ш.М. Куролли кучларимиз – мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг мустаҳкам кафолатидир // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Ж. 2. – Т., 2018. – Б. 156.
4. Исмаилов И., Мухамедов Ў.Х., Зиёдуллаев М.З. ва бошқ. Ички ишлар идораларидағи ислоҳотлар – тинчлик ва осойишталиқ гарови: Монография / Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т., 2014. – 272 б.
5. Исмаилов И. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни – тинчлик ва осойишталиқни таъминлаш гарови // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2016. – № 4. – Б. 20–24.
6. Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз мустақиллиги – биз учун куч-кудрат ва илҳом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишиланган тантанали маросимдаги нутқи / [Электрон манба]. – URL: <https://president.uz/uz/lists/view/4596> (мурожаат вақти: 04.09.2021).
7. Мирзиёев Ш.М. Қонун устувор, адолат барқарор бўлса, жиноятчиликка ўрин қолмайди // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 10 январь куни мамлакатимиз тинчлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги келгуси вазифаларга бағишиланган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2019. – 10 янв.
8. “Disposizioni a tutela dell’ordine pubblico”. Legge Italiana. (Италияниң “Жамоат тартибини сақлаш қоидалари тўғрисида”ги қонуни) 22 maggio 1975, n. 152. Consolidato 2019 // [Электрон манба]. – URL: <https://www.certifico.com/component/attachments/download/13804> (мурожаат вақти: 07.06.2020).
9. “Public Order Act” UK (Буюк Британияниң “Жамоат тартиби тўғрисида”ги қонуни) 1986. [Электрон манба]. – URL: <https://www.legislation.gov.uk> (мурожаат вақти: 07.06.2020).
10. “The Public Order” Northern Ireland (Шимолий Ирландияниң “Жамоат тартиби тўғрисида”ги қонуни) 1987. [Электрон манба]. – URL: <http://www.legislation.gov.uk/nisi/1987/463/contents> (мурожаат вақти: 07.06.2020).
11. “Public Order and Security Act” (POSA) Zimbabwe (Зимбабвенинг “Жамоат тартиби ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни) 2002. [Электрон манба]. – URL: https://web.archive.org/web/20071110022548/http://www.kubatana.net/html/archive/legisl/020122posa.asp?sector=LEGISL&year=0&range_start=1 (мурожаат вақти: 07.06.2020).
12. Suomessa “Järjestyslaki”. (Финландияниң “Жамоат тартиби тўғрисида”ги қонуни) 2003. [Электрон манба]. – URL: <https://www.finlex.fi/fi/laki/ajantasa/2003/20030612#L1> (мурожаат вақти: 07.06.2020).
13. Федченко А. Организация деятельности патрульной службы полиции зарубежных стран по сравнению с работой милиции Украины // Наукова бібліотека України. [Электрон манба]. – URL: <http://www.info-library.com.ua/libs/stattya6399-organizatsija-dijalnosti-patrulnoyi-sluzhbi-politsiyi-zarubizhnih-krayin-porivnjano-z-robotoju-militsiyi-ukrayini.html> (мурожаат вақти: 15.06.2019).
14. Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг хуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинмоғи зарур // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж. 1. – Т., 2017. – Б. 592.
15. Michael Parker Banton, William Francis Walsh, Jean-Paul Brodeur Uilyam Frensis Uolsh. Methods

of crowd policing // [Электрон манба]. – URL: <https://www.britannica.com/topic/police/Methods-of-crowd-policing> (мурожаат вақти: 20.05.2020).

16. Chinese Police Add Facial-Recognition Glasses to Surveillance Arsenal // [Электрон манба]. – URL: <https://www.wsj.com/articles/chinese-police-go-robocop-with-facial-recognition-glasses-1518004353?mod=e2tw> (мурожаат вақти: 08.05.2020).

17. Беспилотники для воздушного наблюдения уже есть во французской полиции// [Электрон манба]. – URL: <https://naked-science.ru/article/nakedscience/policiya-budushchego> (мурожаат вақти: 16.06.2020).

18. Полиция будущего: расследование и предотвращение преступлений. “NAKED science” расмий веб-сайти // [Электрон манба]. – URL: <https://naked-science.ru/article/nakedscience/policiya-budushchego> (мурожаат вақти: 16.06.2020).

З. Р. Рұзиев,
юридик фанлари доктори, профессор

“ОБОД ВА ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА” ТАМОЙИЛИНИ ТҮЛАҚОНЛИ ЖОРİЙ ЭТИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Аннотация. Мақолада сүнгги йилларда ақоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бүйіча “маҳалла-сектор-Халқ қабулхонаси-маҳалла” тамойили асосида самарали ҳамкорлик тизимини жорий этиш, маҳаллани халқ билан давлат үртасида ишончли “күпrik” бўлишини амалда таъминлаш, оила ва хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги баён этилган.

Таянч сўзлар: Халқ қабулхонаси, маҳалла, сектор, хавфсиз маҳалла, фуқаролар йигини, маҳалла институти.

Аннотация. В статье говорится о важности внедрения системы выявления и решения проблем населения на основе эффективного сотрудничества по принципу “махалля-сектор-Народная приёмная-махалля”, практического обеспечения махалли как надёжного “моста” между народом и государством, осуществления комплексных мероприятий по поддержке семьи и женщин.

Ключевые слова: Народная приёмная, махалля, сектор, безопасная махалля, сход граждан, институт махалли.

Annotation. The article talks about the importance of introducing a system for identifying and solving problems of the population on the basis of effective cooperation on the principle of “mahalla-sector-People’s reception-mahalla”, practical provision of mahalla as a reliable “bridge” between the people and the state, implementation of comprehensive measures to support families and women.

Keywords: People’s reception, mahalla, sector, safe mahalla, gathering of citizens, mahalla institute.

Мамлакатимизда сүнгги йилларда ақоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бүйіча “маҳалла – сектор – Халқ қабулхонаси – маҳалла” тамойили асосида самарали ҳамкорлик тизимини жорий этиш, маҳаллани халқ билан давлат үртасида ишончли “күпrik” бўлишини амалда таъминлаш, оила ва хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада, ҳар бир маҳаллада “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган янги тизим жорий этилди. Бу тизим орқали, жамият ва оиласида соглом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тутувлик ва осойишталыкни таъминлашнинг ташкилий-хуқуқий механизmlари тубдан ислоҳ қилинди.

Шунингдек, маҳалла институтининг ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан узлуксиз, тизимли ҳамкорлиги йўлга қўйилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторларининг роли ва мавқеини янада ошириш, мустақиллиги ҳамда ваколатларининг амалий самарадорлигини таъминлашга эришилди.

Энг асосийси ҳар бир маҳаллада фуқаролар йигини раисининг хуқуқтартибот масалалари бүйіча ўринбосари лавозими жорий этилиб, мазкур вазифани бажариш профилактика катта инспектори, ушбу лавозим мавжуд бўлмаган тақдирда профилактика инспектори зиммасига юклатилди.

Бундан ташқари, профилактика инспекторлари 5 йил муддатта лавозимга тайинланиши ҳамда уларни мазкур муддат давомида бошқа лавозимга ўтказиш тақиқланиши (юкори турувчи раҳбарлик лавозимга ўтказиш ёхуд қонун ёки ички тартиб қоидаларини бузганилиги учун жавобгарликка тортиш ҳолатлари бундан мустасно) ҳам белгилаб берилди.

Бу эса, ўз навбатида, маҳаллаларда аҳоли осойишталигини таъминлаш, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимиини янги даражага олиб чиқиш, нуронийлар ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришда муҳим роль йўнамокда.

Алоҳида таъкидлаш керакки, давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизлик ва давлат чегаралари дахлсизлиги ҳамда тинчликни таъминлаш, миллий манбаатларимизни ҳимоя қилиш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, мамлакатимиз мудофаси ва хавфсизлигини таъминловчи органлар томонидан амалга оширилади.

Аммо жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда долзарб масалаларни ҳал этиш, мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти ва уларнинг аралашувига таянмасдан, балки юзага келаётган бу каби муаммоларни ҳал этиб, бартараф қилишда маҳалла институтининг ролини ошириш ҳозирги кундаги мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги долзарб вазифалардан биридир.

Шундай экан юқоридаги фикрлардан келиб чиқкан ҳолда, биз маҳалла институтининг: биринчидан, жамоат тартибини сақлаш; иккинчидан, мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги иштирокини илмий таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз.

Маҳалла институтининг жамоат тартибини сақлаш соҳасидаги иштироки. Узбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги” қонунига биноан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида кенг ваколатларга эга.

Жумладан, улар рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг олдини олиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик юзасидан чора-тадбирларни кўриш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш, шунингдек, тегишли ҳудудда жамоат тартиби хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан фуқароларнинг келиши, кетишини ҳисобга олишни ташкил этиш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишлар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади.

Кўриниб турганидек, жамоат тартибини сақлаш масаласи маҳалла институтининг асосий вазифаларидан бири бўлганлиги боис, аввало, ушбу тушунчанинг мазмун-моҳиятига аниқлик киритиш лозим. Хусусан, рус олимлари Е.Г. Анимица ва А.Т. Тертышныйларнинг фикрига кўра, жамоат тартиби – бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишларида бир муҳит ҳисобланиб, аҳолининг ҳуқукий онг ва маданият даражаси эса жамоат тартибини доимий равишда бир текисда сақлаб туриш учун зарур бўлган ўзак.

Рус ҳуқуқшунос олимларидан О.Е. Кутафин ва В.И. Фадеевлар ҳам ушбу тушунчага юқоридагига ўхшаш таъриф

бериб, жамоат тартиби – жамиятда хуқуқий тартиботнинг таркибий қисми бўлиб, фуқаронинг яшаш фаолиятидаги хуқуқий асосларнинг муҳим элементи ҳисобланади, дея фикр билдиришади.

Миллий хуқуқшунос олимларимиздан Х.Р. Алимов эса жамоат тартиби бу – хуқуқий, маънавий нормалар ила ахлоқ, одоб, урф-одат қоидалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тизимиmdir, дебтаърифласа, М.И.Сувонқулов ушбу тушунчага қисқа қилиб, бу умумдавлат функцияси ҳисобланиб, ўзида Ўзбекистон Республикасида қонунийликни таъминлаш ва хуқуқий тартиботни ўрнатишни акс эттиради, деб тушунтиради.

Ушбу олимлардан фарқли равища жамоат тартибининг мухтасар таърифи М.З. Зиёдулаев томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, “жамоат тартиби – бу фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, жамоат хавфсизлиги, корхона, муассаса, ташкилотлар, жамоат ташкилотларининг нормал фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун тўлиқ шароит яратиш, уларнинг шаъни, қадр-қимматини ҳамда умумахлоқий қадриятларни ҳурмат қилишга йўналтирилган хуқуқий ва ижтимоий меъёрлар асосида жамоат жойларида юзага келадиган ва ривожланадиган ижтимоий муносабатлар тизими”.

Ўз навбатида, биз ҳам ушбу таърифга кўшилган ҳолда жамоат тартиби, авваламбор, жисмоний шахсларнинг хавфсизлиги, хуқуқ, шаън, қадр-қимматини ва юридик шахсларнинг нормал фаолият кўрсатишини таъминлашга оид хуқуқ нормалари билан таъминланган хуқуқий чора-тадбирлар тизими билан боғлиқ, деган холосага келишимиз мумкин.

Таъкидлаш керакки, жамоат тартиби бевосита хукуқ-тартибот тушунчаси билан ўзаро уйғундир. Улар, ўз навбатида, тегишли давлат органлари ва маҳалла институтлари томонидан таъминланади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 7-моддасига аҳамият берадиган бўлсак, унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органдарига маъмурий хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, фуқароларнинг онгли, интизомли бўлиш, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдаги иштироки ҳам берилганлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари, маҳалла институти муҳокама этилаётган масала тизимида хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳам муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддасига биноан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

биринчидан, хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари, худудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этиш;

иккинчидан, хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

учинчидан, тегишли худудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетиши ҳисобга олинишини ташкил этиш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларда хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиш;

тўртинчидан, рўйхатдан ўтказилмаган диний ташкилотлар фаолиятига чек қўйиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбурлаб сингдиришга йўл қўймаслик чора-

тадбирларини кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш;

бешинчидан, ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари билан биргаликда “Маҳалла пособони” жамоатчилик тузилмаси аъзолари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

олтинчидан, яраштириш комиссиялари ва бошқа комиссияларни тузиш;

еттинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш каби ваколатлари белгилаб берилган.

Маҳалла институтининг мудофани таъминлаш соҳасидаги ваколатлари. Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини химоя қилишни таъминлашда ваколатли органлар билан бир қаторда, маҳалла институтига ҳам маълум бир ваколатлар юклатилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги” қонуни 13-моддасига биноан, фуқаролар йиғини Кенгаши фуқароларни фуқаро муҳофазасига доир тадбирларни ўтказишга жалб этиш, ҳарбий хизматга мажбуrlар ва чақирилувчиларни хабардор қилиш ҳамда мудофаа ишлари бўлимларига чақиришни ташкил қилишга кўмаклашиш, фуқаролар йиғинларида уларнинг шахсий-бирламчи ҳисоби юритилишини таъминлаш, мудофаа ишлари бўлими билан келишган ҳолда ҳарбий ҳисобни юритиш бўйича ходимни тасдиқлаш ваколатига эга.

Ўз навбатида, маҳалла институтининг мудофаа соҳасидаги ваколатлари миллий қонунчилигимизда маҳсус қонунлар билан ҳам тартибга солиниб келинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги қонуни 15-моддасига биноан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

биринчидан, ҳарбий хизматга мажбур ва чақирилувчиларни хабардор этиш ва мудофаа ишлари бўлимларига чақиришни ташкил этишда кўмаклашиш;

иккинчидан, шаҳарчалар, қишлоқлар ва огулларда ҳарбий хизматга мажбуrlар ва чақирилувчиларни бирламчи шахсий ҳисобга олиш ишини юритиш, шунингдек, фуқароларнинг маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катнашиш;

учинчидан, фуқаро муҳофазаси ва ҳудудий мудофаа тадбирларида катнашиш;

тўртинчидан, ўз мулкидаги бинолар, иншоотлар, транспорт ва алоқа воситалари ҳамда бошқа мол-мулкларни уруш даврида мудофаа эҳтиёжлари учун қонунда белгиланган тартибда бериб туриш, қилинган харажатларнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда кейинчалик қопланиши каби ваколатлар юклатилган.

Шу ўринда “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунга ҳам аҳамият берадиган бўлсак, унда:

биринчидан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилиши;

иккинчидан, зиммасига ҳарбий хизматга мажбуrlар ва чақирилувчиларнинг рўйхатини юритиш вазифаси юклатилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланган муддатларда тегишли туман (шаҳар) мудофаа ишлари органларига чақириув участкаларида қайд этилиши лозим бўлган фуқароларнинг рўйхатини бериши;

учинчидан, ҳарбий хизматга мажбур ва чақирилувчиларнинг шахсий рўйхатга олиш тегишли органлар билан бир қаторда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳам амалга оширилиши;

тўртинчидан, қишлоқ жойларга борган ёки у ерлардан жўнаб кетаётган ҳарбий хизматга мажбур ва чақирилувчилар ҳарбий-ҳисоб хужжатларини тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топширишлари кераклиги;

бешинчидан, уй-жойдан фойдаланиш органлари раҳбарлари ҳамда уй эгалари ҳарбий рўйхатни юритиш вазифаси юқлатилган тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари талабига биноан уй дафтарлари, қайд этиш варақалари, ҳарбий хизматга мажбур ва чақирилувчиларга доир ҳарбий-ҳисоб ва бошқа хужжатларни тақдим этишлари, шунингдек, ҳарбий хизматга мажбур ва чақирилувчиларнинг мудофаа ишлари органларига чақирилганидан хабардор этишлари шартлигига оид масалалар мустаҳкамланганлигини кўриш мумкин.

Таъкидлаш керакки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мудофаани таъминлаш соҳасидаги ваколатлари тизимида бевосита давлат чегарасини кўриқлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

Чунончи, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги қонуннинг 37-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва кўриқлашда чегара кўшинлари, Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа кўшинлари, шунингдек, Давлат чегарасида назоратни амалга оширувчи давлат бошқарув органларига кўмаклашиши, уларга зарур ахборот тақдим этиши, давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва кўриқлашда фуқаролар ихтиёрий асосда иштирок этишлари учун шароит яратиши лозимлиги ифодаланган.

Маҳалла институтининг хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги иштироки ҳам бекиёсdir. Мазкур йўналишда улар қўйидаги соҳаларда ўз фаолиятларини амалга оширадилар:

Маҳалла институти терроризмга қарши курашида ўз ваколатлари доирасида иштирок этади, устувор тарзда профилактика тадбирлари, шу жумладан терроризмни олдини олишга қаратилган тарбиявий, тарғибот ишларини амалга оширади. Зоро, жамиятимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичида турли оқимларга мансуб террорчиларга қарши кураш борасида ҳушёр туриш, аҳоли яшаш жойларида огоҳликни йўлга қўйиш ҳаёт тақозосидир.

Албатта, тегишли давлат органлари билан бир қаторда, ушбу муаммо айнан маҳалла институти кўмагида ҳам барта-раф этилиши кутилган ижобий натижаларни беради. Ва, бу бўйича маҳалла кучидан фойдаланиш айни муддаодир. Шу боис мазкур масалалар хорижий мутахассисларнинг ҳам диққат-эътиборини тортганлигини кўриш мумкин.

Хусусан, хорижий эксперт Л. Левитин: “Сўнгги вақтларда маҳалла мавзусида янги жиҳат пайдо бўлди. Ўзбекистон ҳокимияти ислом экстремизмига қарши умумхалқ қаршилигини уйғотиш билан бу кураш муваффақият келтириши мумкинлигини тушунмоқда. Ўзбек жамиятида буни маҳалласиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларни умумхалқ қўшиннинг полк ва дивизиялари, деб аташ мумкин”, дея фикр билдиради. Берилган ушбу таърифлардан ҳам кўриниб турибдик, ҳақиқатдан ҳам маҳалла терроризмга қарши кураш ва диний экстремизмни олдини олишда тегишли давлат органларининг муносиб кўмакчисидир.

Бунинг амалий исботи тариқасида, миллий қонунчилигимизга мурожаат қиласиган бўлсак, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддаси

биринчи қисмидә “Террорчиллик фаолиятининг олдини олиш давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан сиёсий, ижтимоий-иктисодий, ҳуқукий ва бошқа профилактик чоралар мажмуини ўтказиш орқали амалга оширилади”, – деда баён этилган. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломластириш, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда фуқаролар йиғини фаоллигини оширади.

Маҳалла институтининг одам савдосига қарши кураш соҳасидаги иштироки. Бугун дунёning кўплаб мамлакатлари тобора янгича шаклларда намоён бўлаётган одам савдоси муаммосига дуч келаяпти. Маълумотларга қараганда, ҳар иили ер юзида 4 миллиондан ортиқ катта ёшдагилар, 10 миллион бола қулликка гирифтор бўлмоқда. Йилда ўртача 2 миллионга яқин аёл мазкур жиноятнинг қурбонига айланмоқда. Уюшган жиноий гурухлар одам савдосидан 32 миллиард АҚШ доллари микдорида даромад топмоқда.

Кўриб турганимиздек, ушбу соҳадаги жиноятчилик ўргимчак тўри каби дунёning барча минтақасида кенгайиб бормоқда.

Шундай экан трансмиллий хусусият касб этаётган мазкур оғатга барҳам бериш нафақат тегишли давлат органлари, балки маҳалла институтини олдида ҳам турган муҳим вазифалардан биридир. Зеро, улар ўз ваколатлари доирасида одам савдосига қарши кураш тадбирларида иштирок этади. Бу борада профилактик тадбирлар, шу жумладан одам савдосига қарши курашиш ва уни олдини олишга қаратилган тарбиявий, тарғибот ишларини амалга оширади.

Бунинг ҳуқуқий асоси сифатида миллий қонунчилигимизга мурожаат қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Респуб-

ликасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунида бевосита тегишли ташкилотлар билан бир қаторда, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳам одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиши ҳамда зарур ёрдам кўрсатиши мустаҳкамланганлигини кўриш мумкин.

Маҳалла институтининг фуқаро муҳофазаси, аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги иштироки. Инсон ва фуқаронинг хавфсизлиги, унинг ҳаёти ва жисмоний дахлсизлигини таъминлашга қаратилган маҳаллий аҳамиятга молик муҳим масалалардан бири фуқаро муҳофазаси, аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген характердаги фавқулодда вазиятлардан химоя қилиш, шунингдек, аҳоли пункти чегараларида фавқулодда вазиятларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш ҳисобланади.

Шу боис Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги” қонунининг 13-моддасида фуқаролар йиғини кенгашининг фуқароларни фуқаро муҳофазасига доир тадбирларни ўтказишга жалб этишга кўмаклашишига оид ваколати ҳам ифодаланганлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги қонуни 12-моддаси “Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги иштироки” деб номланиб, унга кўра фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

а) фуқароларнинг замонавий қирғин воситалари қўлланилган пайтдаги ҳимояланиш усувларига ўргатилишига кўмаклашадилар;

б) ҳарбий ҳаракатлар олиб борилиши билан боғлиқ ёки шу ҳаракатлар оқибатида хавфларнинг юзага келиши таҳдид этган тақдирда тегишли ҳудуддаги фуқаролар хабардор қилинишини ташкил этадилар;

в) аҳолининг ҳаёт фаолияти таъминланиши соҳасида тадбирлар тайёрланиши ва бажарилишини амалга оширадилар;

г) қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирларни амалга оширадилар.

Таъкидлаш жоизки, ушбу органларнинг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишдаги иштироки масалалари “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Унинг 12-моддасига кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудуд, сув таъминоти манбалари, уй-жойлар, таълим муассасаларининг санитария ва экологик ҳолати устидан назорат амалга оширилишига кўмаклашадилар, фуқароларни фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишга жалб қиласидилар ва қонунчиликка мувофиқ бошқа чораларни амалга оширадилар.

Табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларда аҳолининг тезкорлик билан ҳаракат қилиши, аҳолини огоҳлантириш ва унга тайёрлаш тизимининг ҳолатини янада тақомиллаштириш мақсадида 2011 йил 19 июлдаги Ҳукуматнинг 208-сонли қарори билан “Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастури” тасдиқланди.

Дастурнинг 3-бандига мувофиқ, фуқаролар йифини кенгаши ва “Маҳалла посбони” жамоат тузилма аъзоларининг зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) бирламчи авария-қутқариш ишларини ташкил этиш ва амалга оширишга ўқитиш ва тайёрлаш, шунингдек, уларни зарур техник

воситалар билан таъминлаш, Дастурнинг 13-бандига асосан эса маҳаллаларда “Зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда аҳолининг ўз вақтида ва мутаносиб ҳаракат қилиши” мавзусида кўргазмали машқ ва тактик-максус машқларни ташкил этиш ва ўтказиш белгиланди.

Маҳалла институтининг қутқарув хизматлари ва тузилмалари билан ўз фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги иштироки. Маҳаллий аҳамиятга молик яна бир масаланинг ҳал этилиши – аҳоли пункти ҳудудларида авария-қутқарув хизматлари ва авария-қутқарув қисмларининг ташкил этилиши, таъминотининг йўлга қўйилишидир. Бу эса аҳолининг фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш борасидаги фаолият билан узвий боғлиқ.

Бундай хизматларнинг фаолият юритиши фавқулодда вазиятлар юз берганда одамларни қутқариш ҳамда улар учун хос бўлган салбий омилларни бартараф этиш ёки таъсирини камайтиришга қаратилгандир. Бу фаолият ана шу ишларни бажараётган одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳавф солувчи омиллар мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Хозирги кунда биргина Тошкент шаҳрини оладиган бўлсак, шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан “Пойтахт ҳудудидаги мавжуд очиқ ва ёпиқ сув ҳавзаларида фуқароларнинг чўмилиш жараёнида ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар” режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги маҳаллалар ҳудудидан оқиб ўтувчи дарё, канал ва анҳорлар, кўриқланмайдиган ёки қаровсиз қолдирилган сув ҳавзаларида пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар томонидан чўмилиш доимий одат бўлиб қолган жойларни аниқлаш, инвентаризациядан ўтказиш, келгусида чўкиш билан боғлиқ баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш

мақсадида навбатчилик, қўриқлаш, кузатув ва назорат постлари ташкил этиш, илгари чўкиш билан боғлиқ баҳтсиз ҳодисалар юз берган ҳудудлар, аҳолига аниқ кўринадиган жойларга тақиқловчи белгилар тайёрланиб, мустаҳкам ўрнатилган. Ушбу чора-тадбирлар ҳам, ўз навбатида, ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикасининг “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги қонуни 18-моддаси биринчи қисмига кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларига фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини бажаришда ёрдам кўрсатиши, шу жумладан кейинчалик ўрни белгиланган тартибда қопланиши шарти билан уларга зарур транспорт ва моддий воситаларни тақдим этиши шартлиги мустаҳкамланган.

Бундан ташқари, мазкур қонуннинг 27-моддаси еттинчи қисми, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қарорларига биноан қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларнинг қутқарувчилари, шунингдек, бу хизмат ва тузилмаларнинг таркибиға кирмайдиган қутқарувчиларни ижтимоий муҳофаза қилишининг қўшимча кафолатлари белгиланиши мумкинлиги ҳам назарда тутилган.

Ушбу ваколатларнинг қонунларда мустаҳкамланиши, ўз навбатида, фавқулодда вазиятлар зонасида одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мол-мулкини, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва уларга хос бўлган хавфли омиллар таъсирини йўқотиш ёки имкон қадар камайтириш хизмат қилади.

Маҳалла институтинынг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари. Ўзбекистон Респуб-

ликасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги” қонунинг 13-моддасига кўра, фуқаролар йиғини кенгаши ёнғинга қарши хавфсизлик талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда тегишли давлат органларига кўмаклашиш ваколатига эгадир.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунга ҳам назар ташлайдиган бўлсак, айнан маҳалла институтинынг иштирокига доир бир қатор нормалар акс этганлигини кўриш мумкин.

Хусусан, ушбу қонуннинг 4-моддасига кўра, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизими субъектлари қаторига айнан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам киритилган. Бу эса, ўз навбатида, тегишли ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг, бу ерда жойлашган юридик шахсларнинг мол-мулки, шунингдек, атроф табиий муҳитнинг ёнғинлардан ҳимоялаш соҳасида ҳам иштироки кенглигидан далолат беради.

Шунингдек, муҳокама қилаётган қонунимизнинг 9-моддасига кўра, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки қуидагиларда намоён бўлади:

а) кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматининг ташкил этилишига ва фаолиятига кўмаклашиш;

б) ёнғин назоратининг амалга оширилишига кўмаклашиш;

в) ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши устидан жамоат назоратини амалга ошириш ва бошқа шу каби тадбирларда ҳам ўз ваколатларига эга.

Мазкур қонуннинг 18-моддасига биноан ёнғинга қарши тарғиботни тегишли ташкилотлар билан бир қаторда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам ўтказиши белгиланган.

Фикримизча, маҳаллий аҳоли ўртасида ёнғинга қарши тарғиботни амалга оширишда халқ ўртасида ўз обрўсига эга бўлган маҳалла раиси ва унинг

маслаҳатчилари кўмагидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки газ ва электр энергиясини ёнгин хавфсизлиги қоидалари талабларига амал қилмаган ҳолда ишлатиш, иссиқхона, нонвойхона, хусусий ошхона, хонадон ва кварталларда газ мосламаларидан фойдаланишда резина шланглар орқали улаш, газ ва электр тармоқларидан ҳисоблагичларсиз, ноқонуний тарзда, ўзбошимчалик билан ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузиб, улаб фойдаланиш ҳолатлари асосан маҳаллий аҳоли истиқомат қилувчи маҳаллаларда юз беради. Маҳалла фаолларининг аралашувисиз мазкур муаммоларни бартараф этиш амри маҳоддир. Зотан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёнгин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан фуқаролар йиғини ҳудудида муайян масканда қабул қилган қарорлари ҳақида аҳолини хабардор қилиши шарт.

Маҳалла институтининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги иштироки. Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунни 11-моддасига кўра, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича:

а) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳсус ваколатли давлат органларида йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш ҳамда норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар кириш;

б) йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича тадбирларда иштирок этиш;

в) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги қарорлар ишлаб чиқилишида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида иштирок этишга ҳақлидирлар.

Фикримизча, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ҳам фаол иштирок этишлари лозим. Бироқ амалиётда баъзи маҳалла раислари айнан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида иштирок этишлари мумкинлигидан бехабарлар. Шу сабабли уларнинг бу соҳадаги иштирокини ваколат сифатида баҳолаб, қонунга “маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, маҳсус ваколатли давлат органларида йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича тадбирларда, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги қарорлар ишлаб чиқилишида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида иштирок этади”, деган ваколатни киритиш мақсадга мувофиқ.

Кўриб турганимиздек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллаларда қонун устуворлигини таъминлаш ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларида иштироки ниҳоятда кенг. Юқорида биз бу борадаги айrim йўналишларини кўриб чиқишига ҳаракат қилдик.

Холоса ўрнида таъкидлаш керакки, маҳалла институтининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда аҳамияти катта. Шу жумладан, фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этиш, хотинқизлар хуқуқбузарлиги профилактикаси, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда хуқуқбузарликларга доир ишларда иштирок этади. Бу борда хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтирилиши жамиятда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилини тўлақонли жорий этишга хизмат қиласди.

У. Т. Мухамедов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Миграция ва фуқароликни расмийлаштириши
бош бошқармаси бошлиги, полковник;

Дж. Х. Юлдашев,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
докторанти, юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори (*PhD*), доцент

МИГРАЦИЯ ВА ФУҚАРОЛИКНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР: НАТИЖАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, хусусан, соҳага доир қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва уларни амалиётга татбиқ этиш орқали кўлга киритилган натижалар тадқиқ этилган ва мазкур йўналишнинг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш истиқболлари юзасидан таклиф ҳамда тавсиялар илгари сурилган.

Таянч сўзлар: миграция, фуқаролик, паспорт, доимий яшаш гувоҳномаси, паспорт тизими, прописка, доимий ёки вақтингчалик рўйхатдан ўтиш, виза, идентификацион карта.

Аннотация. В статье рассматриваются реформы нашей страны в сфере миграции и гражданства, в частности, проанализированы законодательные акты, принятые в данной сфере, достигнутые результаты, а также приведены предложения и рекомендации по перспективам совершенствования организационно-правовых основ в этом направлении.

Ключевые слова: миграция, гражданство, паспорт, постоянный вид на жительство, паспортная система, прописка, постоянная или временная регистрация, виза, идентификационная карта.

Annotation. The article examines the reforms in the field of migration and registration of citizenship in the country, especially, the legislation in this area and the results achieved through their implementation, as well as proposals and recommendations for improving the organizational and legal framework in this area.

Keywords: migration, citizenship, passport, permanent residence permit, passport system, permanent or temporary registration, visa, identification card.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасининг ташкилий-хуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Мазкур соҳадаги ислоҳотларнинг моҳияти ҳамда натижаларини чукур тадқиқ этиш – шахснинг эркин кўчигб юриши, яшаш учун турар жойи танлаши ҳамда чет элга чиқишига доир хуқуқларининг кафолатланиш даражасини билиш, бу борадаги фаолиятни ташкил этишда юзага келган муаммо, камчиликларни

аниқлаш орқали келгусида бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан тавсиялар бериш имконини беради.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда миграция жараёнлари анча жадаллашганини кўриш мумкин. Бу бир қатор, жумладан ижтимоий, иқтисодий ва бошқа омиллар билан бевосита боғлиқдир. Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2015 йилда – 139.280, 2016 йилда – 141.548, 2017 йилда – 157.149, 2018 йилда – 160.103, 2019 йилда – 158.861, 2020 йилда – 1105 нафар шахс Ўзбекистонга кўчигб келган бўлса,

мамлакатдан кетувчилар улушида ҳам жиддий ўзгариш кузатилган. Жумладан, 2015 йилда – 168.579, 2016 йилда – 167.796, 2017 йилда – 175.748, 2018 йилда – 174.832, 2019 йилда – 169.547, 2020 йилда – 13.611 нафар шахс мамлакатдан доимий яшаш учун чет элга кўчиб кетган [1]. Мазкур кўрсаткичлар мамлакатда ички ва ташқи миграция жараёнлари анча фаоллашиб, мигрантлар хукуқларини кафолатлашга бўлган эҳтиёж ошганлигини тасдиқлайди.

2017 йилдан ҳозирга қадар ушбу соҳадаги ислоҳотлар – Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармон (07.02.2017) асосида олиб борилмоқда. Ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини сифатли таҳлил қилиш учун уларни қуидаги уч асосий йўналишга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

1) шахснинг турар жой танлаш, доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтишга доир хукуқларини кафолатлаш;

2) шахснинг чет элга чиқиш ва Ўзбекистонга келишга доир хукуқларини кафолатлаш;

3) шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига доир хукуқларини кафолатлаш.

Мамлакатимизда паспорт тизими, хусусан, прописка институтининг шахс хукуқларини чекловчи элементларини бекор қилишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, паспорт тизимида юзага келган қуидаги бир қатор муаммо ва камчиликлар ушбу соҳани тубдан ислоҳ этиш заруратини юзага келтирди:

биринчи, республикада (айниқса, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида) мулкка эгалик қилиш (турар жой сотиб олиш), меҳнат қилиш (ишга жойлашиш),

тиббий хизматдан фойдаланиш, ўқишиш (мактабгача, ўрта, ўрта-маҳсус ва олий таълим тизимида) ва бошқа бир қатор хукуқларнинг прописка фактига бевосита боғлиқ бўлиб қолганлиги;

иккинчи, мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш хукуқининг бевосита доимий ёки вақтинча пропискадан ўтганлик фактига боғлиқлиги;

учинчи, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги давлат хизматлари кўрсатишнинг тўлиқ автоматлашган электрон тизимининг йўлга қўйилмаганлиги;

тўртинчи, прописка институтини соддалаштириш, шунингдек, ушбу соҳада кўрсатиладиган давлат хизматлари турларини янада кенгайтириш чораларининг кўрилмаганлиги, бунинг натижасида аҳолини автоматлашган ҳолда ҳисобга олиш амалиётининг йўлга қўйилмаганлиги.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида қабул қилинган давлат дастурларида прописка қоидаларини мақбуллаштириш ва либераллаштириш, бу борада шахснинг эркин ҳаракатланишига халақит берадиган бюрократик тўсиқ ҳамда коррупцион ҳолатларни олдини олиш вазифалари белгиланди ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмлари кўрсатиб берилиди.

Ҳаракатлар стратегиясини 2018 йилда амалга оширишга оид давлат дастури [2] асосида вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга қабул қилишга бўлган тақиқ, шунингдек, вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаб турган фуқароларнинг ишга қабул қилганлик учун иш берувчини жавобгарлиги бекор қилинди. Яъни илгари мавжуд бўлган фуқароларнинг пропискасиз ишга жойлашишга бўлган

чеклов олиб ташланди. Эндиликда прописка фактидан қатъи назар республиканинг барча миңтақасида меҳнат қилиш имкони юзага келди.

Вояга етмаганларнинг паспорт тизими қоидабузарликлари учун жавобгарлик либераллаштирилиб, қонунда белгиланган муддатда паспорт олмаганлик учун маъмурий жавобгарлик бекор қилинди. Илгари шахс 16 ёшга тўлғач, бир ой муддат ичида фуқаролик паспорти ёки мамлакатда доимий яшаш гувоҳномасини (ушбу хужжат чет эл фуқароси ва фуқаролиги йўқ шахсга Ўзбекистонда яшаш хуқуқини беради) олмаганлик учун маъмурий жавобгарлик мавжуд эди. Эндиликда 16 ёшдан 18 ёшгacha бўлган шахсларнинг ушбу ҳолат учун жавобгарлиги тугатилди.

2019 йил давлат дастурига [3] асосан аҳолининг турган жойи бўйича ҳисобдан ўтиши онлайн шаклда Давлат хизматлари агентлиги томонидан амалга оширилиши йўлга қўйилди. Фуқароларнинг вақтинча пропискасиз мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш муддати 5 суткадан 10 суткага узайтирилди. Паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жазо чоралари енгиллаштирилди. Хусусан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистонда бўлиш қоидаларини бузганлиги учун жиноий жавобгарлик бекор қилинди (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддаси чиқариб ташланди).

Аҳолини электрон ҳисобга олиш амалиётини йўлга қўйишда давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари кенгайтирилди. Жумладан, эндиликда доимий пропискага эга бўлиш ва турган жойлари бўйича ҳисобда туриш учун фуқаролар Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида [4] ички миграцияни либераллаштириш, хусусан, прописка институтини тубдан ислоҳ қилиш бўйича ҳалқаро тажрибани ўрганиб, аниқ таклифлар киритиш вазифаси белгиланди. Бу борада, айниқса, мазкур институтнинг республикамиз маъмурий ҳудудларини мутаносиб равиша иқтисодий ривожлантиришга тўқсияни қилувчи механизмларини бекор қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга, туризм ва миграция жараёнларидан иқтисодиётимизга келадиган даромадлар ҳажмини янада кенгайтиришга хизмат қиласидиган инновацион ахборот коммуникация технологияларини амалиётга татбиқ этиш – бугунги куннинг кечиктириб бўлмас вазифаларидан ҳисобланиши қайд этилди.

Шу асосда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартағи “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги фармонида ушбу институтнинг шахс хуқуқларини чекловчи элементларини тўлиқ бекор қилиш асосида уни жаҳон стандартларига мослаштириш, аҳолини қулай ва мақбул шаклда ҳисобга олиш (қайд этиш) тизимини ишлаб чиқиш вазифалари белгиланди. Давлат органларига бу борадаги механизмларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Натижада бу борада қуйидаги муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди:

1) 2020 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулкни олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ушбу

худудларда доимий пропискага эга бўлиш талаб қилинмаслигини кўзда тутивчи тартиб жорий этилди.

Мазкур ҳолат келгусида мамлакатимиз пойтахти ва Тошкент вилояти худудидан Ўзбекистон Республикасининг барча (шу жумладан, мазкур худудларда пропискаси бўлмаган) фуқароларига иккиламчи бозордан ўз номларига кўчмас мулк расмийлаштириш хукуқини берди. Бу эса мазкур тоифадаги шахсларнинг Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида қонунчиликка [5] мувофиқ, доимий прописканан ўтиш хукуқини вужудга келтиради (шу билан бирга, янги қурилган уйларни сотиб олиш орқали прописка қилиш имкони аввалроқ юзага келганлигини таъкидлаш лозим). Шу асосда узоқ йиллар давомида пропискаси бўлмаганлиги сабабли ўз номларига кўчмас мулк расмийлаштириш имконига эга бўлмаган шахсларнинг бу борадаги муаммоларига барҳам берилди;

2) Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи ва республиканинг бошқа минтақаларида доимий пропискага эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан Тошкент шахри ва Тошкент вилоятидаги янги қурилган уйларда кўчмас мулк олди-сотдиси шартномаларини расмийлаштириш учун давлат божининг алоҳида ставкаси бекор қилинди.

Бу ўринда гап Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари ўртасида конституциявий тенгликни таъминлаш, уларнинг хукуқларини бир хилда кафолатлаш ҳақида бормоқда. Жумладан, илгариги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 527-сон қарори [6] билан белгиланган тартиб бўйича Ўзбекистонда доимий яшовчи ва республиканинг бошқа минтақаларида доимий пропискага эга бўлган жисмоний шахслар томонидан қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бараваридан кам

бўлмаган микдорида кўчмас мол-мулк сотиб олинганда – шартнома суммасининг 5 фоизи микдорида; Тошкент шахри ва Тошкент вилоятига бошқа давлатлардан келган ва Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан шартнома тузилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қиймати 150 минг АҚШ доллардан кам бўлмаган микдорида янги қурилган кўчмас мол-мулкни сотиб олинганда – шартнома суммасининг 10 фоизи микдорида бож тўлаш талаб этиларди (Тошкент пропискасига эга фуқароларга бундай талаб қўлланилмаган). Эндиликда мазкур божларнинг ундирилиши барча тоифадаги шахслар учун бекор қилинди;

3) қонунчиликка киритилган муҳим ўзгартишлардан яна бири – Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 14 сентябрдаги “Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги ЎРҚ-296-сон қонунига мувофиқ, Рўйхатнинг 2, 5, 9, 11-бандлари билан Тошкент шахри ва Тошкент вилоятига доимий прописка қилинган шахсларнинг ўз номларига кўчмас мулк расмийлаштириш хукуқининг 3 йилдан сўнг юзага келиши билан боғлиқ талабнинг бекор қилинганлиги бўлди.

Эндиликда юқоридаги бандлар асосида прописка қилинган шахслар Тошкент шахри ва вилояти худудида қанча муддат ишлаган ёки яшаганидан қатъи назар ўз номларига кўчмас мулк расмийлаштириш хукуқига эга бўлдилар. Бу эса фуқароларнинг Тошкент шахри ва Тошкент вилоятидан бирор бир чеклов ҳамда оворагарчиликлариз турар жой сотиб олишлари учун имкон яратмоқда. Қолаверса, мулкка эгалик қилиш хукуқининг прописка фактига боғлиқлиги ўз аҳамиятини йўқотиб,

шахснинг эркин турар жой танлаш имконияти кенгайди;

4) қонунчиликдан фуқаролар учун мажбурий хусусияткасб этувчи “прописка” атамаси чиқарилиб, унинг ўрнига ахборот берувчи хусусиятга эга “рўйхатдан ўтиш” ибораси қўлланиладиган бўлди. Бунга “прописка” сўзининг бугунги кунда маънавий эскирганлиги ҳамда бу атама фуқаролар онгиди “тўсқинлик қилувчи”, “бир жойга боғланган”, “эркинликни чекловчи”, деган тушунчаларни келтириб чиқараётгани [7] сабаб бўлди. Бу бўйича алоҳида конун ҳужжати – Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 майдаги “Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конунига ўзгартишлар ва кўшимча киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-616-сон қонуенинг қабул қилинганини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим.

Умуман олганда, давлат дастури асосида жорий этилган прописка тизимидағи янги норматив-хукуқий база ва механизмлар шахснинг эркин ҳаракатланиш ҳамда турар жой танлашга доир конституциявий хукуқларини кафолатлаш даражасини оширишга хизмат қилди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг иқтисодиётини ривожлантириш манбаларидан бири туризм эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Президент Шавкат Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлашдек устувор тамойилни амалга ошириш энг муҳим стратегик вазифа бўлиб қолмоқда [8, Б. 14]. Бу эса ушбу соҳа ривожи учун зарур бўлган, ўтган йилларда лозим даражадаги эътибордан четда қолган [9, Б. 236] туризмдек муҳим йўналишни чукур ислоҳ этишни тақозо этди.

Биринчи навбатда хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, инновацион foя ва технологияларни жорий этиш, мамлакатнинг бой табиий, маданий ҳамда тарихий меросининг мавжуд ресурс ва имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига давлатни ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326-сон (03.02.2018) фармони қабул қилиниб, ушбу ҳужжатга мувофиқ 2018 йил 10 февралдан бошлаб 7 та (Истроил, Индонезия, Корея, Малайзия, Сингапур, Туркия, Япония) давлат фуқаролари учун 30 кунлик муддатга визасиз режим, 39 та давлат фуқаролари учун икки иш кунида соддалаштирилган тартибда виза расмийлаштириш тизими жорий этилди. Бундан ташқари, қабул қилинган қарорлар натижасида (хукуматнинг 2018 йил 22 октябрдаги 845-сон қарори билан) мамлакатга ташриф буюрувчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни электрон ҳисобга (рўйхатга) олиш тизими ҳам йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326-сон (03.02.2018) фармони билан 76 та давлат фуқаролари учун туризм визаларини расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартиби, “Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3509-сон (06.02.2018) қарори асосида 2018 йил 1 майдан транзит бўйича ҳаракатланаётган хорижий йўловчиларга келишлари билан 72 соат муддатга кириш визаларини бериш тартибининг жорий этилганлиги, “Ўзбекистон Республикасига хорижий фуқароларнинг кириши тартибини

оптималлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3836-сон (04.07.2018) қарори билан 101 та давлат фуқаролари учун беш кундан ортиқ бўлмаган муддатга визасиз кириш ва вақтинча бўлиш ҳукуқининг берилганини республикага туристлар оқимини кўпайтириш, туризмни миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бирига айлантириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармон (07.02.2017) ҳамда унинг асосида қабул қилинган давлат дастурлари ва қонун ҳужжатлари мамлакатимизда фуқаролик институтига нисбатан мутлақо янгича қарашиб шаклланишига асос бўлди. Жумладан, “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” [9, Б. 236], “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” [10, Б. 4], деган тамойиллар асосида фуқароликка доир ишларни юритишнинг қуидаги янги механизмлари ҳамда унга алоқадор янги институтлар жорий этилди:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5060-сон фармони (29.05.2017) билан мамлакатда сиёсий бошпана бериш тартиби ва асослари белгиланди. Бу эса республикада янги сиёсий институтни амалиётга татбиқ этиш борасидаги дастлабки амалий қадам бўлди;

Иккинчидан, “Фахрий фуқаро” институти жорий этилиб, бундай мақом иқтисодиёт, фан, маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳанинг ривожланишига катта инвестиция киритган, шунингдек, Ўзбекистонда хайрия (меценатлик)

фаолиятини амалга оширган шахсларга берилиши белгилаб қўйилди [11];

Учинчидан, хорижий давлатлар ҳудудида ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган ҳолларда, уларнинг Ўзбекистон фуқаролигига мансублигини тасдиқлаш, шунингдек, уларга шахсини тасдиқловчи ҳамда Ўзбекистон Республикаси га кириш (қайтиб келиш) ҳукуқини берувчи вақтингчалик ҳужжатни расмийлаштириш вазифаси Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари зиммасига юклатилди [12] (бунга қадар мазкур вазифа бирор бир қонун ҳужжатида аниқ белгиланмаган эди);

Тўртингчидан, фуқаролик масалалари бўйича аризаларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш билан боғлиқ тартиб-таомиллар автоматлаштирилиб, фуқароликка қабул қилиш, уни тиклаш, ундан чиқиш ва уни йўқотиш бўйича “E-Fuqaro” идоралараро маълумотлар базаси фаолияти йўлга қўйилди [13] (илгари фуқароликка доир ишлар электрон шаклда юритилмаган).

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилини кенгайтиришга қаратилган ишлар олиб борилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси инсон ҳукуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар, жумладан БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган бўлсада [14], миллий қонунчиликни инсон ҳукуқлари соҳасидаги халқаро-ҳукуқий стандартлар билан уйғунлаштириш, жамият ва давлатнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилувчи, инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳукуқларини таъминлаш соҳасида қатор муаммоларнинг сақланиб қолганлиги дастлаб Инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг

Миллий стратегияси лойиҳасида эътироф этилди. Бу борада, айниқса, узоқ вақтдан бери яшаб келаётган, фуқаролиги йўқ шахсларнинг муаммосини қонуний ҳал этиш бўйича ташкилий-хуқуқий чоралар кўрилмаганлигига [15] алоҳида эътибор қаратилди;

олтинчидан, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси асосида доимий истиқомат қилаётган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларнинг Ўзбекистон фуқароси, деб тан олиш тартиби жорий этилган ҳолда [16], фуқароликка мансубликни тан олиш институтининг хуқуқий кафолатлари яратилди.

Кейинчалик “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгартишлар қиритиш ҳақида”ги ЎРҚ-696-сон (14.06.2021) Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан мамлакатимизда 2005 йил 1 январга қадар доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳамда муқадам чет давлат фуқаролигига бўлмаган шахс ҳоҳиш билдирган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, деб тан олиниши белгилаб қўйилди. Бу эса келгусида республикада истиқомат қилаётган фуқаролиги йўқ шахслар улушкини янада камайтиришга ўзининг хиссасини қўшиши табий.

Амалга оширилган ислоҳотлар натижаларини рақамлардан ҳам кўриш мумкин. Жумладан, олиб борилган сиёsat натижасида 2016–2020 йиллар давомида (2016 йилда – 179, 2017 йилда – 1064, 2018 йилда – 2759, 2019 йилда – 6318 нафар, 2020 йилда – 8310 нафар) жами 18.631 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган.

Бундан ташқари, қонун билан қўйидаги янги институт, хуқуқий механизmlарнинг

киритилиши фуқароликка доир шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатлаш даражасини ошириши табий:

болани фарзандликка олиш Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш асоси сифатида белгиланди;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига соддалаштирилган тартибда қабул қилиш институти жорий этилди;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тиклаш институтининг хуқуқий механизмлари яратилди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссиясининг хуқуқий мақоми, ваколатлари, асосий вазифа ва фаолият йўналишлари қонунчиликда аниқ мустаҳкамлаб қўйилди.

Шу билан бирга, ҳалқаро интеграция жараёнлари кучайиши, иктисадий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, шахснинг табиий хуқуқларини кафолатлаш зарурати билан боғлиқ омиллар мамлакатимизда миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасини келгусида қўйидаги йўналишларда такомиллаштириш заруратини юзага келтиради:

Биринчидан, мамлакатимизда миграция сиёсатининг асосий мақсади, вазифалари, принциплари, устувор йўналишлари ва ривожланиш истиқболларини белгилаб берувчи Давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиши, қабул қилиш ва амалиётга татбиқ этиши;

иккинчидан, миграция соҳасидаги мавжуд қонунчиликни жорий ҳолатдан келиб чиқиб тизимлаштириш ҳамда муаммоларини илмий таҳлил этиш, уларнинг хусусият ва қонуниятлари (тенденциялари)ни аниқлаш орқали – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги миграцион норматив базасини қонуности ҳужжатларидан қонун ҳужжатлари даражасига олиб чиқиши;

учинчидан, туризм ва миграция жараёнларини бошқаришга замонавий ахборот-

коммуникацион технология ва воситалар, илфор иш усуллари ҳамда шаклларини кенг жорий этиш, ушбу соҳаларда интерактив давлат хизматларини кўрсатиш ҳажмини ошириш орқали самарали миграция географиясини янада кенгайтиришга эришиш;

тўртинчидан, аҳолини рўйхатга олиш тизимини соддалаштириш ва мақбуллаштириш мақсадида давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатиладиган миграция, фуқаролик ва паспорт-виза соҳасидаги хизмат турларини янада кенгайтириш, аҳолига (шу жумладан, мамлакатда доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги йўқ шахсларга) қулай бўлган шахсни тасдиқлаш (ID-card) воситаларини, туристларни автоматлаштирилган ҳолда ҳисобга олиш амалиётини

йўлга қўйишини назарда тутувчи ички миграцияни самарали тартибга солиши механизмларини кенг татбиқ этиш;

бешинчидан, миграция соҳасидаги ваколатли давлат органлари учун кадрлар тайёрлашда “Миграция ҳуқуқи” фанини алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида ўқитиш тизимини йўлга қўйиш.

Хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда ҳалқаро интеграция жараёнларининг кучайиши, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, туризмни ривожлантириш зарурати каби омиллар миграция ва фуқароликни расмийлаштириш тартиб-қоидаларини янада соддалаштириш, унинг шахс эркин харакатланиши, турар жой танлаши ва фуқароликка доир ҳуқуқларини чекловчи таъсирларни камайтириш заруратини юзага келтирмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Электрон сайтлар: // URL: <https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6548-demografiya, https://www.gazeta.uz/uz/2021/01/19/leave/> (мурожаат вақти: 25.08.2021).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-куватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сон фармони // URL: <https://lex.uz/docs/3516847> (мурожаат вақти: 16.10.2021).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сон фармони // URL: <https://lex.uz/docs/4168749> (мурожаат вақти: 16.10.2021).

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (29.12.2020) // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/4057> (мурожаат вақти: 16.10.2021).

5. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 14 сентябрдаги “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги ЎРҚ-296-сон қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/1869805> (мурожаат вақти: 16.10.2021).

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси хукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ҳалқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастури”ги 527-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/3275707> (мурожаат вақти: 16.10.2021).

7. Депутатлар “прописка” сўзини маънавий эскиргани учун қонунчиликдан чиқариб юборишишмоқчи // URL: <https://kun.uz/news/2021/10/12/deputatlar-propiska-sozini-manaviy-eskirgani-uchun-qonunchillikdan-chiqarib-yuborishmoqchi> (мурожаат вақти: 16.10.2021).

8. *Мирзиёев Ш.М.* Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини бирга қурамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимиға бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М. Мирзиёев. – Т., 2016. – Б. 14.

9. *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. – Т., 2018. – Б. 236.

10. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т., 2018. – Б. 4.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 августдаги “Фахрий фуқаро” мақомини бериш тартиби тўғрисида”ги 648-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/4464132> (мурожаат вақти: 15.10.2021).

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 январдаги “Хорижда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг болаларини Ўзбекистон Республикаси қайтариш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 6-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/4685180> (мурожаат вақти: 15.10.2021).

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларини кўриб чиқиша замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 557-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/5000792> (мурожаат вақти: 15.10.2021).

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июнданги “Инсон хукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон фармони // URL: <https://lex.uz/docs/4872355> (мурожаат вақти: 15.10.2021).

15. Ўзбекистонда инсон хукуқлари соҳасидаги тизимли муаммолар маълум қилинди // URL: <https://kun.uz/21800132> (мурожаат вақти: 10.02.2020).

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 марта “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон фармонининг 3-банди 2-хатбошиси // URL: <https://lex.uz/docs/4751561> (мурожаат вақти: 21.01.2021).

С. С. Нуриддинов,
начальник Главного экспертно-криминалистического центра
МВД Республики Узбекистан;

А. Д. Хусанов,
начальник кафедры Криминалистических экспертиз
Академии МВД Республики Узбекистан, доктор философии
по юридическим наукам (PhD)

СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ МОДЕРНИЗАЦИИ СИСТЕМЫ ЭКСПЕРТНО-КРИМИНАЛИСТИЧЕСКОЙ СЛУЖБЫ

Аннотация. Данная статья посвящена истории становления экспертно-криминалистической службы в Республике Узбекистан и ее развитию в настоящее время. Рассмотрены современные виды исследований, проводимых экспертно-криминалистическими подразделениями.

Ключевые слова: Экспертно-криминалистическая служба, криминалистические исследования, лаборатории, аккредитация.

Аннотация. Ушбу мақола Ўзбекистон Республикасида суд экспертизасининг шаклланиш тарихи ва ҳозирги ҳолатига бағишиланган. Эксперт-криминалистик бўлинмалари томонидан олиб борилаётган тадқиқотларнинг замонавий турлари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: Эксперт-криминалистик хизмат, криминалистик тадқиқотлар, лабораториялар, аккредитация.

Annotation. This article deals with the history of the formation of the forensic service in the Republic of Uzbekistan in current state. Author considers the modern types of research conducted by forensic experts.

Keywords: Forensic service, forensic research, laboratories, accreditation.

Специфика деятельности экспертно-криминалистической службы в системе органов внутренних дел заключается в обеспечении научно-техническими средствами и методами предотвращения, раскрытия и расследование преступлений, что позволяет обнаруживать, изымать и объективно исследовать материальные вещественные доказательства, предоставляемые в ее лаборатории, по уголовным и иным делам. Рассматривая современные вопросы развития криминалистической службы в Узбекистане, хотелось бы обратить внимание и на её историческое возникновение. Создание и развитие криминалистических учреждений проходит в годы становления Туркестанской Автономной социалистической республики. В те годы, лишь в

системе Народного Комиссариата здравоохранения имелось несколько судебно-медицинских экспертов, а в составе Регистрационно-Дактилоскопического Бюро НКВД – один эксперт-криминалист. В своей практической работе они применяли те методы и скромные научно-технические средства, которые еще до Октябрьской революции были разработаны Е. Ф. Буринским, Н. С. Бокариусом и другими прогрессивными учеными-криминалистами и судебными медиками. В сентябре 1925 года в Самарканде начало свою работу первое Центральное Регистрационное Бюро, которое возглавлял эксперт-криминалист А.И. Карташов, одновременно занимаясь созданием научно-технического кабинета в Ташкентском окружном уголовном розыске,

активно помогая работе химико-аналитической лаборатории. А.И. Карташова по праву можно назвать первым криминалистом Узбекистана. В 1929 году при оперативном отделе НКВД в Ташкенте была организована научно-техническая группа экспертов, которая в 1932 году была преобразована в научно-техническое отделение. Первым руководителем этого отделения являлся Н.Д. Назаров. Из этих фактов следует, что первая экспертно-криминалистическая служба и появление первых криминалистических учреждений в Узбекистане относится к системе органов НКВД–МВД. В 1948 году на базе данного отделения был создан самостоятельный научно-технический отдел. За эти годы деятельность отделения была весьма плодотворной. Им был создан музей криминастики. Трудной и специфичной была деятельность отделения в годы Великой Отечественной войны, однако оно успешно справилось со своими задачами. В годы войны экспертами отделения проводилось много криминалистических экспертиз, в том числе и такая сложная, как пороскопическая. Расширялась и углублялась криминалистическая работа в органах МВД Республики после создания самостоятельного научно-технического отдела. Увеличивалась сеть криминалистических учреждений в областных управлениях милиции, где начинали свою работу научно-технические группы. С их созданием значительно усилилась и улучшилась постановка криминалистического учета, тем самым обеспечивалась более активная и эффективная помощь в раскрытии и расследовании преступлений.

Происходящие в настоящее время в мире процессы глобализации наряду с ускоряющимся развитием научно-технического прогресса неизбежно ведут к негативным количественным и качественным изменениям преступности. В ее структуре все больший вес приобре-

тает экономическая преступность, “подпитывающая” все иные виды преступности, прежде всего такие особо опасные, как терроризм, сепаратизм, бандитизм. Преступность становится все более мобильной и агрессивной. Преступники и преступные сообщества с успехом осваивают достижения научно-технического прогресса, активно используя в своей деятельности современные средства связи, транспорта, возможности Интернета, компьютерных технологий и т.п. С нарастающим размахом они действуют в сфере криминального бизнеса, связанного с оборотом наркотиков, оружия, с сокрытием доходов от налогов, с “отмыванием грязных денег” и, наконец, с коррупцией, приобретшей в ряде стран системный характер.

В этих условиях общество и государство вынуждены искать и реализовывать меры контроля над преступностью и борьбы с ней, адекватные ее нарастающей угрозе. Очевидно, что такие меры должны быть направлены на комплексное решение в своей основе взаимосвязанных правовых, организационных, научно-технических, учебно-методических и тому подобных проблем. Роль криминастики в этом отношении уникальна, поскольку она в пределах своего предмета, как никакая другая правовая наука, непосредственно причастна к решению всех названных проблем. В этой связи логично предположить, что в перспективе будут продолжены исследования содержания и структуры такого понятия, как криминалистическое обеспечение раскрытия и расследования преступлений, определение его задач, познавательной и деятельной роли, его места в системе криминастики и значения, в частности, в формировании связи криминалистической науки и практики и т.п.

Требуют дальнейшего осмысления проблемы предмета и природы криминастики, ее задач, а особенно социаль-

ных функций, в том числе связанных с формированием общественного мнения о достижениях криминалистики, о возможностях и реальных потребностях практики их использования в борьбе с преступностью.

Экспертно-криминалистической службой МВД Республики Узбекистан выполняется работа по производству экспертиз по уголовным делам и исследований по оперативным материалам, обеспечению участия специалистов в следственных действиях. Экспертно-криминалистическая служба МВД ведёт учёты, использование которых позволяет сотрудникам оперативных и следственных подразделений получать информацию, для идентификации, как орудия преступления, так и личности преступника, которая может являться важнейшим, а нередко и единственным доказательством совершения преступления. Специалисты-эксперты проводят мероприятия по централизации баллистических учётов и повышению их технической оснащённости в формировании доказательственной базы для раскрытия и расследования преступлений.

В современной экспертно-криминалистической службе имеются лаборатории ДНК-анализа, выполняющие генетические экспертизы и исследования, способствующие раскрытию и расследованию преступлений. Проведение ДНК-анализа в деле борьбы с преступностью является неоспоримым доказательством.

Проводятся портретные исследования, на предмет отождествления личности специалистами ГЭКЦ МВД, с использованием методов компьютерной, фоноскопической и видеотехнической экспертиз. Экспертно-криминалистической службой МВД Республики Узбекистан выполняются экспертные работы в проведении мероприятий по противодействию экстремизму и терроризму, а также выявлению фактов коррупции и изобличению

мошеннической деятельности организованных преступных групп. Выполняются фоноскопические, лингвистические и автороведческие экспертизы и исследования. Например, вновь создаются современные фоноскопические лаборатории в экспертно-криминалистических центрах МВД Республики Узбекистан. В связи с актуальностью и востребованностью со стороны органов предварительного следствия продолжается развитие различных направлений судебно-экономических экспертиз.

Экспертно-криминалистические службы играют важную роль в эффективной и справедливой системе уголовного правосудия. Они являются неотъемлемой частью расследований, начиная с места преступления и заканчивая залом судебных заседаний. Конечной целью криминалистики является приверженность установлению истины, а именно обеспечение системы уголовного правосудия ответами с использованием объективных доказательств, а также посредством вопросов, направленных на определение вины или невиновности правонарушителя. Поэтому крайне важно, чтобы экспертно-криминалистические экспертизы проводились высококвалифицированными сотрудниками.

УНП ООН поддерживает экспертно-криминалистические лаборатории Министерства внутренних дел и Министерства юстиции Узбекистана для укрепления их потенциала и оказания им содействия в подготовке к получению международной аккредитации ИСО/МЭК 17025. В рамках своей деятельности по укреплению потенциала экспертно-криминалистических лабораторий Министерства внутренних дел и Министерства юстиции Республики Узбекистан УНП ООН был организован международный семинар экспертов-криминалистов из Литвы в Ташкенте с 21 мая по 1 июня 2018 года. Эксперты оказывали техническую

помощь на местах экспертам Главного экспертно-криминалистического центра Министерства внутренних дел и Республиканского центра судебной экспертизы при Министерстве юстиции в разработке и внедрении системы управления качеством, стандартных операционных и технических процедур в соответствии с требованиями ИСО/МЭК 17025. В ходе миссии международные эксперты также провели учебные семинары на рабочих местах по валидации и верификации методов, прослеживаемости в измерениях, надлежащей лабораторной практике, неопределенности измерений, корректирующим действиям и анализу со стороны руководства для экспертов обеих лабораторий.

Техническая помощь и консультации также, как и тренинги на рабочих местах, проведенные международными экспертами УНП ООН, были высоко оценены экспертно-криминалистическими лабораториями Узбекистана и способствовали совершенствованию потенциала этих лабораторий с целью соответствовать требованиям ИСО/МЭК 17025.

Деятельность по укреплению потенциала экспертно-криминалистических лабораторий Министерства внутренних дел и Министерства юстиции Республики Узбекистан осуществляется в рамках Программы УНП ООН для стран Центральной Азии при финансовой поддержке Бюро Государственного департамента США по Контролю за наркотиками и правоприменению (INL).

Лаборатория по тестированию на наркотики Главного экспертно-криминалистического центра Министерства внутренних дел успешно прошла независимую экспертизу и была признана отвечающей соответствующим требованиям международного стандарта ISO/IEC 17025 “Общие требования к компетентности испытательных и калибровочных лабораторий”. Аттестат акредитации

был выдан в июне этого года Казахстанским Национальным Центром Аккредитации, который является полноправным членом Международного Сотрудничества по Аккредитации Лабораторий (ILAC) и подписантом Соглашения о Взаимном Признании ILAC (MRA), а также Азиатско-Тихоокеанского Сотрудничества по Аккредитации Лабораторий (APLAC) и подписантом Соглашения об Аккредитации испытательных и калибровочных лабораторий APLAC MRA (ISO/IEC 17025).

Успешная аккредитация стала результатом трёхлетнего сотрудничества между Управлением Организации Объединённых Наций по наркотикам и преступности (УНП ООН) и Главного экспертно-криминалистического центра в рамках подпрограммы 4 “Научные исследования и анализ тенденций” Программы УНП ООН для государств Центральной Азии на 2015-2020 годы. УНП ООН оказывает лабораториям поддержку во внедрении и эксплуатации Системы менеджмента качества (СМК) посредством таких инициатив, как предоставление эталонных образцов контролируемых веществ, руководящих принципов для лабораторий в отношении рекомендуемых методов анализа, возможностей для обучения и участия в программе Международных совместных мероприятий (МСП), а также поощрение и облегчение обмена информацией, материалами и данными.

Донором компонента по поддержке лабораторий является Бюро Госдепартамента США по борьбе с международным оборотом наркотических веществ и правоохранительной деятельности (Бюро INL).

Министерство внутренних дел Республики Узбекистан начало предоставлять юридическим лицам на платной основе экспертные, научно-исследовательские, информационные услуги экс-

пертно-криминалистическими подразделениями органов внутренних дел.

Специалисты МВД помогут исследовать на подлинность документы, ценные бумаги, лотерейные билеты, а также другую печатную продукцию строгой отчетности. Также в число услуг входит и исследование по идентификации рукописных записей и подписей, восстановление угасших из-за срока давности текстов. Кроме того, будут оказываться услуги по исследованию номера двигателя, шасси, кузова транспортных средств, при их регистрации и перерегистрации.

МВД Республики Узбекистан стало обладателем международного сертификата соответствия ISO/IEC 17025:2019 по проведению судебной экспертизы наркотических средств, психотропных и сильнодействующих веществ.

Следует отметить, что оценку деятельности Главного экспертно-криминалистического центра Министерства внутренних дел проводил “Национальный центр аккредитации” Республики Казахстан, который является полноправным членом международных организаций ILAC и IAF.

В результате изучения Главный экспертно-криминалистический центр Министерства стал одним из первых судебно-экспертных учреждений в стране, который соответствует требованиям международного стандарта качества ISO/IEC 17025:2019 “Общие требования к компетентности испытательных и калибровочных лабораторий”, стал обладателем подтверждающего сертификата и включен в международный реестр.

Данный международный сертификат подтверждает, что судебно-экспертная деятельность Главного экспертно-криминалистического центра Министерства внутренних дел ведется в соответствии с международными стандартами, способствует развитию международного сотрудничества правоохранительных

органов по защите прав и свобод человека, а также в борьбе с преступностью и предупреждении, и дальнейшему укреплению доверия граждан и иностранных организаций к правоохранительным органам Республики Узбекистан.

Также система менеджмента Главного экспертно-криминалистического центра Министерства (нормативно-правовые, организационные и методические документы) приведена в соответствие с требованиями международных стандартов. Следовательно, в будущем это обеспечит применение международно признанных научно-технических подходов и методов, сведение человеческого фактора к минимуму в процессах исследований, повышение международного престижа Министерства внутренних дел в борьбе с трансграничным оборотом наркотиков, а также признание результатов экспертиз по наркотическим средствам.

Криминалистическое исследование взрывчатых веществ, взрывных устройств и следов их применения можно отнести к одному из важных направлений в криминалистике. Это связано с тем, что правоохранительным органам все чаще приходится иметь дело с расследованием преступлений, совершенных с применением взрывных устройств. Применение при осуществлении преступлений боеприпасов взрывного действия, взрывчатых веществ (ВВ) и взрывных устройств (ВУ) налагает свой отпечаток на их расследование, требует особых приемов и методов изучения, широкого применения специальных знаний и специальной криминалистической техники.

Для эффективности борьбы с преступностью следует активно взаимодействовать оперативным сотрудникам со специалистами-экспертами еще на стадии оперативной разработки лиц, подозреваемых в осуществлении преступной деятельности, то есть до их задержания. Мнение специалиста-эксперта

целесообразно учитывать при выдвижении и проработке версий, а также при планировании и проведении операций по задержанию преступников.

Остаются актуальными задачи доступности для территориальных органов МВД Узбекистана во всех крупных населённых пунктах республики и областей максимально широкого спектра экспертных исследований, в первую очередь по направлениям экономических, компьютерных, автотехнических экспертиз, а также исследований ДНК, наркотических средств, спиртосодержащих жидкостей, маркировочных обозначений автотранспортных средств, запаховых следов человека. Расширение спектра производимых экспертиз требует совершенствования системы профессиональной подготовки экспертов. Важная роль в этом отводится ЭКЦ МВД Республики Узбекистан, в котором имеется современное криминалистическое оборудование, работают высококвалифицированные специалисты, способные передать умения и знания коллегам из территориальных органов МВД Республики Узбекистан. Постоянного совершенствования также требует профессиональная подготовка экспертов, направленная на повышение уровня их мастерства, в том числе в части навыков работы на вновь поступающем современном аналитическом оборудовании.

Использование достижений науки и техники, национального и зарубежного передового опыта в деятельности правоохранительных органов последних является важным условием процесса правосудия, имеет особое значение в защите законных прав и интересов граждан.

Республиканский центр судебной экспертизы имени Х.Сулеймановой оказывает теоретическую и практическую помощь правоохранительным органам в сфере судебной экспертизы с использованием возможностей современной науки в ведении гражданских, хозяйственных, административных и уголовных дел.

В настоящее время в созвучии последовательному развитию науки и техники в Узбекистане также устойчиво развивается и судебная экспертиза. В этом учреждении созданы все условия для проведения экспертных исследований на современном научном уровне в соответствии с мировыми стандартами. С учетом значения судебной экспертизы в защите прав и интересов человека, обеспечении верховенства закона в обществе также совершенствуются законодательные основы этого направления. В частности, Закон Республики Узбекистан “О судебной экспертизе” создал правовой фундамент экспертной деятельности, принятые на его основе постановления нацелены на совершенствование различных направлений сферы [1]. В частности, задачи, намеченные в постановлении Кабинета Министров “О дальнейшем совершенствовании деятельности Республиканского центра судебной экспертизы имени Х.Сулеймановой при Министерстве юстиции Республики Узбекистан”, прежде всего, значимы тем, что нацелены на обеспечение прав и свобод человека, осуществление объективного следствия и правосудия [2].

В частности, если раньше осуществлялась деятельность по 40 видам экспертизы, то за последние два года их количество увеличилось еще на четыре. А по специальностям к действующим 54 направлениям добавилось еще шесть.

В настоящее время внедрены актуальные для практики цифровые технологии, а также такие новые виды экспертизы, как комплексное исследование аудио и видеоисточников на основе электроакустических монтажных признаков, оценка стоимости права владения земельными участками, судебно-экономическая экспертиза внешнеторговой деятельности, судебно-экологическая, судебно-политолого-лингвистическая, судебно-филологическая экспертизы.

В лабораториях Центра налажено исследование фонограмм и видеозаписей на узбекском, русском, при необходимости и на других языках. На основе данного метода до настоящего времени выполнено более 150 экспертиз.

Широкое применение на практике таких новых видов экспертизы служит действенным средством в раскрытии преступлений следственными органами, сборе фактов и их закреплении на научной основе, осуществлении правосудия в деятельности судов, вынесении справедливых решений и приговоров.

В заключение следует отметить, что реформы, осуществляемые в нашем государстве, особенно касающиеся совершенствования системы законодательства, структуры правоохранительных органов и материально-технического обеспечения борьбы с преступностью, в определенной своей части направлены на повышение эффективности технико-криминалистического обеспечения. Одним из результатов реформирования должно быть решение проблемных задач первого уровня технико-криминалистического обеспечения.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Закон Республики Узбекистан №ЗРУ-249 “О судебной экспертизе” от 1 июня 2010 г. // <https://lex.uz>.
2. Постановление КМ Республики Узбекистан № 206 “О дальнейшем совершенствовании деятельности Республиканского центра судебной экспертизы имени Х. Сулеймановой при Министерстве юстиции Республики Узбекистан, а также организации системы повышения квалификации судебных экспертов” от 13 апреля 2010 г. // <https://lex.uz>.

И. Исмаилов,
ИИВ Академияси Ички ишлар органларининг
маъмурӣ фаолиятига кафедраси бошлиги,
юридик фанлар доктори, профессор;

Т. Б. Маматқұлов,
ИИВ Академияси Хуқуқбизарликлар профилактикаси
ва криминология кафедраси бошлиги,
юридик фанлар номзоди, доцент

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ – ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИНСОНПАРВАР ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Аннотация. Мақолада хуқуқбизарликлар профилактикаси ички ишлар органлари фаолиятининг инсонпарвар ва устувор йўналишларидан бири эканлиги Ўзбекистон миллый профилактика тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хуқуқ ва бошқарув назарияси таълимотлари ҳамда муаллифларнинг ўзгача илмий ёндашуви билан етти йўналиш бўйича таҳлил қилинган ҳолда асослантирилган.

Таянч сўзлар: ички ишлар органлари, хуқуқбизарлик профилактикаси, инсонпарварлик, устувор, ислоҳотлар, криминоген вазият, жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби, профилактика инспектори, халқчил тизим, “фуқаробай”, “оилабай”, “маҳаллабай”.

Аннотация. В статье на основе теории права и управления, а также научного подхода проведен анализ по семи направлениям осуществляемых реформ в национальной системе профилактики, обосновывается, что профилактика правонарушений – это одно из самых гуманных и приоритетных направлений деятельности органов внутренних дел.

Ключевые слова: органы внутренних дел, профилактика правонарушений, гуманный, приоритетный, реформы, криминогенная ситуация, общественная безопасность, общественный порядок, инспектор профилактики, народная система, “по каждому гражданину”, “по каждой семье”, “по каждой махалле”.

Annotation. The article analyzes seven directions of reforms carried out in the national prevention system. Also, on the basis of the theory of law and management, and special scientific approach of the authors is given the conclusion about the importance of crime prevention as one of the most humane and priority directions of the activities of the internal affairs bodies.

Keywords: internal affairs bodies, crime prevention, humanity, priority, reforms, crime situation, public safety, public order, prevention inspector, people's system, “fukarobay”, “oilabay”, “mahallabay”.

Хуқуқбизарликлар профилактикаси фаолиятининг мазмуни инсонпарварлик билан суғорилган. Бу фаолият инсон хуқуқ ва эркинликлари, унинг маънавий дунёси ва хулқини жамиятга зид қарашлардан тозалаш, шахсада жамиятга қарши бузилишнинг сабаб ва шароитини бартараф қилиш йўллари орқали амалга оширилади.

Инсонпарварлик, авваламбор, қонунга итоат этувчи, жамиятда устун бўлган умуминсоний, ахлоқий, хуқукий нормалар ва ундаги яшаш қоидаларини ҳурмат қилувчи, хуқуқбизарлиқка қарши кураш, унинг сабаб ва шароитларини бартараф этишда фаол иштирок этувчи шахсларни шакллантириш учун шароит яратишни назарда тутади.

Хукуқбузарликлар профилактикасини инсонпарварлиги биринчидан, жамиятда ундаги умуминсоний, ахлоқий ва хукуқий нормаларга зид, уларни инкор этадиган қарапшлар, одат ва хулқقا эга шахсларнинг шаклланишини камайтириш имконини яратса, иккинчидан, жамиятга зид йўналишга эга шахслар томонидан қонун билан тақиқланган, ижтимоий хавфли хатти-ҳаракат содир қилинишининг олдини олади. Бу эса ўз вақтида жамиятда содир қилиши, лекин олдини олиш чора-тадбирлари натижасида йўл қўйилмаган ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатларни аниқлаш, терговга қадар текширув, суриштирув, тергов ўтказиш ва хоказолар учун сарф қилиниши мумкин бўлган ҳаракатларни тежаш ҳамда хукуқбузарлик содир қилишдан тўхтатиб қолинган шахсларнинг уларга нисбатан жавобгарлик қўлланилишидан сақлашга имкон беради. Демак, хукуқбузарликлар профилактикаси жамият учун нафақат соғломланиш, балки моддий жиҳатдан мустаҳкамланиш имконини беради.

Хукуқбузарликлар профилактикасининг устуворлигини намойиш қилувчи асосий тамойилларидан яна бири, бу қонунийлик ҳисобланади. Хукуқбузарликлар профилактикаси чоралари, уларни амалга оширишда фойдаланиладиган барча усул ва воситалар қонун асосида, унга қаттиқ риоя қилинган ҳолда қўлланилиши керак. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддасида кўрсатилган ҳамма учун умумий ва teng қонунга риоя этиш мажбурияти хукуқбузарликлар профилактикаси бўйича амалга ошириладиган ижтимоий фаолиятнинг барча тур ва даражаларига тааллуқлиdir.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган туб ислохотларнинг асосий мақсади қилиб жамиятни террорчилик, кўпорувчилик хуружларидан, барча кўринишдаги экстремизм, уюшган

жиноятчилик каби жиной таҳдидлардан ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган тизимни шакллантириш, ички ишлар органларини инсон хукуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гаровига айлантириш белгиланган эди.

Ўтган даврда Ўзбекистонда олий қадрият деб тан олинган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз хукуқлари таъминланишини янада мустаҳкам кафолатлаш мақсадида биринчидан, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини, барқарор тараққиётни, иккинчидан, ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолиятининг йўналишлари ва принциплари ҳамда хукуқий мақомини аниқ белгилашни, учинчидан, уларнинг фаолиятини янада демократластириш, очиқлиги ва шаффоғлигини, тўртинчидан, тизимга замонавий технологияларни жорий этишни ва соҳада бошқарувни янада модернизациялашни, бешинчидан, уларнинг давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлашни янги босқичга қўтариш мақсадида 2014 йил 14 майда Ўзбекистон Республикасининг “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ҳамда 2016 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони ҳамда унинг билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”[1] (2017), “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни кўллаб-куватлаш йили”[2] (2018), “Фаол

инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”[3] (2019) давлат дастурлари ижроси бўйича амалга оширилган, шунингдек, “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”[4] (2020), “Ёшлиарни кўллаб кувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш”[5] (2021) давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар асосида ички ишлар органлари тизими, хусусан, унинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти тубдан такомиллаштирилиб келинмоқда.

Ички ишлар органлари, унинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилган ислоҳотларга бағищланган тадқиқотларда Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси миллий тизими шаклланганлиги, маънавий, ташкилий, ҳуқуқий, методологик асослари такомиллаштириб борилаётганлиги асослантирилган[6].

Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастлабки норматив-ҳуқуқий ҳужжатда: а) жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат куриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланиши; б) фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллаши; в) ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомил-

лаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганлиги, айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қўйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинганлиги кайд этилган[7].

Мазкур Фармонда Ўзбекистон ички ишлар органлари, хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади ҳалқ манфаатларига хизмат қилиш этиб белгиланди ва тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Сўнгги беш йиллиқда тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар, аввало, ички ишлар органларини юрт тинчлиги ва осойишталигини, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қила оладиган чинакам ҳалқпарвар тузилмага айлантиришга муайян даражада эришилди, десак муболага бўлмайди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ички ишлар органларининг жамоат тартиби сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, шунингдек жиноятчиликка қарши кураш фаолиятининг самарадорлигини оширишда устуворлик барвақт, хусусан ижтимоий профилактик чора-тадбирларга берилиши унинг ҳалқчил тизимга айланиб боришига хизмат қилмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, соҳадаги ўзгаришлар ҳам, энг аввали, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлигини оширишга, уни ташкил этишнинг мутлақо янгича ёндашув асосида тизим фаолиятига замонавий механизмларни жорий этишга қаратилмоқда. Айниқса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари масъулиятининг оширилаёт-

ганлиги, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқындан ҳамкорлик қилиш механизмларининг жорий этила-ётганлиги, шунингдек мазкур йўналишда фуқаролар фаолигини ошириш бўйича мотивация уйғотиш ва рағбатлантириш усулларини кенг қўллашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги муҳим ахамият касб этмоқда [8].

Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ички ишлар органларининг инсонпарвар ва энг устувор йўналишига айлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами анча салмоқли бўлиб, улар қандай йўналишларда амалга оширилаётганлигини ҳуқуқ ва бошқарув назарияси таълимотларига асосланган ҳолда мазкур мақола доирасида таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз.

Биринчи йўналиш. Ички ишлар органларини халқ манфаатларига хизмат қиласидаган ижтимоий тузилмага айлантириш мақсадида яхлит ҳуқуқий тизим яратилмоқда. Ўтган даврда ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қиласидаган 9 та қонун, Президентимизнинг 13та Фармони ва 40 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 89 та қарори ҳамда 160 дан зиёд идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди[9] ҳамда уларда белгиланган қоидалар ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар барвақт профилактикаси бўйича фаолиятини янада самара-дорлигини оширишга хизмат қилиб келмоқда.

Иккинчи йўналиш. Жамоат хавф-сизлиги, хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширилишини янада кучайтириш мақсадида ички ишлар органлари тизимида босқичма-босқич институционал ўзгаришлар амалга оширилиб келинмоқда, бу эса, аввало, барвақт профилактикани бевосита аҳоли яшайдиган, улар гавжум ва жамоат жойларида

амалга оширувчи таркибий тузилмалар штатларини бир неча баробарга ошириш имконини бермоқда.

Ички ишлар органларининг бошқарув тизими тўлиқ мақбуллаштирилиб, 85 фоиз (илгари 54 %) шахсий таркибнинг бевосита аҳоли учун қулай жойларда хизмат қилиши таъминланди. Бунинг учун ҳар 35-40 минг аҳолига фаолият кўрсатадиган қўшимча 261 та янги (илгари 108 та) ички ишлар бўлимлари ташкил этилди. Йирик бозорлар, савдо мажмуалари ва аҳоли гавжум жойларда маҳаллий бюджет ҳисобидан 41 та янги ички ишлар бўлинмалари ташкил этилди[10].

Тошкент шаҳрида жиноятчиликни жиловлаш самарадорлигини ошириш мақсадида, 24 та ички ишлар бўлими қисқартирилиб, уларнинг 129 та ҳамда қўшимча ажратилган 836 та штат бирликлари ҳисобига ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва тергов-тезкор тузилмалари кучайтирилмоқда[11].

Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида:

а) ҳар бир маҳаллага бир нафардан профилактика инспектори фаолият кўрсатишини таъминлаш учун уларнинг сони 9 784 нафаргача (илгари 5 867) етказилди ва ўртача 3,5 минг аҳолига (илгари 5,5 минг) хизмат қилиши таъминланмоқда[12];

б) аҳолининг барча, айниқса ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтоҷ қатлами билан манзилли иш олиб бориш мақсадида хотин-қизлар масалалари бўйича 364 катта инспектор лавозими жорий этилди [13];

в) профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари лавозимлари жорий этилди ҳамда уларга ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ички ишлар органларига амалий ёрдам кўрсатиш учун шахсий жавобгарлик юклатилди[14];

г) ҳар бир ўқувчи кесимида умумий ўрта таълим муассасаларида психологик

мұхитни яхшилаш, вояга етмаганлар орасыда қонунбузилишларга муросасиз мұносабатда бўлиш ҳиссини шаклантириш, муаммоли ўқувчилар билан уларнинг яшаш жойларида ота-оналари иштирокида манзилли ишлаш вазифаларини тизимли амалга ошириш мақсадида туман, шаҳар ички ишлар органлари таркибида 2000 та штат бирликларидан иборат вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психолог лавозимлари жорий этилмоқда ҳамда уларнинг бевосита хизмат ўташ жойи этиб, умумий ўрта таълим муассасалари белгиланди[15].

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бевосита аҳоли яшайдиган ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар барвақт профилактикаси соҳасида жалб этилган барча куч ва воситалар, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиш ҳамда чора-тадбирларни амалга оширишни мувофиқлаштириш функциясини амалга ошириш мақсадида ҳуқуқ-тартибот масканларининг босқичма-босқич ташкил этилаётганлиги, шунингдек, мазкур масканлар томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланды[16] тизимнинг ҳалқ манбаатларига хизмат қилишини янги босқичга олиб чиқмоқда. Бугунги кунда, 9255 та (2021 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра) маҳаллаларнинг 84 тасида “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскан”лари фаолияти йўлга қўйилиб, яна 252 тасида шундай масканларни ташкил этиш ишлари давом эттирилмоқда[17].

Бундан ташқари, Ички ишлар вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш орқали турдош соҳавий хизматлар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг ягона тизими-

ни яратиш мақсадида Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Ҳукуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Пробация хизматини ўз ичига оладиган Жамоат хавфсизлиги департаменти ташкил этилиши қуйи тизимда мазкур хизматларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳамкорликдаги чора-тадбирларни самарали амалга ошириш имкони бермокда.

Учинчи йўналиши. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятига замонавий ахборот коммуникация технологиялари жорий этиш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Профилактика инспекторлари 6 489 та замонавий компьютер технологиялари билан таъминланган, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари моддий-техник базасини такомиллаштириш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар томонидан 3037 та планшетлар ва 1 083 та веб-камералар ажратилганлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари, хусусан, профилактика инспекторларининг хизмат фаолиятида “инсон омили” таъсирини камайтириш ва аҳоли учун қўшимча қулайлик яратиш мақсадида 2021 йилнинг 1 июнидан бошлаб, Тошкент ва Самарқанд вилоятида профилактика инспекторлариға масофадан туриб мурожаат қилиш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш ҳамда уларнинг фаолиятини баҳолаш имконини берувчи “Smart mahalla” ахборот дастури синов режимида ишга туширилди. Жорий йилнинг якунигача эса республиканинг бошқа ҳудудларида ишга туширилиши бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Ички ишлар органлари, хусусан, профилактика инспекторлари фаолия-

тининг халқ манфаатларига хизмат қилишни янада такомиллаштириш мақсадида 2021 йилнинг 1 августидан барча маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритуви, 1 сентябрдан бошлаб эса ҳуқуқбузарликлар бўйича суд муҳокамалари электрон тарзда ўтказилиши таъминланиши бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, шунингдек ички ишлар органларида шахсни профилактик ҳисобга олишнинг электрон тартиби жорий этилмоқда[18].

Профилактика инспекторларининг маҳаллаларда ҳуқуқ-тартибот барқарорлигини, ҳуқуқбузарликлар барвақт профилактикасини, ҳимояга ва ёрдамга муҳтоҷ ҳамда мурожаат билан келган фуқароларни кечаю-кундуз қабул қилиш, уларга амалий кўмак беришни таъминлаш мақсадида уларнинг узлуксиз хизмат фаолиятини амалга оширишларини таъминлаш учун 6 787 та хизмат уйлари ва 7 388 та шахсий автомашина ҳарид қилиш учун имтиёзли кредитлар ажратилди[19].

Тўртинчи йўналиш. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий методикасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Айниқса, жиноятчиликни “маҳаллабай” жиловлаш ишларини йўлга кўйиш борасида тизимили ишлар амалга оширилди. “Энди ишни “маҳаллабай” ташкил этишда маҳалла раиси, профилактика инспектори, мактаб директори, ёшлар етакчisi ёшлар муаммоларини “фуқаробай” аниклади. Мана, бир пайтлар биз “мижозбай” ишладик. Энди маҳаллада “фуқаробай” ишлаймиз. Уйнинг ичидаги одамнинг кайфияти қандай? Нима мурод-мақсади бор? Қандай муаммолари бор? Шуларни “фуқаробай” аниклаб, сектор раҳбарлари олдида аниқ ва лўнда масалаларни кўйишлари шарт”[20].

Бугунги кунда мамлакат ва унинг барча худудларида ижтимоий-иктисодий

барқарорликни таъминлаш мақсадида: а) республика бўйича 830 та криминоген вазияти оғир маҳаллаларда муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган “оилабай” дастурлари ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилиб келинаётганлиги; б) республикамизнинг барча (9 251 та) маҳаллаларида криминоген вазият танқидий кўриб чиқилиб, 2 908 та маҳалла “қизил”, 1 784 таси “сарик” ва 4 559 таси “яшил” тоифаларга ажратилганлиги[21]; в) “қизил” ва “сарик” маҳаллаларда “жиноят ўчоқ”ларини бартараф этиш учун уларнинг ҳар бири туман-шаҳар ҳокими, ҳуқуқтартибот идоралари раҳбарлари ва ўринbosарларига бириктирилганлиги; г) криминоген вазияти энг оғир ҳисобланган 267 та маҳаллада қўшимча патруллик йўналишлари ташкил этилганлиги ҳамда уларга 442 нафар ички ишлар органлари ва 307 нафар Миллий гвардия ходимлари жалб этилаётганлиги[22] ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳар бир худудда энг оғир бўлган 10 тадан маҳалла вилоят даражасидаги биринчи раҳбарларга бириктирилиб, худудда мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича “ижтимоий профилактика” тизими амалиётга татбиқ этилмоқда. Масалан, “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” асосида хотин-қизлар, ёшларни иш билан таъминлаш, касб-хунарга йўналтириш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш борасида амалга оширилиб келинаётган изчил чора-тадбирларда шулар жумласидандир. Худудлардаги муаммолар “маҳаллабай”, “хонадонбай”, “фуқаробай” сингари ёндашувлар асосида ҳал этилмоқда.

“Хавфсиз хонадон” ва “Хавфсиз ҳовли” тизими асосида уйма-уй юриб, индивидуал ёндашув асосида аҳолининг ижтимоий масалалардаги муаммолари ва

эхтиёжлари аниқлаш ҳамда аниқланган муаммоларни имкон қадар жойида ҳал этиш амалиётининг йўлга қўйилганлиги, ҳар бир ҳудудда низоли оиласларни ўз вақтида аниқлаш, низолашаётган тоифа шахсларни ўрганиш ва келгусида уларнинг ҳар бирiga ғайриижтимоий ёки бошқа хуқуқка хилоф хулқ-атвор эҳтимоли нуқтаи назаридан индивидуал ташхис қўйиш ҳамда профилактик аҳамиятга эга бўлган таъсиран чораларни кўриш имкониятини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Бешинчи йўналиши. Хукуқбузарликлар профилактикаси соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштириш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хукуқбузарликлар профилактикаси соҳаси учун Узбекистон Республикаси ИИВ Академиясида (2004 йилдан) [23], Давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиалида (2018 йилдан) [24] кадрлар тайёрлаш, шунингдек Узбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институтида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш (2021 йилдан)[25] йўлга қўйилди.

Бу борада, айниқса, ички ишлар органлари хукуқбузарликлар профилактикаси тизимида хизмат олиб бораётган ходимларининг базавий хукуқий, касбий билимлари ва амалий кўникмаларини ошириш мақсадида 2021 йилнинг апрель ойидан бошлаб, жами 7028 нафар профилактика инспекторлари билан “шаҳар инспектори” ва “қишлоқ инспектори” моделлари асосида базавий сайёр ўқув машғулотлари ўтказилиб келинаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олтинчи йўналиши. Ички ишлар органларининг хукуқбузарликлар профилактикасини назарий, ташкилий-хукуқий таъминлаш соҳасидаги муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этиш

бўйича илмий асосланган хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши, шунингдек, соҳага илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш учун мақсадли тадқиқотлар ўтказилиши йўлга қўйилган. Ўтган йиллар давомида аёллар жиноятчилиги[26], уюшган жиноятчилик[27], алкоголизм, фоҳишилик, гиёҳвандлик[28], оиласида гиёҳвандлик[29], уюшмаган ёшлилар хукуқбузарлиги[30], вояга етманлар хукуқбузарлиги[31], хукуқбузарликларнинг умумий[32] ва виктимологик[33] профилактикасини, шунингдек, профилактика хизматлари фаолиятини[34], ички ишлар органлари таянч пунктларни бошқаришни[35] такомиллаштиришга оид диссертация тадқиқотлари амалга оширилиб, уларнинг натижалари амалиётга жорий этилмоқда.

Ички ишлар органларининг хукуқбузарликлар профилактикаси соҳасига оид долзарб масалалар бўйича халқаро[36] ва республика миқёсида илмий-амалий конференциялар ўтказилиши йўлга қўйилган. Халқаро ва республика илмий журналларида мақолалар чоп этилиб келинмоқда.

Еттингчи йўналиши. Хукуқбузарликлар профилактикасини ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалга оширишни ташкил этишнинг янгича тартиби ва механизмлари жорий этилмоқда. Таҳлиллар, профилактик ҳисобда турган ва муаммоси мавжуд бўлган шахслар билан ишлаш бўйича “Сергели тажрибаси”, криминоген вазияти мураккаб бўлган маҳаллаларда жиноятчиликни жиловлаш бўйича Сирдарё вилоятининг “Жиноятчиликдан ҳоли маҳалла” тажрибаси, аёллар жиноятчилигининг барвақт олдини олиш мақсадида “Бухоро тажрибаси”, уюшмаган ёшлилар билан манзилли ишлаш ва улар ўртасида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги профилактик ишларни жадаллаштиришга

қаратилган “Фарғона тажрибаси” ҳамда айбланувчи, судланувчининг терговдан ва суддан бўйин товлашининг, унинг кейинги жиноий фаолиятининг олдини олиш, ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш чоралари жорий этилиб амалиётга татбиқ этилаётганлиги, жиноятларнинг барвақт профилактикаси борасидаги чора-тадбирларни самарадорлигини оширишга, шунингдек фаолиятни аник объектларга манзилли йўналтиришга замин яратмоқда.

Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда халқимизнинг розилиги, унинг ишончини оқлашга муайян даражада эришилмоқда. Ички ишлар тизимидағи ислоҳотлар аҳолининг ички ишлар органлари, хусусан профилактика хизматларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга имкон бермоқда.

Буни 2020 йилнинг ноябрь ойида “Gallup” халқаро ижтимоий сўров ташкилоти томонидан чоп этилган “Global Law and Order” ҳисоботида Ўзбекистон – ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари аҳоли ишончини қозонган хавфсиз мамлакат эканлигини тасдиқлаганлигига ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Мазкур сўровда қонун ва тартиб индекси рейтинги “Яшабтурганшахрингиз ёки ҳудудингиздаги маҳаллий ҳуқуқ-тартибот органларига ишонасизми?”, “Яшаётган шаҳрингиз ёки ҳудудингизда кечалари сайр қилишда ўзингизни хавфсиз ҳис қиласизми?”, “Сўнгти 12 ой ичida ўзингиз ёки оила аъзоларингиз пул ёки мулк ўғирлатганми?” ва “Охирги 12 ой ичida сизга ҳужум қилишдими ёки тунашдими?” мазмунидаги саволларга

респондентлардан олинган жавоблар асосида тузилган.

Ўзбекистон Туркманистон ва Швейцария билан бирга тўртинчи ўриндан жой олган бўлса, Сингапур рейтингда етакчи бўлди. Тожикистон эса иккинчи ва Афғонистон охирги ўринда қайд этилган[37].

Республикамизда давлат ва жамият манфаатлари, айниқса фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулкини турли таҳдид ҳамда тажовузлардан ҳимоя қилишга оид қонун нормалари талабларининг ижросини таъминлаш бўйича ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чораларининг самарадорлигини оширишга янгича механизмларини жорий этишга эътиборни янада кучайтиришни талаб қилади.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини янада такомиллаштириш: а) маҳалларда жиноятчиликни жиловлаш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаб-шароитларини анилаш, ўрганиш ва бартараф этишда “ижтимоий профилактика” устуворлигини таъминлаш; б) профилактика инспекторларини хизмат мажбуриятларига тааллуқли бўлмаган юкламалардан халос этиб, асосий фаолиятини “барвақт профилактика” чора-тадбирларини тизимли амалга оширишга йўналтириш; в) соҳага ҳуқуқ, педагогика, психология соҳасига оид замонавий билимларга эга ва ахборот технологияларини самарали қўллай оладиган маънавий юксак етук профессионал кадрларни тайёрлашга эришиш; г) тизим фаолиятида эскича ишлашдан, қофозбозликдан воз кечиш ва иш юритишнинг рақамлаштирилган тартибиغا ўтишни, шунингдек фаолиятга суъний интеллектдан фойдаланишни жорий этиб боришни тақозо этмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ4947-сон Фармони // <https://www.lex.uz/acts/3107036>.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январдаги “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-кувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ5308-сон фармони // <https://www.lex.uz/acts/3107036>

3. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 17 январдаги “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ5635-сон фармони // <https://www.lex.uz/acts/3107401>.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 2 марта даги “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ5953-сон Фармони // <https://www.lex.uz/acts/3107461>.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 3 февралдаги “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-кувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ6165-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5260791>.

6. Ички ишлар органларидағи ислоҳотлар – тинчлик ва осойишталик гарови: Монография / И.Исмаилов, М.З.Зиёдуллаев ва бошқ. – Т., 2014. – Б. 20., *Исмаилов И.* Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари // Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т., 2015. – Б. 14–20., *Исмаилов И.* Ички ишлар органлари тизимидағи туб ислоҳотлар – қонунлар ижроси механизмини такомиллаштириш гарови // Ички ишлар органларида норматив-ҳуқуқий хужжатлар ижросини таъминлаш механизми: бугунги ҳолати ва истиқболлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2020 йил 4 март). – Т., 2020. – Б. 21.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг маъсулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон Фармони / <https://lex.uz/docs/3159827>.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4075-сон қарори / <https://lex.uz/docs/4124831>.

9. “Эл тинчлигини таъминлаш, барқарорликни сақлаш йўлида ходимларимиз ўз ҳаётини ҳам аямайди”, Пўлат Бобоҷонов билан катта интервью// <https://uza.uz/uz/posts/ichki1-ishlar-vaziri-el-tinchligini-taminlash-bar-arorlikni-s-15-08-2020>.

10. Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислоҳотлар // <https://iiv.uz/oz/pages/ichki-ishtarligi-faoliyatiga-oid-hisobotlar>.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта даги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши қурашиб соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5344118>.

12. Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислоҳотлар // <https://iiv.uz/oz/pages/ichki-ishtarligi-faoliyatiga-oid-hisobotlar>.

13. “Эл тинчлигини таъминлаш, барқарорликни сақлаш йўлида ходимларимиз ўз ҳаётини ҳам аямайди”, Пўлат Бобожонов билан катта интервью// <https://aza.uz/posts/ichki1-ishlar-vaziri-el-tinchligini-taminlash-bar-arorlikni-s-15-08-2020>.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПҚ-4075-сон қарори // <https://lex.uz/docs/4124831>.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПҚ-5050-сон қарори // <https://lex.uz/ru/docs/5353841>.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта даги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора - тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-6196-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5344118>.

17. Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислоҳотлар // <https://iiv.uz/oz/pages/ichki-ishlar-vazirligi-faoliyatiga-oid-hisobotlar>.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта даги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора - тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-6196-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5344118>.

19. Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислоҳотлар // <https://iiv.uz/oz/pages/ichki-ishlar-vazirligi-faoliyatiga-oid-hisobotlar>.

20. “Энди маҳаллада “фуқаробай” ишлаймиз” — Шавкат Мирзиёев // <https://kun.uz/49206105>

21. Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислоҳотлар//<https://iiv.uz/oz/pages/ichki-ishlar-vazirligi-faoliyatiga-oid-hisobotlar>.

22. Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислоҳотлар//<https://iiv.uz/oz/pages/ichki-ishlar-vazirligi-faoliyatiga-oid-hisobotlar>.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ички ишлар идораларига мутахассислар тайёрловини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ти қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 февралдаги “Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПҚ-4166-сон қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-3216-сон қарори // URL: <http://www.lex.uz>; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПҚ-5076-сон қарори // <https://lex.uz/ru/docs/5377619>.

26. Абдурасулова К.Р. Аёллар жиноятчилиги ва уларнинг олдини олиш муаммолари: юрид.фан. д-ри. ... дис. – Т., 2006.

27. Исаев И. Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-хукуқий таъминлаш: юрид. фан. д-ри. ... дис. – Т., 2006.

28. Уразалиев М.К. Алкоголизм, фоҳишалик ва гиёхвандликнинг жиноятчилик билан алоқадорлиги, уларнинг криминологик хусусиятлари ва олдини олишни такомиллаштириш: юрид. фан. д-ри. ... дис. – Т., 2016.

29. Муродов А.Ш. Ички ишлар органларининг оиласидаги зўравонлик билан боғлиқ хукуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш: юрид. фан. бўйича фал. д-ри (PhD). ... дис. – Т., 2019.

30. *Гофуров Ш.Р.* Уюшмаган ёшлар ўртасида хукуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юрид. фан. бўйича фал. д-ри (PhD). ... дис. – Т., 2019.

31. *Гофуров Ш.Р.* Уюшмаган ёшлар ўртасида хукуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юрид. фан. бўйича фал. д-ри (PhD). ... дис. – Т., 2019.

32. *Хўжсақулов С.Б.* Хукуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари мисолида): юрид. фан. бўйича фал. д-ри. ... дис. – Т., 2018.

33. *Саитқұлов Қ.А.* Ички ишлар органларининг хукуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш: юрид. фан. бўйича фал. д-ри (PhD). ... дис. – Т., 2020.

34. *Мухторов Ж.С.* Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш: юрид. фан. номз. ... дис. – Т., 2009.

35. *Зиёдуллаев М.З.* Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. д-ри. ... дис. – Т., 2018.

36. Изоҳ: 2021 йил апрелдаги “Таълим муассасалари, маҳалла ва ички ишлар органларининг вояга етмаганлар хукукий маданиятини шакллантиришдаги ҳамкорлиги” халқаро илмий-амалий конференция, 2121 йил майдаги “Хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг профилактика фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари: назария ва амалиёт” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция. Изоҳ: 2020 йил майдаги “Хукуқбузарликлар профилактикасига оид қонунлар ижросини таъминлаш билан боғлиқ муаммо ва ечимлар”. Республика илмий-амалий конференция.

37. Ички ишлар тизимидағи ислоҳотлар Ўзбекистон хукуқ-тартибот идораларига бўлган ишончни яхшилади //https://central.asia-news.com/uz-Cyr/articles/cnmi_ca/features/2019/11/19/feature-01.

А. С. Турсунов,
ИИВ Академияси Жиноят-ижроия ҳуқуқи кафедраси профессори,
юридик фанлар доктори, профессор;

Ф. А. Примов,
ИИВ Академияси Илмий кенгаш илмий котиби, доцент

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ: КЕЧА, БУГУН ВА ИСТИҚБОЛДА

Аннотация. Мазкур мақолада мустақиллик йилларида ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларининг шаклланиши, ривожланиши ҳамда бугунги кундаги ҳолати таҳлил қилинган, шунингдек, бу борадаги истиқболдаги масалалар юзасидан айрим таклифлар баён этилган.

Таянч сўзлар: ички ишлар органлари, ислоҳотлар, ҳуқуқбузарлик, барқарорлик, тинчлик, халқпарвар тизим.

Аннотация. Данная статья посвящена формированию и развитию правовых основ деятельности органов внутренних дел в годы независимости, а также даны некоторые предложения по перспективным вопросам их дальнейшего развития.

Ключевые слова: органы внутренних дел; реформы, правонарушение, стабильность, спокойствие, гуманная система.

Annotation. This article deals with the formation and development of the legal framework for the activities of the internal affairs bodies in the years of Independence of our country. Also, author gives some proposals on promising issues of their further development.

Keywords: internal affairs bodies; reforms, delinquency, stability, tranquillity, humane system, internal affairs bodies; reforms, delinquency, stability, tranquillity, humane system.

Ўтган йиллар мобайнида ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида ички ишлар органлари доимо халқ билан бирга бўладиган, халқнинг оғирини енгил, мушкулини осон қиласидиган, тинчлик ва осойишталик ҳамда қонун устуворлигини таъминлай оладиган чинакам халқпарвар тизимга айланиб бормоқда.

Бугун мустақил Ўзбекистон ички ишлар органлари 30 йиллик катта тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтди. Бунда, албатта, ички ишлар органларининг ҳуқуқий асослари ҳам ривожланиб борди.

Ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ривожланишини қўйидаги босқичларда кўриш мумкин:

Биринчи босқичда мустақил Ўзбекистон ички ишлар органларининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Таъкидлаш лозимки, мустақил Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тарихи бевосита Ватанимиз мустақиллигининг эълон қилиниши билан уйғун тарзда юз берди. 1991 йил 25 август куни (давлат мустақиллиги эълон қилинишидан 6 кун олдин) Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг маҳсус Фармонига биноан Ички ишлар вазирлигининг Ўзбекистон қонуний тасарруфига олиниши, республика ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон Президентига бўйсундирилиши[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги сари қўйилган амалий қадамлардан бири бўлди.

Мазкур Фармоннинг янабираҳамиятли томони шундаки, Ўзбекистон ССР Ички

ишилар вазирлиги, Республика худудида жойлашган ички қўшинлар партиядан ҳоли қилиниши ва бундан бўён уларда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг янги ташкилий тузилмаларини вужудга келтиришга йўл қўйилмаслигининг белгилаб қўйилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ички ишилар органларининг холисона хизмат қилишлари учун замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишилар вазирлиги ҳақида”ги 270-сон қарорига биноан Ўзбекистон ССР Ички ишилар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишилар вазирлигига айлантирилиши муносабати билан мустақил Ўзбекистон Республикаси Ички ишилар вазирлиги тарихи бошланди [2]. Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишилар вазирлиги ҳақидаги Низом ва унинг марказий аппарати тузулиши ҳамда амалдаги ходимлар сони тасдиқланди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ғоят мураккаб вазият ҳукм сурарди. Жумладан, 1990 йиллар бошларида республикамиз ҳудудларида кўплаб ўшган жиноий грухлар аҳолининг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришига таҳдид соларди. Биргина Тошкент вилоятининг ўзида 1.134 кишидан иборат 341 та жиноий грух фаолият юритарди. Шу сабабли мустақилликнинг дастлабки йилларида ички ишилар органларининг асосий фаолияти мамлакатда вазиятни барқарорлаширишга, давлат мустақиллигини, фуқароларнинг тинч ҳаётини издан чиқаришига қаратилган ҳаракатларга қарши курашишга йўналтирилди.

Шу билан бирга, Ички ишилар органлари мустақилликнинг дастлабки йилларида давлат чегараларини қўриқлаш ҳамда мамлакатнинг ҳудудий дахлсизлигини таъминлаш юзасидан ҳам муайян вазифаларни бажаришиди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 5 сентябрдаги “Тожикистон Республикаси билан чегарани қўриқлаш вазифаларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишилар вазирлиги зиммасига вақтинча юклаш тўғрисида”ги 412-сон қарорига биноан “Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида”ги Қонун қабул қилингунга қадар чегарани бузувчилар, жиноий грухлар ва транспортнинг эҳтимол тутилган ҳаракати йўлларида Тожикистон Республикаси билан чегарани қўриқлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишилар вазирлиги зиммасига юклатилди.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши ички ишилар органлари фаолиятининг қонуний асосларини янада мустаҳкамлади. Шунингдек, 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси ички ишилар органларини мустаҳкамлаш тўғрисида”ги қарорлари қабул қилиниши ҳамда “Ички ишилар органларида хизмат ўташ тартиби ҳақидаги вақтинчалик Низоми”нинг тасдиқланиши ички ишилар органлари тизимини ислоҳ қилиш бўйича янги саҳифани очиб берди. Шунингдек, бу даврда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси ички ишилар органларида хизмат ўташ тўғрисида”ги вақтинчалик низом[3] гарчан “вақтинчалик” бўлса-да 16 йил мобайнида амал қилди.

Ички ишилар органлари учун кадрлар тайёрлашнинг ҳукуқий ва ташкилий-институционал асослари яратилди.

Хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 10 январдаги “СССР Ички ишилар вазирлигининг ички қўшинлари ва ўқув юртлари тўғрисида”ги ПФ-318-сон Фармони билан СССР Ички ишилар вазирлигининг Тошкентдаги олий

мактаби ва СССР Ички ишлар вазирлиги ички қўшинларининг Тошкентдаги олий ҳарбий-техника билим юрти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қарамогига ўтказилди [4];

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 11 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ёнғиндан сақлаш олий техник мактабини ташкил этиш тўғрисида”ги 404-сон қарори билан Ёнғин хавфсизлиги муҳандислари Тошкент факультети ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ёнғин хавфсизлиги мутахассисларини тайёрлаш ва ички ишлар органлари бошлиқлари таркиби малакасини ошириш бўйича Тошкент ёнғиндан сақлаш техник билим юрти негизида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғиндан сақлаш олий техник мактаби ташкил этилди [5];

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Академиясини ташкил этиш тўғрисида”ги 447-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Олий ва ўрта маҳсус милиция мактаблари негизида ички ишлар органлари мутахассисларини тайёрлаш ва бошлиқлар таркиби ходимларининг малакасини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Академияси ташкил этилди[6].

Бу даврда ички ишлар органларининг хукуқий асосларини ташкил этувчи “Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида”ги[7], “Ўзбекистон Республикаси давлат герби тўғрисида”ги[8], “Сурункали алкоголизм, гиёхвандлик ёки захарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида”ги[9], “Ўзбекистон Республикасининг давлат мадхияси тўғрисида”ги[10] қонунлари қабул қилинди.

Иккинчи босқичда ички ишлар органларининг конституцияий тузумни химоя қилиш, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, ички ишлар органларининг тузилиши ва тизимини ўзгартириш, унинг мобиллигини ошириш бўйича хукуқий хужжатлар қабул қилинди.

1999 йил 16 февралда Тошкентда содир этилган бир қатор қўпорувчилик ҳаракатлари хавфсизлик масаласига жиддий ёндашувни талаб этди. Шу боис 1999 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу хукуқий хужжатлар ички ишлар органлари тизимида туб ислоҳотларни бошлаб берди.

Ислоҳотларнинг кейинги босқичи 2001 йил 27 марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан бошланди. Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ички ишлар вазирлигининг бир қатор хизматларини ислоҳ қилиш бўйича олтига устувор қарорлари чиқарилди.

Республикадаги вазиятни беқарорлаштиришга, мамлакат мустақиллигини, фуқароларнинг тинч ҳаётини издан чиқаришга қаратилган ҳаракатлар жумладан, 2004 йил 29–30 март ва 1 апрель кунлари Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ҳамда Бухоронинг Ромитан туманида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида бир неча ички ишлар органлари ходими ва фуқаро ҳалок бўлди.

Бу эса ички ишлар органларини ислоҳ қилишни яна давом эттиришга қаратилган 2004 йил 19 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш

чора-тадбирлари тұғрисида”ги фармонининг қабул қилинишига турткы бўлди.

Бу даврда ички ишлар органларининг турли соҳаларидағи ваколатлари, хуқуклари ҳамда фаолият йўналишларини белгиловчи қатор қонунлар қабул қилинди. Жумладан, “Темир йўл транспорти тұғрисида”ги қонунда темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати ва бошқа чораларни кўришда ички ишлар органларининг иштироки (201-м.), шунингдек темир йўл транспортининг энг муҳим обьектлари ва маҳсус юкларни кўриқлашда ички ишлар органларининг транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ваколатлари (22-м.)[11], “Терроризмга қарши кураш тұғрисида”ги қонунда ИИВнинг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари (10-м.) [12], “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тұғрисида”ги қонунда суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этишда ички ишлар органларининг иштироки[13], “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тұғрисида”ги қонунда ИИОнинг ҳарбий рўйхат қоидаларига риоя этиш борасидаги мажбуриятлари (45-м.) [14], “Мухофаза этиладиган табиий худудлар тұғрисида”ги қонунда сув обьектларининг санитария мухофазаси зоналари ички ишлар органлари томонидан қўриқланиши (17-м.)[15], “Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тұғрисида”ги қонунда гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлишига оид ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ҳамда уларнинг қонунга хилоф равишида муомалада бўлишига монелик қилиш, фуқаролар соғлигини сақлаш ҳамда давлат хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органларининг ваколатлари[16], “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза

қилиш тұғрисида”ги қонунда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун ички ишлар органларининг кучлари ва воситаларининг кўлланилиши (24-м.), “Автомобиль йўллари тұғрисида”ги қонунда автомобиль йўллари соҳасида ички ишлар органларининг иштироки (16, 23-м.), “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси тұғрисида”ги қонунда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасида ички ишлар органларининг ваколатлари (10–12-м.), “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тұғрисида”ги қонунда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни қамоқда сақлашда ички ишлар органларининг иштироки ва ваколатлари, “Тезкор-қидирав фаолияти тұғрисида”ги Қонунда тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи орган сифатида ИИВнинг хуқуклари ва мажбуриятлари (12, 13-м.), “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тұғрисида”ги қонунда Узбекистон Республикаси ИИВнинг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари (8-м.), “Экологик назорат тұғрисида”ги қонунда экологик назорат соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органларидан бири сифатида ИИВнинг бу борадаги ваколатлари (11-м.), “Хукуқбузарликлар профилактикаси тұғрисида”ги қонунда ички ишлар органларининг хукуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари (10-м.), “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тұғрисида”ги қонунда давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлардан бири сифатида бу борада ИИВнинг иштироки, “Ёшларга оид давлат сиёсати тұғрисида”ги қонунда ички ишлар органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари (15-м.) белгиланди.

Мазкур даврда қабул қилинган ички ишлар органлари фаолиятининг бевосита ҳукуқий асосларини ташкил этувчи қонунлар сифатида “Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ти ҳамда “Ҳукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ушбу қонунларда ички ишлар органларининг функционал вазифалари назарда тутилди.

Учинчи босқичда ички ишлар органларини замон талаблари асосида ислоҳ қилиш, хусусан ҳалқпарвар ички ишлар органлари тизимини яратишнинг ҳукуқий асослари яратилди.

2016 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши ички ишлар органлари тизимининг янги тарихий ривожланиш босқичини бошлаб берди.

Мазкур қонун қабул қилиниши муносабати билан ички ишлар органларининг ҳукуқий мақоми, ваколатлари, мажбуриятлари ва ҳукуқлари, ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби ва шартларининг қонун даражасидаги ҳукуқий асоси вужудга келди ҳамда ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳак-ҳукуқларини ҳимоя қилиш, жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишнинг мустаҳкам ҳукуқий замини вужудга келди.

Ички ишлар органларининг мақоми алоҳида қонун билан белгиланиши ҳалқаро стандартларга ҳам мос келади. Жумладан, Европа Кенгашининг Демократияга ҳукуқ орқали комиссияси (Венеция комиссияси)даги “Ҳукуқ устуворлигига риоя қилинишини баҳолаш учун назорат саволлари рўйхати”нинг

44–45-бандларида давлатнинг ҳаракатлари қонунга мувофиқ амалга оширилиши, давлат органларининг ваколатлари қонун билан тартибга солиниши зарурлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони асосида ўтган вақт мобайнида улкан ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органлари тизими-даги ислоҳотлар, бир томондан, ушбу тузилмани ҳалқ манфаатлари га хизмат қилишга йўналтирилган янги профессионал тузилмага айлантиришга қаратилган бўлса, бошқа томондан эса мамлакатимизда ҳукуқ-тартиботни, осойишталикни ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини, фуқароларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини кафолатлашнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди.

Ўтган беш йил мобайнида Ички ишлар органларини ўз хизмат бурчи – “Ҳалқ манфаатлари га хизмат қилиш”ни сўзсиз бажарадиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш борасида тарихий ислоҳотлар амалга оширилди. Бу давр мобайнида ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида жами 9 та қонун, Президентнинг 10 та қарори, 72 та Ҳукумат қарорлари, 135 та идораларро ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги, “Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида”ги, “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қурол тўғрисида”ги, “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни

тазийк ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги[38] қонунлар шулар жумласидандир.

Бу даврда ички ишлар органлари фаолиятига бутунлай янги иш услублари жорий этилди. Тизимнинг асосий фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг барваҳт олдини олишга, халқнинг ижтимоий-иктисодий муаммоларини ҳал қилишга, бир сўз билан айтганда халқ манфаатлари учун хизмат қилишга йўналирилди.

Хусусан бу борада қўйидагиларни мисол сифатида келтириб ўтиш мумкин:

- ички ишлар органларини халққа янада яқинлаштириш, мурожаатларни туну кун қабул қилиш, мавжуд муаммоларни жойида ва ўз вақтида ҳал этиш мақсадида 200 га яқин ички ишлар бўлими ва бўлинмалари фаолияти тўлиқ янгитдан ташкил этилди. Бунинг натижасида марказий аппаратдаги шахсий таркибнинг 85 фоизи бевосита аҳоли яшаш пунктларига, қўйи тизимларга туширилди;

- тизимдаги барча таркибий ва худудий бўлинмалар, жумладан, профилактика, жиноят қидирув, тергов, йўл-патруль ва патруль-пост хизматлари, эксперти-криминалистика ва паспорт бўлинмалари мутлақо янгича мезонлар асосида қайта шакллантирилгани, ходимлар хизмат фаолиятига хос бўлмаган кўплаб ишлардан озод этилгани соҳада иш самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда:

- жиноятчиликка қарши курашнинг энг самарали усули – профилактика, яъни қонунбузарликларнинг олдини олишдан иборат. Шу сабабли, ҳар бир маҳаллага камида бир нафар профилактика инспектори биринтирилиб, улар маҳалла раисларининг ҳуқуқтартибот бўйича ўринбосари сифатида фаолият юритиб келмоқда. Бунинг

натижасида маҳаллаларда хизмат олиб борган 7.299 нафар профилактика инспекторлари сони 9.875 нафарга ошиди. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишида 363 та хотин-қизлар масалалалари бўйича инспектор лавозимлари жорий этилди;

- жазони ижро этиш инспекцияси ўрнига пробация хизмати ташкил этилди;

- мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, сайёҳлик жозибадорлигини ошириш мақсадида хавфсиз туризмни ташкил этиш бўлинмалари фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозирги вақтда ушбу бўлинмалarda камида 3 та хорижий тилни биладиган, тарих, этнография ва санъат соҳасида чуқур маълумотга эга бўлган ёш ходимлар хизмат вазифаларини муносиб адо этмоқдалар;

- Ички ишлар органлари инновацион рақамли технологиялар ва ахборот-коммуникация тизимлари билан мунтазам таъминланмоқда. Биргина 2017–2020 йилларда шахсий таркиб учун 45 та янги хизмат обьекти қурилиб, фойдаланишга топширилгани бу фикрни тасдиқлайди.

- ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг “маҳаллабай”, “оилабай” ҳамда “фуқаробай” шакллари жорий этилди.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони билан Ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг қўйидаги мутлақо янги механизмлари белгиланди:

- ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш;

• ҳудудларда жиноятчилик ахволидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда “жиноят ўчоқлари”ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш;

• “республика – вилоят – туман – маҳалла” тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш;

• ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш;

• соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш.

Ички ишлар органлари фаолиятини ислоҳ қилиш бўйича кўрилган чоралар бугун ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Жумладан:

2018 йилда – 25,5%;

2019 йилда – 33,7%;

2020 йилда 49% маҳаллаларда жиноят содир этилмади.

2021 йилги халқаро жиноятчилик даражаси индексида Ўзбекистон хавфсизлик бўйича 135 мамлакат орасида 40-ўринни эгаллади.(Маълумот учун: Ўзбекистон ушбу индекс бўйича Марказий Осиё давлатлари орасида энг хавфсиз мамлакат бўлди.)

Табиийки, ички ишлар органлари тизимининг таркибий қисми сифатида вазирлик Академиясида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди ҳамда ушбу даргоҳда ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича муҳим ўзгаришлар амалга оширилди.

Жумладан, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

• Академияда кадрларни тайёрлаш жараёнига бакалавриат ва магистратурани ўз ичига олувчи икки босқичли олий таълим тизими жорий этилди;

• Академиядаги таълим тизими кадрларни мақсадли касбий тайёрлашга қаратилади ҳамда биринчи курсдан бошлаб мутахассислик ва юридик фанларни ўқитиш, жанговар ва жисмоний жиҳатдан тайёрлаш чуқурлаштирилган ҳолда амалга оширилиши белгиланди;

• Академиянинг магистратура дастури бўйича ўқитиш ички ишлар органларининг раҳбар кадрларини тайёрлашга қаратилади ҳамда иккинчи даражадаги “ташқилий-тактик бошқарув” ва биринчи даражадаги “ташқилий-стратегик бошқарув” йўналишларида ташкил этилди.

Ички ишлар тизимини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ҳақиқий халқчил тизимга айлантириш бўйича кенг кўламли чоралар бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда. Бу эса “Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим” деган ҳаётий тамойилни жорий этишга хизмат қиласди.

Кейинги беш йил давомида ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида ички ишлар органларининг функционал вазифаларида ҳам туб ўзгаришлар бўлди. Ҳусусан, илгари ички ишлар органларининг асосий вазифаси ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, жиноятчиликка қарши қурашиб ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг баравақт олдини олиш белгиланган бўлса, эндиликда эса ички ишлар органларининг аҳоли билан яқиндан мулоқот қилиш, аҳолини қийнаб келаётган тизимли муаммоларни ўрганиш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича ҳам вазифаларни самарали бажармоқда. Бу эса, ички ишлар органларини халқпарвар тизим сифатида шаклланишига хизмат қилмоқда.

Шундай қилиб, ички ишлар органлари 30 йиллик ривожланиш йўлини босиб

үтди. Бу даврда ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари шакллантирилди ва ривожлантирилди. Соңға оид бўлган 100 га яқин қонунлар, 500 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Келгусида ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш юзасидан қуидагилар тақлиф этилади:

биринчидан, бевосита ички ишлар органлари фаолиятига оид қонунлар ва қонуности ҳужжатларини тизимлаштириш. Хусусан, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ҳамда “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунларни бирлаштириш лозим. Чунки ҳар икки қонун ҳам мазмунан битта йўналишдаги муносабатларни тартибга солади. Аммо ушбу қонунларда ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасиغا икки хил ёндашилган. Бу эса ички ишлар органларининг ва бошқа давлат органлари ҳамда муассасаларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини яхлит ва самарали амалга оширишга салбий таъсир этмоқда. Бундан ташқари, ички ишлар органлари фаолиятига оид бошқа қонуности ҳужжатларини ҳам унификациялаш лозим;

иккинчидан, бугун ички ишлар органлари зиммасига янги функциялар ҳам юкланмоқда. Хусусан, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, уйма-уй юриш орқали аҳоли муаммоларини аниқлаш, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ҳамда “Ёшлилар дафтари” сингари ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга бевосита ички ишлар органлари ҳам жалб этилмоқда. Масалага чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак мазкур вазифалар аслида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг бир қисми ҳисобланади.

Бироқ мазкур йўналишда ички ишлар органларининг ваколатлари, мажбуриятлари аниқ белгиланмаган. Бу эса ички ишлар органларининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этишга салбий таъсир қилмоқда. Шу сабабли ички ишлар органларининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш лозим;

учинчидан, ички ишлар органларининг мобиллигини ошириш, ҳалққа янада яқинлаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича худудлар тажрибасини шакллантириш ҳамда ривожлантириш, кадрлар билан ишлаш юзасидан ўта марказлашган тизимдан воз кечиш мақсадида ҳудудий ички ишлар органларининг мустақиллигини оширишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш лозим;

тўртинчидан, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат тартибини сақлаш бўйича фуқаролар билан ҳамкорлигини ривожлантириш юзасидан “Фуқароларнинг жамоат тартибини сақлашдаги иштироки тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш;

бешинчидан, ички ишлар органларини ислоҳ қилиш ва фаолиятини ривожлантиришнинг келгусидаги тенденциялари тўғрисидаги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бизнинг мамлакатимизда ҳам келгусида полиция тизимиға ўтилиши мумкинлиги эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Бу эса “Полиция тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилинишини талаб қиласи.

Шундай қилиб, ўтган йиллар мобайнида ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий

тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек

хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Сайдов А., Тошкулов Ж. Ўзбекистон давлати ва ҳукуки тарихи: Ўқув қўлланма. – Т., 1995. – Б. 17.
2. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик Асқар Махкам таржимаси. – Т., 2001. – Б. 121.
3. Амплеева Т.Ю. История уголовного судопроизводства России: XI–XIX вв.: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2009. – Б. 8.
4. Абдурахмонова Н.А., Рустамова Г.И. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX-первой четверти XX века. – Т., 1999.
5. Шомансуров А.А. Законодательное обеспечение уголовно-исполнительной системы Республики Узбекистан. – Т., 2008. – С. 9.
6. Ведомости Верховного Совета СССР. – 1969. – № 29. – С. 247.
7. Ўзбекистон Олий Кенгашининг Ведомостлари. – 1970. – № 18. – 168-м.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2001. – № 9–10. – 165-модда.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси. – 2003. – № 9–10. – 149-модда.
10. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2005. – № 30–31. – 223-модда.
11. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2005. – № 32–33. – 242-модда.
12. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2017. – № 6. – 70-модда.
13. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2017. – № 33. – 838-модда.
14. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси. 08.11.2018 й., 07/18/4006/2166-сон.
15. Жазони ижро этиш департаментининг 2020 йил яқуни бўйича ҳисобот маълумоти.
16. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.

А. А. Шодиев,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Жиноят-ижроия ҳукуқи кафедраси бошлиги, доцент;

Қ. Р. Абдурасулова,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
кафедра профессори, юридик фанлар доктори, профессор

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ТИЗИМИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда жиноят-ижроия тизимини шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, тизимда амалга оширилган ислохотлар ҳамда маҳкумларнинг ҳақ-хукуқларини ҳимоя қилишга оид фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

Таянч сўзлар: жазо, жазо тизими, озодликдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш, маҳкум, учрашув, чеклов, тергов ҳибсонаси, жазони ижро этиш муассасаси.

Аннотация. В статье рассмотрены этапы формирования и развития уголовно-исполнительной системы в Республике Узбекистан, реформы, осуществляемые в системе, а также вопросы защиты прав и свобод осужденных.

Ключевые слова: наказание, система наказаний, лишение свободы, исправление, осужденный, свидание, ограничение, следственный изолятор, учреждения по исполнению наказаний.

Annotation. The article presents the opinion on the stages of formation and development of the penal enforcement system in the Republic of Uzbekistan, the reforms carried out in the system, as well as on the protection of the rights and freedoms of convicts.

Keywords: punishment, system of punishments, deprivation of liberty, correction, convict, date, restriction, remand prison, institutions for the execution of punishments.

Ўзбекистон ҳудудида гоҳида якка, гоҳида бир-биридан мустақил равишда фаолият кўрсатган давлат ёки давлатларнинг маъмурий бошқаруви, иш услублари, сиёсий тузими шариат қонунлари асосида амалга оширилган.

Мамлакатимиз ҳудудларида давлат ва ҳукуқнинг пайдо бўлганидан то бу ерда араблар ҳукмронлиги ўрнатилгунга қадар бўлган давр қарийб икки минг йилни ташкил этади. Афсуски, бу даврда ҳаракатда бўлган ҳукуқий меъёр қоидалари ҳақида етарлича маълумотлар сақланиб қолмаган [1].

Ўзбекистон тарихининг энг қадимги ёзма манбаси ҳисобланган зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да ҳам нодир маданий ёдгорлик сифатида қадимги тарихий

давр ҳақида ноёб маълумотлар мавжуд, хусусан, “Авесто”нинг “Вандидот” номи билан аталган бобида сувдан фойдаланиш, жиноят ва жазо, оила ва никоҳ, мулк билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи қоидалар ўз аксини топган. “Бир кимсани уриб, хушидан айиргани оқибатида товон тўламоқдан саркашли қилган зўравоннинг топгуси жазоси аспаҳиҳа-ашатра (гуноҳкорларни жазоловчи асбоб) ва саравушучарана (муайян гуноҳлар содир бўлганида қўлланилган жазо қуроли) қамчилари билан йигирма мартадан калтакланиши” [2] белгиланганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистоннинг сўнгги бир-икки асрлик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий тузумида жиддий ўзгаришлар

бўлганлигини кўриш мумкин. Шуни инобатга олиб, республика жиноят-ижроия тизимнинг ривожланиш даврини тўрта катта босқичга бўлишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Биринчи босқич – шариат қонунлари ва одат ҳуқуки нормалари асосида жиноий жазоларни тайинлаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини таъминлаш жойи сифатида зинданларидан фойдаланилган (Бухоро амирлиги, Кўқон ва Хива хонликлари) даврни ўз ичига олади.

Иккинчи босқич – озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо шариат судлари ва 1864 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Жазолар тўғрисида”ги[3] Низом асосида чор Россияси судлари томонидан белгиланган ва ижроси зинданлар ҳамда маҳсус қурилган биноларда таъминланган чор Россияси ҳукмронлиги даври ҳисобланади. Бу даврда жазолаш тизими инсонпарварлик тамойилларига асосланмаган, балки унда жисмоний руҳий азоб-уқубат бериш ёки инсонни ҳаётдан маҳрум қилишнинг даҳшатли усусларидан фойдаланиш етакчи ўрин тутган.

Учинчи босқич – жиноий жазо тизимида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросининг мақсади-маҳкумни аҳлоқан тузатиши эканлиги ва унга нисбатан жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказмаслиги биринчи маротаба расман эътироф этилган[4]. Ушбу босқичда жазонинг мазкур ижросини таъминловчи ихтисослашган давлат органлари тўла-тўқис шаклланган, айни пайтда ушбу органлардан ташкил топган жазони ижро этиш тизимидан фойдаланиб, маълум бир давр оммавий қатағон сиёсати юргизилган собиқ Иттифоқ ҳукмронлиги даври.

Бу даврда барча ягона тизимга қамоқхоналарни бирлаштириш ва уларни бошқаришнинг яхлит тизимини шакллантириш мақсадида Туркистон АССР Халқ комиссарлари Кенгashi

томонидан бир қанча ҳуқуқий асослар яратилди ва қатор амалий чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг 1918 йил 13 декабрдаги қарори билан “Озодликдан маҳрум этиш жазо чораси ва уни ўташ тартиби тўғрисида”ги Муваққат йўриқнома қабул қилинди. Ушбу муваққат йўриқнома озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий асоси бўлган биринчи норматив ҳужжат эди [5].

Кейинчалик 1961 йил 3 апрель кунидаги ҳукумат қарори билан “Ахлоқ тузатиш-меҳнат колониялари ва қамоқхоналари ҳақида низом” ҳамда 1969 йилда “Ахлоқ-тузатиш меҳнат қонунчилиги асослари” [6] ва “Дастлабки қамоққа олиш ҳақида низом”, ушбу меъёрий ҳужжатлар асосида эса 1970 йил “Ахлоқ тузатиш-меҳнат кодекси” [7] қабул қилинди.

Тўртинчи босқич – (1991 й.) Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қадр-қиммати, қонуний манфаатлари ҳурмат қилиниб, инсоннинг эъзозланиши давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу билан республика жиноят-ижроия тизими ривожланиш босқичининг 4-даври бошланди.

Жумладан, жиноий жазони ижро этишга оид ҳуқуқ нормалари қонунчиликнинг халқаро меъёр ва стандартларига мувофиқлигига алоҳида эътибор қаратилиб, 1994 йилда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал кодеслари, 1997 йил Жиноят-ижроия кодекси қабул қилинди. 2001 йил 29 августда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисида”ги [8] қонунининг қабул қилиниши алоҳида аҳамият касб этди. Унга кўра, Жиноят кодексининг қатор

моддаларида назарда тутилган ўлим жазоси бекор қилинди, 75% жиноят турлари оғир ва ўта оғир туридан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар турларига ўтказилди. Шунингдек, содир этилган жиноят натижасида етказилган заар жиноятчи томонидан тўлиқ қопланган тақдирда, судлар томонидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни қўллаш амалиёти тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 сентябрда қабул қилинган “Биринчи марта озодликдан маҳрум қилинган шахсларни жазони ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида”ги[9] фармонисуд-хуқуқ соҳасидаги навбатдаги ислоҳот бўлди. Унга кўра, биринчи марта қасдан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганилиги учун озодликдан маҳрум этилган шахс жазони манзил колонияларида, ўта оғир жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахс жазони умумий тартибли колонияларда ўташлиги белгиланди.

Ушбу фармон билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига киритилган ўзгаришлар маҳкумларнинг жазони ўташ шароитларини яхшилашга имкон берди, маҳкумларни муддатидан олдин озод қилиш мумкин бўлган моддалар кўпайди ва жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни жазони ўташ ва яшаш шароитлари сезиларли даражада яхшиланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги[10] ва “Қамоқقا олиш хуқуқини судларга бериш тўғрисида”ги [11] Ўзбекистон Республикаси қонунлари юртимиздаги жиноий жазолар тизимини дунёдаги энг инсонпарвар ва либерал тизимга айлантируди. Шунингдек, мазкур қонунларнинг қабул қилинишидан асосий мақсад, давлат, жиноий жазоларни

кўллашда жиноятчидан қасд олиш эмас, балки уни тарбиялаш, қайта тарбиялаш, ахлоқини тузатиш, рухиятини ва онгини, дунёқарашини ўзгартириш, жамиятга қонунларни, урф-одатларни хурмат қиласиган ва уларга бўйсунадиган шахс қилиб жамиятга қайтаришдан иборат бўлди.

Сўнгги йилларда Республикаизда жиноят-ижроия тизимини ислоҳ қилиши таъминлаш ва жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш, маҳкумларнинг ҳақ-хуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида кенг кўламли дастурй чоратадбирлар амалга оширилди. Мазкур жараён бешинчи босқични бошлаб берди. Бу давр Ўзбекистон жиноят-ижроия тизимидағи ижобий ислоҳотлар даври бўлиб тарихда қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси”[12] Ўзбекистонда демократия уларнинг инсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг хаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа даҳлсиз хуқуқлари олий қадрият экани тўғрисидаги конституциявий принципни таъминлашга қаратилган.

Ҳаракатлар Стратегиясининг бешта устувор йўналишлардан бири қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида жиноят-ижроия тизимида босқичма-босқичамалга оширилаётган ислоҳотлар ва тизимни либераллаштиришдан кўзланган мақсад маҳкумларни ва қамоқда сақланаётган шахсларнинг хуқуқлари, қадр-қимматларини, қонуний манфаатларини таъминлаш, жиноий жазоларни ижро этиш ва ўташ шароитларини ҳалкаро

стандартларга жавоб берадиган тизимга айлантириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 августдаги “Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори [13] республика жиноят-ижроия тизимини ривожлантиришнинг янги даврини белгилаб берди.

Ушбу қарорички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Унга кўра:

маҳкумлар ва қамоқقا олинган шахсларнинг хуқуқларига сўзсиз риоя этилишини, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилинишини таъминлаш, ходимларнинг хизмат вазифаларини лозим даражада бажарилиши устидан назоратни, коррупция ва мансаб ваколатини сунистемол қилиш, ҳолатларини истисно этадиган даражада кучайтириш;

маҳкумларда қонун талабларига ва жамиятдаги хулқ-атвор қоидаларига риоя этиш маданиятини, билим ва маънавий-ахлоқий савиясини оширишга интилишини шакллантиришга қаратилган қайта тарбиялаш ва ахлоқан тузатиш жараёнини такомиллаштириш;

фуқаролар билан уларни жиноят-ижроия соҳасида ташвишга solaётган муаммоларни ҳал этишда самарали мулоқот ўрнатиш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий мослашувини фуқаролик жамияти институтлари билан узвий ҳамкорликни таъминлаш;

мехнат бозорида талабга эга бўлган касблар бўйича асосий хунар ва умумтаълим дастурларини амалга ошириш доирасида маҳкумларни, хусусан вояга етмаган ва маълумотга

эга бўлмаганларни ўқитиши сифатини ошириш;

маҳкумларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уларни иш билан таъминлаш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш;

маҳкумлар ва қамоқقا олинган шахсларга қулай шарт-шароитлар яратишни назарда тутувчи ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усулларини, ахборот-коммуникация технологияларни фаолиятда кенг қўллаш вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7-ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [14] қарори қабул қилинди. Унга кўра, жиноят жазоларнинг ижросини таъминлаш соҳасидаги норматив-хуқуқий базани янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланди, жумладан:

жиноят-ижроия қонунчилиги нормаларини унификация қилиш, тизимлаштириш ва уйғунлаштириш;

маҳкумлар хуқуқларига сўзсиз риоя этилиши, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати хурмат қилишини таъминлашни сифат жиҳатидан янги механизмларини жорий этиш;

маҳкумлар онгода қонунга итоаткор хулқ-атворни, инсонга, меҳнатга, ижтимоий турмуш қоидаларни ва анъаналарига хурмат муносабатини шакллантириш тизимини такомиллаштириш;

умумзътироф этилган ҳалқаро стандартларга мос равишда маҳкумлар хуқуқлари доирасини янада кенгайтириш;

маҳкумлар, биринчи навбатда, вояга етмаганлар ва ёшларнинг таълим олиши, касбий тайёргарлигини ташкил этиш ҳамда бандлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш;

жазони ижро этиш муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, уларнинг озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилган шахсларни ижтимоий мослашувида фуқаролик жамияти институтлари билан узвий ҳамкорлигини таъминлаш каби янги замонавий талабларга жавоб берадиган тизим шакллантирилди.

Юқорида қайд этилган ҳуқуқий хужжатнинг мантиқий давоми сифатида жиноят-ижроия тизимини тубдан такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатлари доирасини кенгайтириш, жазони ўташ шароитларини яхшилаш мақсадида сўнгти 5 йилда 3 та қонун, Президентнинг 5 та фармони, 5 та қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 8 та қарори ва фармойишлари ҳамда 14 та бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинди.

Шунингдек, давлатимиз олиб бораётган инсонпарварлик сиёсатининг ҳамда ҳалқимизга хос эзгулик ва меҳроқибат, кечиримлиги каби олийжаноб фазилатларининг амалий тасдиғи сифатида жазо муддатини ўтаётган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларни афв этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13 та фармони қабул қилиниб, 4 мингдан ортиқ шахслар жазодан озод этилди. Озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсия ва ижтимоий суғурта тўлаш тартиби биринчи марта амалиётга жорий этилди. Ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар учун жазо муддатини ўтаётган шахсларга биринчи марта сайлаш ҳуқуки берилди.

Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг телефон сўзлашувлари, яқин қариндошлари билан учрашувлар, жўнатмалар олишлари сони кўпайтирилди. Вояга етмаган маҳкумларга ота-онаси ёки

уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан учрашувларга амалдаги мавжуд чекловлар бекор қилинди. Ҳомиладор ва ёш болали аёлларга қўшимча ҳуқуқлар берилди. Маҳкума аёллар учун вояга етмаган фарзандлари билан бир йилда 4 маротаба узоқ муддатли 5 кунгача учрашув олиш ҳуқуқи берилди, манзил муассасасида жазо муддатини ўтаётган маҳкума аёлларга учрашувлар, ишдан бўш вақтларда чекланмаган миқдорда берилиши қонун билан мустаҳкамлаб кўйилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жаслық Кўрғонида жойлашган жазони ижро этиш колониясининг ёпилиши давлатимизнинг жиноят-ижроия тизимида амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг янада ёрқин ифодаси бўлди.

Яна бир муҳим воқелик шу бўлдики, Республика жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг жазони ўташи билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ва ижобий ҳал этиш мақсадида жазони ижро этиш Департаменти жамоатчилик вакиллари иштирокида сайёр қабуллар ташкил этиши, жазони ижро этиш муассасаларига Олий мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллар (Омбудсман) ва унинг минтақа вакиллари мунтазам ташриф буюриб, маҳкумларни шахсий масалалар бўйича қабул қилиши ёки муассасаларда жамоатчилик вакилларидан тузилган интизомий комиссиялар, инсонпарварлик комиссияларининг фаолияти, ҳалқаро ва маҳаллий нодавлат-нотижорат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларининг жазони ижро этиш муассасаларига ташрифи, тизим фаолиятининг шаффоғлиги ва очиқлиги таъминлаганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар жиноят, жиноят-ижроия қонунчилигини либераллаштириш натижасида республиканинг 43 та жазони ижро этиш муассасаларида

буғунги кунда 22,9 минг ёки республика аҳолисининг 100 мингига 67 та маҳкум тўғри келади. Бу кўрсаткич 2019 йилда республикамизда 100 минг аҳолига 150 та маҳкум тўғри келган, тизимда 43,9 минг маҳкум сақланган, Ўзбекистон маҳкумлар сони бўйича 222 давлат орасида 105 ўрини эгаллаган.

Бугунги кунда мамлакатимизда 43 та жазони ижро этиш колониялари (18-ёпиқ турдаги колония, 25 та манзил колониялар) ва 11 та тергов ҳибсхоналари фаолият кўрсатиб келмокда, тизим 56,4% тўлдирилган [15].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта кунидаги “Жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига асосан жазони ижро этиш бош бошқармаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги “Жазони ижро этиш департаменти” этиб қайта ташкил этилди ва бевосита Ички ишлар вазирига бўйсундирилиб, вазир зиммасига ички ишлар органларининг жиноий жазоларни ижро этиш тизимини ривожлантириш ва унда қатъий интизомни таъминлаш юклатилди [16].

Барча тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари ҳудудий ички ишлар органларининг тузилмавий-функционал бўйсунувидан чиқарилиб, Департамент бўйсунувига ўтказилди. Тергов ҳибсхоналари ва Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва уларда кунлик назоратни олиб бориш Департамент тизимида ташкил этилган 6 та минтақавий мувофиқлаштириш марказлари зиммасига юклатилди. Улар томонидан қўйидаги вазифаларни амалга ошириш белгилаб берилди:

– маҳкумларнинг жазоларни ўташ шароитларини яхшилаш, халқаро

стандартларга келтириш мақсадида жазоларини ижро этиш муассасаларининг мавжуд маҳкумларининг ётоқхоналари реконструкция қилиниб хона (кубрик) типига келтириш, 6 та янги ётоқхоналар куриш;

– жазони ижро этиш тизимини рақамлаштириш, маҳкумларнинг “Электрон назорати”ни таъминловчи ахборот технологияларини жорий қилиш;

– муассаса ходимларини хизмат олиб боришида видеорегистраторлар (бодикамера) билан таъминлаш;

– муассасаларга тақиқланган нарсаларни олиб киришнинг олдини олиш мақсадида муассасага кириш назорат пунктларида бодисканер мосламаларини ўрнатиш;

– муассасаларида маҳкумларни кузатиш ва мустақил назорат қилиш учун интеллектуал камералар (SMART) ўрнатиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқиб, халқаро стандартларга мувофиқ равишда республикамизда мавжуд бўлган 25 та манзил колонияларини босқичмабосқич қискартириш чоралари кўрилди. Шунингдек, маҳкумларнинг жазосини енгилроғи билан алмаштириш, муддатидан олдин шартли озод қилиш ҳақида судларга тақдимнома киритиш муассаса ваколатларидан чиқарилиб янги киритилган жамоатчилик вакилларидан тузилган инсонпарварлик комиссиясига берилди.

Хулоса қилиб айтганда, сўнгги йилларда республикамизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, шу жумладан жиноят-ижроия тизимидағи ижобий ўзгаришлар маматимизда инсон ҳуқуqlари, унинг қонуний манфаатлари, қадрқимматини юксак даражага кўтариш учун хизмат қилаётганлигидан далолат беряётганлигидан далолатдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Сайдов А., Тошкулов Ж. Ўзбекистон давлати ва хуқуқи тарихи: Ўкув қўлланма. – Т., 1995. – Б. 17.
2. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик Асқар Махкам таржимаси. – Т., 2001. – Б. 121.
3. Амплеева Т.Ю. История уголовного судопроизводства России: XI-XIX вв: Автореф. дис. ... юрид. наук. – М., 2009. – Б. 8.
4. Абдурахмонова Н.А., Рустамова Г.И. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX-первой четверти XX века. – Т., 1999.
5. Шомансуров А.А. Законодательное обеспечение уголовно-исполнительной системы Республики Узбекистан. – Т., 2008. – С. 9.
6. Ведомости Верховного Совета СССР. – 1969. – № 29. – С. 247.
7. Ўзбекистон Олий Кенгашининг Ведомостлари. – 1970. – № 18. – 168-м.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2001. – № 9–10. – 165-модда
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси. – 2003. – № 9–10. – 149-модда.
10. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2005. – № 30–31. – 223-модда.
11. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2005. – № 32–33. – 242-модда.
12. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2017. – № 6. – 70-модда.
13. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2017. – № 33. – 838-модда.
14. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси. 08.11.2018 й., 07/18/4006/2166-сон.
15. Жазони ижро этиш департаментининг 2020 йил якуни бўйича ҳисобот маълумоти.
16. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.



И. Т. Тургунов,

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси боши
бошқарма бошлиги, юридик фанлар доктори, профессор;

Ш. Н. Бердияров,

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Юридик таъминлаш
ва мурожсаатлар билан ишлари бошқармаси бошлиги,
юридик фанлар доктори, доцент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҲАМДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ТАРТИБИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳамкорликининг ҳуқуқий асослари илмий-амалий ва тадрижий тарзда таҳлил қилинган. Миллий гвардия ва ички ишлар органларининг фаолияти бир бирига чамбарчас боғлиқлиги ҳамда ўзига хос мустақил вазифаларга ҳам эгалиги кўрсатиб берилган.

Таянч сўзлар: Миллий гвардия, ички ишлар органлари, жамоат тартиби, жамоат хавфсизлиги, ҳамкорлик, куч-воситалар, жавобгарлик худуди.

Аннотация. В данной статье проведен последовательный научно-практический анализ правовых основ взаимодействия Национальной гвардии и органов внутренних дел в обеспечении общественного порядка и безопасности. Отражена неразрывная взаимосвязь деятельности Национальной гвардии и органов внутренних дел и их задачи.

Ключевые слова: Национальная гвардия, органы внутренних дел, общественный порядок, общественная безопасность, взаимодействие, силы и средства, зона ответственности.

Annotation. This article provides the consistent scientific and practical analysis of the legal foundations of interaction between the National Guard and the internal affairs bodies in ensuring public order and security. The author pays attention on the the inextricable relationship between the activities of the National Guard and the internal affairs bodies and their special tasks.

Keywords: National Guard, Internal Affairs bodies, public order, public safety, interaction, forces and means area of responsibility.

Мамлакат тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир давлатнинг энг устувор вазифаларидан бир ҳисобланади. Тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда бошқа давлат органлари билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва ички ишлар органларининг фаолияти муҳим ахамият касб этади.

Чунки бу тузилмаларнинг фаолияти бевосита жамоат тартиби ва

хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонунининг З-моддасида, Миллий гвардиянинг асосий вазифалари сифатида: жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, терроризмга қарши курашишда, шунингдек, террорчилик ҳаракатларининг

хамда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишдә иштирок этиш; терговга қадар текширувни амалга ошириш, суриштирув ўтказиш, жиноят ишларини қўзғатиш ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш; давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган объектларни ҳамда бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг молмулкини қўриқлаш; ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш; жамоат тартибини сақлаш, шу жумладан оммавий тадбирлар, митинглар, йиғилишлар, намойишлар ўтказилаётганда ҳамда фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш кабилар белгиланган [1].

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасида эса ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида: фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш; терговга қадар текширувни, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, жиноят ишлари бўйича суриштирув ҳамда дастлабки терговни ўтказиш; жиноятчилик ва терроризмга қарши курашиш, шу жумладан террорчилик ҳаракатларига чек қўйишда ҳамда гаровга олингандарни озод қилишда иштирок этиш йўли билан курашиш, шунингдек одам савдосига қарши курашиш; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш кабилар келтирилган [2].

Мазкур нормаларнинг таҳлилидан кўришимиз мумкинки, бу икки тузилма бир бирига жуда яқин ва ҳамкорликсиз ўз фаолиятини амалга ошириши қийин бўлган тузилмалар ҳисобланади. Албатта, ўзига хос боғлиқ бўлмаган вазифалари бор, аммо уларни амалга оширишда ҳам муайян даражада ҳамкорлик талаб этилади.

Бу икки хизматнинг ҳамкорлиги уларга юқлатилган вазифалар доирасида бўлиб, маълум бир норматив-ҳуқуқий хужжат, қўшма қарорлар ўзаро келишув, меморандум ва бошқалар асосида амалга оширилади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июнданги ПҚ-3786-сон “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги [3] қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси, Олий суди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг 2018 йил 1 июлдан Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимига қуйидагиларни назарда тутадиган “Хавфсиз пойтахт” концепциясини эксперимент тариқасида жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланиб, соат 16:00 дан 8:00 га қадар вақт оралиғида ички ишлар органлари, Миллий гвардия саф бўлинмалари жамоат тартибини таъминлаш кучларининг камида 70 фоизи, шунингдек, жамоатчилик вакилларини жалб қилиш орқали куну тун уч сменали патруль режимини ташкил этиш назарда тутилган.

Мазкур қарорнинг талабларидан келиб чиқкан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиясининг 2018 йил 4 июлдаги 49/12-сон “Ички ишлар органлари ва Миллий гвардия саф бўлинмалари жамоат тартибини таъминлаш кучларининг биргаликда патруллик хизматини ўташ тартиби тўғрисида”ги қарори қабул қилинган бўлса, 2019 йил 14 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ички ишлар вазирлигининг 28/93-сон “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияси бўлинмалари жамоат тартибини таъминлаш кучларининг Тошкент шаҳрида патруллик хизматини биргаликда ўташ тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилинган. Унда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жамоат тартибини таъминлаш кучларининг Тошкент шаҳри ҳудудида патруллик хизматини биргаликда ўташининг тартиби белгиланган. Ушбу тартибга мувофиқ:

Ички ишлар вазирлигининг жамоат тартибини таъминлаш кучлари патруллик хизматини биргаликда ўташи қуидаги уч босқичли режимда ташкил этилган:

биринчи босқич – соат 08:00 дан 16:00 га қадар;

иккинчи босқич – соат 16:00 дан 00:00 га қадар;

учинчи босқич – соат 00:00 дан 08:00 га қадар.

Бунда жамоат тартибини таъминлаш кучлари биринчи босқичга – 30 фоиз, иккинчи босқичга – 40 фоиз ва учинчи босқичга – 30 фоиз хизматга жалб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Умумхарбий низомлари талабларига асосан Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари патруллик хизматини биргаликда ўташи қуидаги тўрт босқичли режимда ташкил этилган:

биринчи босқич – соат 08:00 дан 14:00 га қадар;

иккинчи босқич – соат 13:00 дан 19:00 га қадар;

учинчи босқич – соат 18:00 дан 00:00 га қадар;

тўртинчи босқич – соат 00:00 дан 08:00 га қадар.

1, 2, 3-босқичларга Миллий гвардиянинг Тошкент шаҳар бўйича бошқармаси тегишли бўлинмаларининг контракт бўйича ҳарбий хизматчилари ҳамда ҳарбий қисмларнинг муддатли ҳарбий хизматчилари талаб даражасида, шунингдек 4-босқичга белгиланган йўналишлардан келиб чиқсан ҳолда контракт бўйича ҳарбий хизматчилар – 70 фоиз ҳамда муддатли ҳарбий хизматчилар – 30 фоиз жалб этилади.

Бириктирилган ҳудудлар назоратсиз қолмаслиги учун 2 ва 3-босқичларга жалб этилган Миллий гвардиянинг муддатли ҳарбий хизматчилари бевосита патруллик йўналишларида (жойлардаги ички ишлар органлари ҳудудида) алмаштирилади.

Жамоат тартибини таъминлаш кучлари ички ишлар органи ходими, Миллий гвардия ҳарбий хизматчиси (ходими) ва жамоатчилик вакилидан иборат бўлади.

Жамоат тартибини таъминлаш кучлари томонидан сутканинг кечки ва тунги вақтида патруллик қилиш қўшма тартибда, яъни ҳам автомобилларда, ҳам пиёда амалга оширилади.

Сутканинг кечки ва тунги вақтида хизмат олиб боришга жалб этилган жамоат тартибини таъминлаш кучлари шахсий таркибининг фаолияти Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ҳамда Миллий гвардиянинг Тошкент шаҳар бўйича бошқармаси раҳбарияти томонидан тасдиқланадиган хужжатлар асосида алмаштириб борилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон қарори билан тасдиқланган Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларида [4] Ўзбекистон Республикаси ҳудудида оммавий

тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби ҳамда уларнинг иштирокчилари, оммавий тадбирларни ўтказиш обьектлари маъмуриятининг, ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмалари, шунингдек, давлат бошқа органларининг оммавий тадбирларни ўтказишида фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш бўйича ўзаро муносабатлари, мажбуриятлари ва ҳукуқлари белгиланган.

Жумладан, мазкур қоидаларнинг 15-бандида биринчи тоифадаги [5] оммавий тадбирларни ўтказишида — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий тадбирларни ўтказишида хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари (кейинги ўринларда — ОБОҚМ бўлинмаси деб аталади) ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг тегишли бўлинмалари томонидан, иккинчи тоифадаги [6] оммавий тадбирларни ўтказиш — ҳудудий ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

Оммавий тадбирнинг аҳамияти, характери, иштирокчиларининг сони, оммавий тадбирни ўтказиш обьектининг кўлами, хусусиятлари ва бошқа муайян шартларга боғлиқ ҳолда, рухсатнома шартларига мувофиқ ОБОҚМ бўлинмалари ва ҳудудий ички ишлар органлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг тегишли бўлинмалари биринчи ёки иккинчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказишида фуқароларнинг хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга доир чора-тадбирларни биргаликда амалга оширишга жалб этилиши мумкин.

Мазкур бандлардан кўриниб турибдики, ҳар икки тоифадаги оммавий тадбирларнинг ўтказилиш даврида

Миллий гвардия ва ички ишлар органлари бевосита ҳамкорликда фаолият кўрсатади.

Шу боис Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияси томонидан 2020 йил 26 февралдаги 8/8-сон “Оммавий тадбирлар ўтказиладиган обьектларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ти қарори қабул қилинган. Мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиянинг оммавий тадбирларни ўтказишидаги биргаликдаги ҳаракатлари аниқ кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Маҳаллани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2020 йил 20 апрелдаги 26/15/10-сон “Криминоген вазияти оғир бўлган маҳаллаларда жиноятларни жиловлашнинг янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ти қарори қабул қилинган бўлиб, мазкур қарор билан:

криминоген вазияти оғир бўлган маҳаллаларда профилактика (катта) инспекторлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчилари ва ходимлари, маҳалла раислари шунингдек, профилактика (катта) инспекторларининг ёрдамчилари ва “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гурухлари аъзоларининг жиноятларни жиловлаш борасидаги фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома;

ҳар бир маҳалланинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқсан ҳолда уч, олти ойдан кейин жиноятчиликнинг олдини олиш, салбий ҳолатларни бартараф этиш ҳамда натижадорликка эришишга қаратилган намунавий “Маҳаллабай” дастури;

криминоген вазияти оғир бўлган маҳаллаларда профилактика (катта) инспекторлари, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва ходимлари, маҳалла раислари шунингдек, профилактика (катта) инспекторларининг ёрдамчилари

ва “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гурухлари аъзоларининг жиноятларни жиловлаш борасидаги амалга оширган ишларини мувофиқлаштириш, натижаларини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек маҳаллабай жиноятларнинг ҳисобини юритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳукуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси ҳамда ҳудудий Ҳукуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари хузурида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳамда Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вазирлиги ва ҳудудий бўлинмалари ҳарбий хизматчилари, ходимлари ва жамоатчилик вакилларидан иборат таркиба мувофиқлаштириш ва таҳлил гурухи таркиби.

Криминоген вазияти оғир бўлган маҳаллаларда жиноятларни жиловлаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисботларни юритиш ва тақдим этиш тартиби тасдиқланган.

Мазкур қарорнинг 1-иловаси 6-бандига мувофиқ, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва ходимларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликни жиловлашдаги вазифалари сифатида:

профилактика (катта) инспекторлари билан ҳамкорликда хизмат олиб бориш;

бириктирилган ҳудудда ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек уларни содир этган шахсларни ушлаш чораларини кўриш мақсадида жамоат жойларида (кўчалар, майдонлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, транспорт объектлари ва бошқа жойлар) патрулликни амалга ошириш;

ҳукуқбузарлик содир этган ёки содир этганликда гумонланаётган шахсларни белгилangan тартибда ички ишлар органлари таянч пунктига олиб бориш ва бу ҳақда зудлик билан профилактика (катта) инспекторларига ахборот бериш кабилар келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2020 йил 22 майдаги 30/46-сон “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси худудида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмалари ва ички ишлар органларининг жавобгарлик ҳудудлари рўйхати;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмалари ва ички ишлар органларининг куч ва воситаларини жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жойлаштириш, улардан комплекс фойдаланиш ва бошқариш тартиби тўғрисида йўриқнома;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмалари ва ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда патруль-пост хизматини ташкил этиш тўғрисидаги низом тасдиқланган.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Миллий гвардия, Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вазирлигининг 2020 йил 16 октябрдаги 73/58/44/40-сон “Криминоген вазиятдан келиб чиқкан ҳолда маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни тақомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган бўлиб, унда ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчилари ва ходимлари, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари ва “Фидокор ёшлар”

жамоатчилик патруль гуруҳларининг криминоген вазиятдан келиб чиқсан ҳолда маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш, маълумотлар алмашиш ва ҳисобот юритиш тартиби белгиланган.

Мазкур қарорга мувофиқ, Миллий гвардия ва ички ишлар органлари маҳаллаларни қўйидаги тоифага бўлган ҳолда манзилли тартибда хизмат олиб бориш ва профилактик тадбирларни амалга оширишни белгилаб олган:

“яшил” тоифадаги маҳаллалар – жиноят содир этилмаган маҳаллалар;

“сарик” тоифадаги маҳаллалар – жиноятлар сони камайган ёки барқарор бўлган маҳаллалар;

“қизил” тоифадаги маҳаллалар – криминоген вазияти оғир бўлган ва жиноятлар сони ошган маҳаллалар.

Маҳаллаларни тоифаларга ажратиш уларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги фаолиятни ташкил этиш ва амалга оширишда маҳаллаларга бириктирилган вакилларнинг куч ва воситаларини самарали тақсимлаш ҳамда мақсадли йўналтиришнинг асосий мезони ҳисобланади.

Бунда Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари ва ходимлари факат “қизил” тоифадаги маҳаллаларга куч ва имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда жалб этилиши назарда тутилган.

“Қизил” тоифадаги маҳаллалар маҳалла ҳудудида содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг барвақт олдини олиш мақсадида Миллий гвардия ходимлари томонидан профилактика (катта) инспекторлари билан ҳамкорликда хонадон, савдо шохобчалари ва бошқа обьектларни техник қўриқлаш марказлари қўриғига олиш, видео кузатув воситаларини ўрнатиш ҳамда шу каби чора-тадбирларни амалга ошириш борасида тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилади.

Бундан ташқари, Миллий гвардия бўлинмаларининг кундалик хизматга

жалб этилган ҳарбий хизматчилари ва ходимлари бевосита профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик қиласи. Чунки Узбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 2481-моддасида ушбу Кодекснинг 61, 185-1 (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлардан ташқари), 194-1, 195-1, 196 (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларига тегишли қисми бўйича) ва 210-1-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Узбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиши белгиланган. Миллий гвардияси органларининг мансабдор шахслари томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг бошқа моддаларида белгиланган ҳуқуқбузарликлар аниқланганда ҳуқуқбузарни бевосита профилактика инспекторларига маъмурий баённома тузиш учун олиб боради.

Бу каби мисолларни яна ҳам давом эттириш мумкин. Шу билан бир вақтда, Миллий гвардия ва ички ишлар органларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш истиқболларини қўйидагиларда кўриш мумкин:

биринчидан, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашда мазкур органларнинг фаолият йўналишларини аниқлаштириш ҳамда уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш нұқтai назаридан Жамоат хавфсизлиги концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ;

иккинчидан, кўп вақтдан бери эътироф этиб келинаётган “Узбекистон Республикасининг Жамоат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунини қабул қилиш чораларини кўриш зарур;

учинчидан, Миллий гвардия ва ички ишлар органларининг, барча наряд ва патрулларини масофадан туриб бошқариш, уларнинг хизмат

фаолияти самарадорлигини ошириш учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш лозим;

тўртинчидан, жиноятчиликни “маҳаллабай” жиловлаш, айниқса, шахснинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига нисбатан жиноий тажовузлардан химоя қилиш, бу борада уюшмаган ёшлар, девиант хулқ-авторидаги ўсмирлар, носоғлом ва ғайриижтимоий ҳаёт кечираётган шахслар билан “фуқаробай”

ишлиш амалиётини ҳар бир ҳудудда жадаллаштириш бўйича Миллий гвардия ва ички ишлар органларининг ҳамкорликдаги тадбирларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ;

бешинчидан, юқорида таъкидланган Миллий гвардия ва ички ишлар органларининг ҳамкорлиги билан боғлиқ бир неча қўшма қарорларни яхлит қонунчилик хужжатида тизимлаштириш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Конуни // ҚҲММБ, 19.11.2020 й., 03/20/647/1569-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Конуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2016. – № 38. – 438-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июндаги ПҚ-3786-сон “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиб самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги карори // ҚҲММБ, 20.06.2018 й., 09/18/3786/1368-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2014. – № 32. – 398-модда; – 2015. – № 1. – 9-модда., ҚҲММБ, 23.12.2017 й., 10/17/1001/0447-сон; 01.06.2018 й., 09/18/396/1287-сон; 30.10.2018 й., 09/18/884/2128-сон; 05.07.2019 й., 09/19/559/3384-сон; 11.08.2019 й., 09/19/661/3571-сон; 09.01.2021 й., 09/21/7/0005-сон; ҚҲММБ, 28.12.2020 й., 09/20/810/1673-сон; 27.07.2021 й., 09/21/464/0710-сон.
5. Биринчи тоифадаги оммавий тадбир – 200 ва ундан кўп кишилар иштирокида Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят марказлари ҳудудида ўтказиладиган оммавий тадбир.
6. Иккинчи тоифадаги оммавий тадбир – биринчи тоифага кирмайдиган оммавий тадбир.

Ш. Р. Қобилов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Магистратура
Хукуқий фанлар кафедраси профессори

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлганлиги, унинг ички тузилиши, фаолиятининг шакл ва усувлари қайтадан кўриб чиқилганлиги борасидаги фикрлар баён этилган.

Таянч сўзлар: ёш мустақил давлат, тинч яшаш хукуқи, суверенитет, ички ишлар органлари, осойишталик.

Аннотация. В статье рассматриваются масштабные преобразования в системе Министерства внутренних дел после обретения независимости Республикой Узбекистан, а также реорганизация форм и методов деятельности органов внутренних дел.

Ключевые слова: молодое независимое государство, право на мирную жизнь, суверенитет, органы внутренних дел, благополучие.

Annotation. The article deals with the huge transformations in the system of the Ministry of Internal Affairs after the independence of the Republic of Uzbekistan, as well as the revision of the forms and methods of activity of the internal affairs bodies.

Keywords: young modern state, the right to live in peace, sovereignty, internal affairs bodies, well-being.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, Ички ишлар органларининг мустақилликини жиной хуружлардан ҳимоя қилиш, ёш мустақил давлат ва унинг фуқаролари хавфсизлигини таъминлаш борасидаги масъулияти мислсиз даражада ошди. Ўзбекистон ҳудудидаги илгари СССР ички ишлар вазирлигига бўйсунган ички қўшин ва ўқув юртлари, транспорт бошқармаси, моддий-техника ва ҳарбий анжомлар таъминоти Ўзбекистон хукуқий тасарруфига ўтди. Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Унинг ички тузилиши, фаолиятининг шакл ва усувлари қайтадан кўриб чиқилди. Қарангки, бу йил мамлакатимиз мустақиллиги ва суверенитети, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Ўзбекистон

Ички ишлар органлари истиқлол давридаги фаолиятининг 30 йиллигини нишонламоқда.

Умумбашарий маънавий-маърифий тараққиётнинг умумэътироф этилган принципларидан бири – бу инсонпарварлик. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон — инсон қадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлатдир”, деган эзгу ғоясида тамаддун ва тараққиётнинг марказий ғояси – инсоннинг тинч яшаш хукуки, қадр-қимматини ҳимоя қилиш ва ҳар бир шахснинг эмин-эркин муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш мужассам.

Шу ўринда давлат механизмининг асосий бўғинларидан бири бўлган Ички ишлар органларининг давлат бошқаруви ва фуқаролар хавфсизлигини таъминловчи орган сифатидаги ўрни ва роли, бурчи юқорида қайд этилган

фуқароларимиз хуқук, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишидир. Бугунги кунда ички ишлар органлари давлат томонидан жорий этилган қоидаларга талаб даражасида амал қилиниши, шунингдек жамиятнинг мавжуд Тараққиёт стратегиясини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади.

Шубилан бирга, ички ишлар органлари фаолиятининг муҳимлиги хуқуқий давлатни шакллантириш, Ўзбекистон Республикасида хуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш зарурати, коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича қатъий тадбирлар кўриш муносабати билан ошиб бормоқда.

Ўзбекистонда олий қадрият деб тан олинган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз хуқуқлари таъминланишини янада мустаҳкам кафолатлаш мақсадида, биринчидан, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини, барқарор тараққиётни, иккинчидан, ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолиятининг йўналишлари ва принциплари ҳамда хуқуқий мақомини аниқ белгилашни, учинчидан, уларнинг фаолиятини янада демократлаштириш, очиқлиги ва шаффофлигини, тўртинчидан, тизимга замонавий технологияларни жорий этиш ва соҳада бошқарувни янада модернизациялашни, бешинчидан, уларнинг давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида 2016 йил 16 сентябрда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси маҳсули ҳамда қатъияти боис, Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ти қонуни қабул қилинганини алоҳида қайд этиш жоиз. Унга қадар Ички ишлар органлари тарқоқ норматив-хуқуқий хужжатлар асосида фаолият олиб борганлиги ҳам айни ҳақиқат.

Шунингдек, яқинда маҳаллий ва хорижий эксперталар томонидан кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширган 15 та энг муҳим ташабbusи алоҳида эътироф этилгани ҳам барча ички ишлар органлари ходимларида юксак фахр ҳиссини уйғотганини таъкидлаш ўринлидир. Бу рўйхатда хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва қуролли кучлар тизимининг ислоҳ қилиниши ҳам қайд этилган.

Ҳар қандай жамиятда қонун устувор бўлмас экан, у ерда барқарор ривожланишга, инсоннинг эъзозланишига эришиб бўлмайди. Чунончи, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳақли равища таъкидлаганидек, “Ислоҳотларимиз самараси кўп жиҳатдан 4 та муҳим омилга, яъни қонун устуворлигини таъминлаш; коррупцияга қарши қатъий курашиш; институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ”[1].

Ҳаракатлар стратегияси форматида 2017 йилнинг 10 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5005-сонли фармони[2] қабул қилинди.

Фармонда кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар бирма-бир санаб ўтилганки, бу 2017–2021 йилларда ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда ҳар бир ходимнинг шахсий жавобгарлигини оширишга хизмат қилди.

Фармонда дунёда ва ён-атрофда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар,

аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ётғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўяётганлиги қайд этилиб, “ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам қўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан “Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш”[3] ҳамда Президентимиз томонидан илгари сурилган “сафларимиз ва кадрларимизнинг соғлигини таъминлаш, ишдаги ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва бундай иллатларнинг илдизини қуритиш”[4] ғояси Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг бош йўналишлари сифатида белгиланганлигини қайд этиш лозим.

Юқоридаги устувор йўналишлар давлатимиз раҳбари томонидан кўрилаётган талаблар, ички ишлар идораларини чинакам “Эл-юртимизнинг ишончи ва меҳрини қозонган, том маънодаги халқпарвар ички ишлар органи”га айлантиришга қаратилган[5].

Замонавий хавф-хатар ва таҳдидлар, бажарилаётган ишлар муҳимлиги ва кўламини эътиборга олган ҳолда ички ишлар органлари барча даражадаги бўлинмаларининг вазифа ва функциялари аниқ белгиланди ҳамда тақсимланди, ташкилий-штат тузилмаси мақбуллаштирилди.

Ички ишлар органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратининг янги тизими ўрнатилгани, ички ишлар органи бошлиғидан тортиб профилактика инспекторигача халқ олдида ҳисобот берадиган амалиёт жорий этилгани аҳолининг уларга бўлган ишончини янада ошироқда. Ички ишлар

органлари фаолияти қонунийлик, очик-ошкоралик тамойилига асосланиб ташкил этилмоқда. Одамларни эшитиш, муаммоларини ўрганиш тизими яратилди. Ички ишлар органларининг аҳолига яқинлиги таъминланди. Ички ишлар органларидағи ислоҳотларнинг асосий йўналиши Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг ноябрь ойида ўтказилган видео-селектор йиғилишида таъкидлаганидек: “буғунги кунда энг катта масала, бу – ички ишлар тизимининг қуи бўғинини мустаҳкамлашдан иборат”[6].

Тизим фаолияти тубдан такомиллаштирилиб, марказий аппаратдаги шахсий таркибнинг 85 фоизи бевосита аҳоли яшаш пунктлари, қуи тизимларга туширилди. Ички ишлар органларини халққа янада яқинлаштириш, мурожаатларни туну кун қабул қилиш, мавжуд муаммоларни жойида ва ўз вақтида ҳал этиш мақсадида 261 та ички ишлар бўлими ва бўлинмалари фаолияти тўлиқ янгитдан ташкил этилди. Бугун Юртбошимизнинг “Президентдан бошлаб энг қуи бўғиндаги раҳбарларгача халқимиз хизматида бўлади”[7], деган эзгу ғояси амалда таъминланмоқда.

Соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ички ишлар органлари замонавий техника билан таъминланган, халқчил ва очик, криминоген вазиятни мустаҳкам ва ишончли назорат қила оладиган, мобил, ихчам тузилмаларга айланиб бормоқда. Ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, амалий фаолиятга янгича иш услугуб ва механизмлар, хусусан, рақамли технологияларни кенг татбиқ этиш амалиёти йўлга қўйилди. Энг муҳими соҳа ходимларининг маънавий қиёфаси, жамиятимиздаги обрў-эътиборини юксалтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ички ишлар органлари бугун халқнинг ишончи ва меҳрини қозонаётган тизимга

айланиб бораётганлиги эътиборлидир. Ҳуқуқ-тартиботни таъминлашни ўз хайтинг маъно-мазмуни деб билган ҳалол, ватанпарвар, янгича ва мустақил фикрлайдиган, ҳақиқий баҳодир, мард, бутун борлиғи, вужуди билан касбига берилган бурчи ва қасамёдига содик ходимларимиз сафи кенгайиб бораётганлиги ҳамда улар Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Бобур Мирзо каби буюқ боболаримизнинг жанговар маҳоратини шараф билан давом эттираётганлигини фаҳр билан эътироф этиш мумкин.

Дарҳақиқат, замон Ички ишлар тизимидағи таълим муассасаларида таҳсил олаётган тингловчи ва курсантларни событқадам, юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшайдиган, адолат, ҳалоллик, довюраклик ҳамда ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эътибор қаратишни, шу билан бир қаторда, уларни касбий, руҳий ва жанговар тайёргарлигини оширишни янги сифат босқичига кўтаришни талаб этмоқда. Президентимиз ҳам ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси бевосита ҳар бир ходимнинг маънавияти, шахсий фазилатлари, интеллекти, етук ва комил инсонлигига боғлиқлиги ҳақида гап юритар экан, бу сўзларнинг моҳиятини “ҳалол ишлайди, ноинсоф кетади”, деб яхлит ифода-лаганларида “Ички ишлар органлари ходимларида маълум йиллар давомида йўқотилган “шараф”, (честь) деган[8] номни тиклашни назарда тутган эди.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “шараф” сўзининг асл луғавий маъноси “иззат, ҳурмат, фаҳр, аслзодалиқ, юқори мартаба, юксак ўрин эканлиги, бундан ташқари, “фаҳрланишга арзийдиган нарса, юксак қониқиши ҳисси; баҳт, фаҳр, ифтихор” ҳамда “бирор ижобий хислат, хизмат туфайли ҳалқ орасида эришилган шуҳрат” каби маъноларнинг англатиши қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори [9] билан ички ишлар органлари ходимлари хулқ-атворининг янгилangan қоидалари, ходимларни тарбиялаш ва хизмат вазифаси талаб даражасида бажарилишини таъминлашни назарда тутадиган “Ички ишлар органларининг Интизом Устави”, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрель куни ПҚ-5050 сон қарори[10] билан “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси” тасдиқланди.

Сир эмаски, мафкуравий таҳдидлар авж олаётган бугунги даврда қайси соҳа вакили бўлмасин, ҳар бир инсон, аввало, ўз салоҳияти, маънавий дунёқараши, ахлоқий фазилатларини юксалтириб бориши, юзага келаётган турли хатарларга қарши мустаҳкам иммунитет ҳосил қилиши керак.

Концепциянинг асосий мақсади ходимларни ҳар қандай шароитда давлат ва ҳалқ манфаатларига хизмат қиласидиган, миллий қадриятларга содик, умуминсоний қадриятларга таянадиган, ёт ва бузғунчи ғояларга муросасиз курашувчи, иймон-эътиқоди ва иродаси мустаҳкам, маънавиятли ва фидойи, аждодларимиз ва мардлик кўрсатиб ҳалок бўлган ходимларнинг бебаҳо меросига таяниб яшайдиган баркамол шахс сифатида тарбиялаш, улар қалбида давлат ва ҳалқимизнинг хавфсизлигини таъминлашда шахсий дахлдорлик ва юқори масъулият ҳиссини шакллантиришдан иборат.

Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

- тарбиявий ишлар;
- тарғибот-ташвиқот ишлари;

- психологик фаолият;
- ижтимоий-хуқуқий фаолият;
- маданий тадбирлар.

Концепцияда маънавий-маърифий ишларни амалиётга узлуксиз татбиқ этиш тизими ҳам яратилди.

Бугун Янги Ўзбекистонда халқчил ички ишлар органлари тизимини яратиш – бош ғоя, “Ватан ва халққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз” концептуал гояси ички ишлар органлари ходимларининг ҳаракат дастурига айланди. Мазкур ғоянинг асосий мазмун-моҳияти фуқароларнинг тинчлиги ва мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш учун ҳар қандай хуқуқ-бузарликка қарши курашишда ўз жонини аямайдиган, ватанпарвар, фидойи, ҳалол, мард ва жасур ходимларни тарбиялаш халқимиз ўртасида ички ишлар органларига нисбатан фаҳр ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлаш, ёшларда қасбига бўлган ҳавас ва қизиқишиларини орттириш ҳамда шу орқали ички ишлар органлари сафини мустаҳкам иродали, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган, халқ манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган ёш ва истиқболли ходимлар билан тўлдириб боришга хизмат қиласди.

Хозир ички ишлар органлари ходимлари хизмат вазифаларини сидқидилдан адо этиб, керак бўлса, ҳаётини хавф-хатарга қўйиб, фуқаролар тинчлигини таъминламоқдалар. Ходимларда халқ нигоҳи билан, ўзига баҳо бериш кўниумаси шаклланмоқда. Бироқ айтиш жоизки, ички ишлар органлари ходимлари халқни рози қилиш, унинг эътирофига сазовор бўлиш учун ҳали жуда қўп ишларни амалга оширишлари лозим. Халқимиз ички ишлар органлари ходимларини нафақат профессионал ва маҳоратли қасб эгаси, балки муомала одоби, эстетикасига эга шахс сифатида кўришни истайди. Бугун бўлғуси ички ишлар органлари ходимига муомала одоби ва эстетикасини ўқитиши –

ҳаётий эҳтиёжга айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сонли қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси”га мувофиқ, Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни кучайтиришга қаратилган қўйидаги тадбирлар тизими жорий этилди. Ихтисослаштирилган мактаб-интернат ва “Темурбеклар мактаби” харбий-академик лицейи ўқувчилари онгига ватанпарварлик ҳиссини шакллантиришга қаратилган “Ички ишлар органлари тарихи” ва “Ватанпарварлик асослари” фанлари, идоравий академик лицейлар ўқувчиларини миллий анъана ва қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида “Маънавият асослари” фани, Ички ишлар вазирлиги Академиясида курсант ва тингловчиларни Ватан ва халқ манфаатларини шахсий манфаатлардан устун қўядиган, қонунларга қатъий бўйсунувчи, қасбига садоқатли ходимлар сифатида тайёрлаш мақсадида “Ички ишлар органлари ходимининг муомала одоби ва эстетикаси”, “Ватанпарварлик тарбияси” ва “Касбий маданият” каби фанларни, Малака ошириш институти тингловчиларида мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш мақсадида “Геосиёсий манфаатлар тўқнашуви ва мафкуравий кураш” ва “Коррупция – ички маънавий таҳдид” махсус курсларини ўқитиши йўлга қўйилди. Шу ўринда 2018 йил 29 май куни бўлиб ўтган видеоселекторда Президентимиз ҳукумат таркибидаги сўнгги ўзгариш сабабларини изоҳлаб, “... Менга соҳа эмас, балки ватанпарварлик, садоқат керак”, деган фикрларини эслайлик. Бугун лаганбардорлик, кўзбўямачилик, юзакичиликни “бўяб”, садоқатга ўҳшатишга ҳаракат қилишлик Ватанга, халқимизга садоқат билан хизмат қилишдек мардона тамойилимизга зидлиги англатишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармонига мувофиқ, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўрнатилаётган янги механизмларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда ички ишлар органларининг роли ва масъулиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ”Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори билан “Маҳалла хукуқ-тартибот маскани тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Маҳалла хукуқ-тартибот маскани маҳалла ва қишлоқларда жамоат тартибини сақлаш, хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга оширадиган, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа хукуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашини ташкил этадиган ички ишлар органларининг энг куйи бўғинидаги таркибий тузилмаси ҳисобланади.

Маҳалла хукуқ-тартибот масканини ташкил этишдан кўзланган мақсад халқнинг ичига кириш, жиноятчиликни барвақт профилактика қилиш, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат.

Муҳим ўзгаришлардан яна бири сифатида профилактика инспекторининг маҳалла раисининг хукуқ-тартиботни

таъминлаш бўйича ўринбосари этиб белгиланганлигидир. “Хавфсиз таълим муассасаси” тамоилии асосида вояга етмаганлар орасида ҳукуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича манзилли чораларни назарда тутувчи аниқ вазифалар белгиланди. Жумладан, ўрта таълим муассасаларига инспектор-психолог штат бирлиги киритилди. Туман, шаҳар ички ишлар органлари таркибида 2 000 та штат бирликларидан иборат вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психолог лавозимларини жорий этилиши ҳамда уларнинг бевосита хизмат ўташ жойи этиб умумий ўрта таълим муассасаларини белгиланиши вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликни барвақт олдини олишга хизмат қиласди.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг “Халқ билан ишлайдиган ходимлар психологияни чукур билиши, одамларга кўмак, меҳр бериши керак. Жиноятга қўл урган ёшлар, хотин-қизларнинг аввало муаммоларини ўрганиш, майший муаммолари бўлса, масъул ташкилотлар орқали ёрдам бериш, руҳан қўллаб-қувватлаш зарур. Шундагина уларнинг дунёқараши ўзгаради, натижа бўлади”, деган сўзларини дастуруламал эканлигини эсда тутиш лозим.

2021 йилнинг 1 сентябридан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида маҳсус жиҳозланган хизмат хоналарига эга бўлган инспектор-психологлар фаолияти йўлга қўйилди. Қайд этиш керакки, энди бевосита жойларга чиқсан ҳолда профилактика инспекторлари томонидан ҳар бир оила ва хонадондаги муҳитни, шунингдек, хукуқбузарликлар содир этилишига таъсир этувчи ижтимоий, инфратузилма ва бошқа муаммоларни ўрганиш ҳамда бартараф этиш бўйича “Хавфсиз хонадон” ва “Хавфсиз ҳовли” тизими ишламоқда. Бу эса нафақат профилактика инспекторларида “Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак”, деган туйғуни

шакллантиришга интилиб хизмат олиб бориш мотивациясини қарор топтириш билан бергә, бугун “профилактика инспектори текширувчи ёки назоратчи эмас, балки барча ҳаёттій масалаларда маҳалла ахлиға күмак берадиган, чинакам елкадош, ёнма-ён турадиган күч”га[11], айланмоқда.

Юртимизда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг мутлақо янги ва ўзига хос тизими яратилди. Мамлакатимиздаги барча маҳаллалардаги криминоген вазият “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифаларга ажратилиб, таҳлил қилинмоқда. Кейинги пайтда “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш усуллари профилактика инспекторларининг кундалик хизмат фаолиятига айланды.

2021 йилнинг 26 марта куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга күтариш тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармони қабул қилинди.

Мазкур фармон билан ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари амалиётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқтартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилмоқда. Бунда маҳалла ҳуқуқтартибот масканы ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қуий бўғини ҳисобланади.

Маҳалла ҳуқуқтартибот масканы негизида ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилади. Маҳалла ҳуқуқтартибот масканы томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш,

ҳуқуқбузарларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланди.

2021 йил якунига қадар республика-мизнинг барча ҳудудларида “Smart маҳалла” ахборот дастури ишга туширилади. “Smart маҳалла” ахборот дастури профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, ахоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини беради.

Шунингдек, ҳар ой якуни бўйича Интернет тизимидағи ахборот ресурслари орқали соҳа раҳбарлари томонидан ахолига криминоген вазият юзасидан “профилактик-оғоҳлантирувчи мурожаат” қилиб бориши жорий этилмоқда.

Шу асосда муаммога оид мавхум кўрсаткичлар эмас, балки ёрдам ва кўмакка муҳтоҷ ҳар бир оила ва фуқаронинг, хотин-қизлар, ёшлар муаммолари ўз жойида аниқ ўрганилмоқда, улар вақтида ҳал этилмоқда. Самарали бошқарувнинг натижадорлигини халқимиз ўзида ҳис этмоқда. Энг муҳими, одамларнинг ҳаётга, меҳнатга, ўзининг тақдири ва эртанги кунга ишончи ортмоқда. Бугун профилактика инспекторлари орасида фаол, ишнинг қўзини биладиган, чукур фикрлайдиган янги авлод вакиллари этишиб келаётганини ҳам таъкидлаш керак. Улар ахоли ва, айниқса, ёшлар билан очиқ мулоқот қилмоқда, ташаббус кўрсатмоқда, мустақил ва дадил иш олиб бормоқда. Шахсий масъулият ва жавобгарлик ИИОлари ходимлари учун фаолиятининг бosh мезонига айланди, десак муболага бўлмайди. Бугун профилактика инспекторлари давлат томонидан яратилган шароитлар ва ғамхўрликни ҳис этган ҳолда “Халқ ва

Ички ишлар органларини боғлайдиган асосий кўпrik бўлиб хизмат қилиши даркор”[12] масъулиятини чуқур англамоқдалар.

Барча худудларимизда аҳоли учун қулай ва шинам, барча замонавий шароитларга эга бўлган уй-жойлар барпо этилмоқда. Ҳаётимизга “арzon уй-жойлар”, “ақлли уй”, “ақлли шаҳар”, “рақамли хизматлар”, Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Беш муҳим ташаббус”, “Ҳар бир оила – тадбиркор” деган янги тушунча ва қўникмалар кириб келмоқда. Янги Ўзбекистонда архитектура ансамблига замон талабларидан келиб чиқиб, кенг ёндашилгани ва ҳозиргидек кенг кўламдаги қурилиш ишлари ва ижтимоий ифратузилмаларнинг яратилиши мамлакатимиз маҳаллаларида яратилаётган ижтимоий ва иқтисодий қулайликлар жиноятчиликнинг олдин олишга имконият яратди. Ўзбекистон беш йил мобайнида бу йўлда катта тажриба ортириди. Эътироф этиш зарурки, миллий тарихимида қишлоқ ва маҳаллаларимизни ободонлаштиришга ҳеч қачон бунчалик катта маблағ ажратилмаган.

Сифатли архитектура аҳолининг фаровонлиги, тинч-тотувлиги ва маданиятнинг ривожланишига хизмат қилиши ҳакида хорижий тадқиқотларда исботланган. Ўтган асрнинг 80–90-йилларида Нью-Йорк шаҳри полицияси томонидан юқори даражадаги жиноятчилик қайд этилган худудларда жиноятчиликни камайтириш учун социал обьектларини қайта реконструкция қилиш, инфратузилмаларни қайта тиклаш, бинолардаги “граффити”ларни тозалаш ва кўчаларни ёритиш тадбирлари қўлланилган ва ушбу стратегия 10 йил ичida жиноятчиликни 56 фоизга камайтирган.

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида давлат, жамият ва шахс хавфсизлигини

таъминлаш тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Бунинг учун энг қуйи тизим – профилактика инспекторлари тизими замонавий тузилма сифатида шакллантирилди. Улар эндилиқда маҳалла идоралари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

ИИВ Академияси профессор-үқитувчиларининг худудлар кесимидағи илмий кузатувлари шундан далолат бермоқдаки, маҳаллаларда криминоген вазиятни яхшилашнинг энг муҳим омили сифатида бириклирлган худудда тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш ва аҳоли, айниқса, ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлашга йўналтирилган чораларнинг қўрилиши жиноятчиликни олдини олишда куч бермоқда. Зоро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганлариdek, “Жиноятчиликнинг олдини олишда энг муҳим омиллардан бири бўлган ишсизликни бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу муаммони бартараф этмай туриб, хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича кўзланган натижаларга эришиб бўлмайди”[13].

Президентимиз давлат раҳбари сифатидағи фаолиятининг ilk кунлариданоқ “Одамлар тинчлигини асрар учун, аввало, инспекторнинг ўз оиласидан кўнгли тинч бўлиши керак”, деган эзгу ғояни илгари сурган эди. Бу борада мислсиз ишлар амалга оширилди. 2017 йилнинг ўзидаётк ички ишлар органи таянч профилактика инспекторларининг 6 минг 969 нафарига тантанали равишда хизмат уйлари ва шахсий автомашиналар топширилди.

Бугунги кунда юксак эътироф билан 2017 йилга нисбатан жиноятлар сони 12 мингта камайгани, 2021 йилнинг олти ойи якунига кўра эса мавжуд 9 минг 251 та маҳалладан қарийб 50 фоизида биронта ҳам жиноятга йўл кўйилмаганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ха, бугунги кунда Ички ишлар вазиригининг барча соҳавий хизматлари ходимлари юксак эътиқод билан давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Ички ишлар ходимлари шундай

ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин”[14], деб сафарбарликка йўналтирилган эзгу даъватини бажариш йўлида бор билим, куч-тайрати ва бутун борлиги билан ҳаракат қилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // 2020 йил 24 январь. Манба: www.president.uz/uz/lists/view/3324.
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – № 15. – 243-модда.
3. Ўша манба.
4. Ўша манба. – Б. 51.
5. *Мирзиёев Ш.М.* Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тарақкий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир.// Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 декабряда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллигига бағищланган тантанали маросимдаги сўзлаган маърузаси. –Т., 2018. – Б. 20; *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т., 2018. – Б. 42.
6. Одамларнинг бунёдкорона меҳнатини қадрлаб, уларга муносиб турмуш шароити яратиш — энг муҳим вазифамизdir // Халқ сўзи. – 2017. – 18 нояб.
7. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т., 2018. – Б. 15.
8. *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., 2018. – Б. 315.
9. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – № 15. – 243-модда.
10. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 02.04.2021 й., 07/21/5050/0280-сон.
11. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 25 октябрь – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан байрам табриги // Халқ сўзи. – 2020. – 25 окт.
12. *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., 2018. – Б. 328.
13. Тартиб-интизом ва масъулятини кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – хуқукбузарликлар профилактикаси самарадорлигининг асосий омилидир // URL:<http://xs.uz> (Халқ сўзи. 15.11.2017).
14. Қаранг: Постда. – 2021. – 18 фев.

Ш. Х. Алиев,
*Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиги,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), полковник*

ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУЛари БИЛАН ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация. Жиноятларни олдини олиш ва унга қарши кураш фаолиятидаги долзарб масалалар ваколатли давлат идоралари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан жамоат бирлашмалари ташкилотлари, фуқароларнинг фаол ижтимоий ҳамкорлигига таянишни тақозо этмоқда. Шу асосда, мақолада ушбу ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари ва муҳим йўналишлари таҳлил қилиниб, бу борадаги илғор хорижий тажрибалар, ижтимоий фикрлардан мисоллар келтирган ҳолда, ҳамкорликни ташкил этишнинг ижтимоий зарурати асослаб берилган.

Таянч сўзлар: жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноят сабаблари, фуқаролик жамияти, ижтимоий фаоллик, ҳамкорлик, девиант хулқ-атвор.

Аннотация. В статье рассматриваются актуальные вопросы взаимодействия государственных органов с институтами гражданского общества в предупреждении преступлений и борьбе с ними. Анализируются правовые основы и важные направления, а также зарубежный опыт в данной сфере.

Ключевые слова: борьба с преступностью, профилактика правонарушений, причины преступлений, гражданское общество, социальная активность, сотрудничество, девиантное поведение.

Annotation. The article deals with topical issues of interaction between state bodies and civil society institutions in the prevention and the fight against the crimes. Author analysed legal bases and important directions, as well as foreign experience in this field.

Keywords: crime fighting, crime prevention, causes of crimes, civil society, social activity, cooperation, deviant behaviour.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармони жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантиришнинг устувор йўналишларини илгари суриши билан бирга, ички ишлар органлари тизимидағи ислоҳотларнинг янги даврини бошлаб берди. Хусусан,

унда ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш, худудларда жиноятчилик ахволидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда “жиноят ўчоқлари”ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилишга доир энг энг долзарб масалаларнинг концептуал асослари белгилаб берилди.

Ушбу устувор йўналишлардан келиб чиқиб, айни кунларда махсус ваколатли давлат органлари, шу жумладан ички ишлар органлари томонидан жиноятчиликни жиловлаш ва аҳоли билан манзилли ишлашга қаратилган “Хавфсиз ҳовли” тизимини йўлга қўйиш орқали махаллаларда жиноятчиликни олдини олиш, жамоат хавфсизлиги ва фуқаролар осойишталигини таъминлаш борасидаги ишларни “маҳаллабай” ва “фуқаробай” ташкил этиш учун “хавфсиз ҳовли” тизимини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Албатта, жиноятларни профилактика қилиш, уларнинг барвақт олдини олишда хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, ички ишлар органлари муҳим ўрин тутади. Боиси инсон хуқуқ ва эркинлеклари ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, соҳа ходимларининг асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бироқ бу хуқуқбузарликлар профилактикаси факат ички ишлар органлари, яъни жиноят-қидирув бўлинмалари ёки хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг вазифаси деган маънони англатмайди. Зеро, жамият тараққиётининг айни босқичи жиноятлар профилактикаси комплексларни ижтимоий муаммо сифатида ёндашиб ва унга ижтимоий тартиба солишининг муҳим соҳаси сифатида қарашга ундумоқда. Айниқса, юқорида келтириб ўтилган “хавфсиз ҳовли” тизими доирасида ишларни “маҳаллабай” ва “фуқаробай” тамойиллар асосида ташкил этиш хусусиятлари жиноятларни олдини олишда фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан жамоат бирлашмалари ташкилотларининг фаол ижтимоий ҳамкорлигига таянишни тақозо этмоқда. Зеро, жиноятчилик – жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг бир қисми, лозим бўлса, бир тури ҳисобланганлиги сабабли, унинг келиб чиқиши сабаблари ва, албатта, олдини олишга доир ечимларни ҳам жамиятнинг ўзидан излаш жоиз

бўлади. Ижтимоий фанлардан маълумки, кишилик жамияти тарихан ўзгарувчан ҳодиса ҳисобланади. Айниқса, охирги юз йилликлар давомида инсоният мисли кўрилмаган даражадаги тезкор тараққиёт ва ривожланиш босқичини бошидан кечирмоқда. Фан-техника тараққиёти натижасида, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти, турмуш даражаси, меҳнат унумдорлиги ортиб бормоқда.

Ўз навбатида, жамиятнинг айрим қатламларида қашшоқлик, саводсизлик ва ишсизлик даражасининг пасайиши, кутилганидек ҳуқуқбузарликлар ҳажмининг кескин пасайишига олиб келмади. Аксинча, ушбу соҳа вакиллари ҳам тараққиёт ютуқларидан барча қатори фойдалана олишлари маълум бўлди. Хусусан, глобал интернет тармоғи ривожланиб боргани сари унинг кенг имкониятлари одамлар учун нафақат беқиёс қулайликлар яратмоқда, балки хавф ўчоқларидан бирига айланиб бормоқда. Бу – глобал тармоқда авж олаётган жиноятчилик оламидир. Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда сайtlарни бузиб кириш, вирусли дастурлар тарқатиш каби ҳолатлар қўпаймоқда. Бу каби ҳолатлар, айниқса, пандемия вақтида жиддий муаммолардан бирига айланиб, жиноий гурухлар ўз ғаразли мақсадларини амалга оширишда асосан интернет глобал тармоғи, жумладан ижтимоий тармоқлар, компьютер техникаси воситаларидан кенг фойдаланмоқда. Оқибатда, миллий жиноятчилик статистикасида кибержиноятларнинг улуши тобора ортиб бормоқда. Масалан, Бухоро вилоят ҳудудида бу каби жиноятлар 2019 йилда 11 та ва 2020 йилда эса 23 тани (7 фирибгарлик (жами фирибгарликнинг 0,8 %), 16 та ўғрилик (жами ўғриликнинг 3,5 %) ташкил қилган. 2021 йилнинг 9 ойида эса 73 та (16 та ўғрилик (жами ўғриликнинг 3,06%), 57 та фирибгарлик (жами фирибгарликнинг 7,01 %) ҳолатда банк пластик карталари-

даги пул маблағлари замонавий технология имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўғрилик ва фирибгарлик йўли билан ўзлаштирилган. Бундан келиб чиқадики, потенциал хуқуқбузар – бу ўз муаммоларини, хусусан, моддий бойликларга бўлган эҳтиёжини бошқалар ҳисобига ҳал этишга уринадиган одамгина эмас, балки илм-фан ютуқларидан ўзининг жиноий мақсадларида моҳирлик билан фойдалана оладиган ижтимоий хавфли шахс ҳамdir.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жиноят қонунчилигини такомиллаштириб бориш, тезкор-кидирув фаолиятини амалга оширишда энг янги усул ва воситалардан фойдаланиш жиноятчилик даражасини камайтиришда кутилганидек самара бермаяпти. Деярли барча давлатларнинг жиноят қонунчилигига такроран содир этилган ва рецидив жиноятлар хақидаги қоидалар мавжуд. Бироқ рецидив турдаги жиноятларга тўла барҳам берилмаётганидан шуни англаш мумкинки, тайинланган жазо чораси ҳар доим ҳам маҳкумни ахлоқан қайта тарбиялаш мақсадига эришишга ёрдам бермаяпти.

Шу каби омиллар бутун дунёда жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини тубдан қайта кўриб чиқиш заруратини вужудга келтирмоқда. Яъни эндилика жиноятчиликка қарши курашишда фақатгина содир этилган жиноятларни очиш, хуқуқбузарларни топиш, қонуний жазо тайинлаш ва уни ижро этиш билан чекланиш мумкин эмас. Ҳатто, содир этилиши режалаштирилаётган хуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш фактига ҳам қониқиши билан қараш жоиз эмас, чунки бу – жиноятни келтириб чиқарувчи, унга сабаб бўладиган омилларнинг ўз вақтида бартараф этилмаганлигининг оқибати ҳисобланади, аслида. Бу эса дастлаб жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятининг кичик элементи сифатида муносабатда бўлинган хуқуқбузарликлар профилактикасига нисбатан эътиборни

янада кучайтирган ҳолда, унга жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатидаги энг муҳим ҳамда самарали ҳисобланадиган кенг қамровли фаолият йўналиши сифатида ёндашишга ундейди.

Айнан шу заруратдан келиб чиқиб, қабул қилинган “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқди. Бинобарин, мазкур қонун хуқуқбузарликларни келтириб чиқарадиган сабаблар ҳамда хуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берадиган шароитларни аниқлашга, уларни бартараф этиш чораларини амалга оширишга қаратилган умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикани ташкил этиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ишларни хуқуқий асосларини яратиб берди.

Энг эътиборлиси, қонунда хуқуқбузарликлар профилактикаси билан анъанавий тарзда шуғулланувчи хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бирга, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, таълим, соғлиқни сақлаш тизими니 давлат томонидан бошқариш органлари ва улар тизимидағи муассасалар ҳам хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасалар сифатида эътироф этилди. Чунки аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, таълим-тарбия жараёнини ҳамда таълим олувчиларнинг бўш вақтларини мақсадли ташкил қилиш хуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўладиган шарт-шароитларни бартараф этишда муҳим омил вазифасини бажарса, соғлиқни сақлаш муассасалари содир этилган ёки содир этилиши мумкин бўлган хуқуқбузарликлар фактининг ўз вақтида аниқланишида муҳим ўрин тутади.

Жумладан, қонуннинг 17-моддасида таълимни давлат томонидан бошқарув органлари ва таълим муассасалари ички ишлар органларига хуқуқбузарликлар

фактлари ҳақида, одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид соладиган оила-турмуш соҳасидаги низолар ва хуқуқбузарликлар ҳақида, таълим олувчи шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атвори ҳамда хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақида хабар қилиши шартлиги мустаҳкамланган.

Яна, шунингдек, қонунда хуқуқбузарликлар профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат тиҷорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳам иштирок этишлари назарда тутилган. Ушбу институтлар хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи орган ва муассасаларга кўмаклашиш ҳамда зарур ёрдам кўрсатиш йўли билан хуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этиши мумкинлиги белгилаб қуйилди.

Албатта, қонундаги ушбу нормаларнинг белгиланиши бежиз эмас, негаки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини оширишда ижтимоий ҳамкорликнинг аҳамияти катта ҳисобланади. Бу борада, АҚШ, Буюк Британия, Германия каби давлатлар амалиёти шуни кўрсатадики, хуқуқбузарликлар профилактикаси фақат кенг қамровли фаолият йўналиши сифатида ташкил этилган тақдирдагина яхши самара бериши мумкин. Мазкур жараён эса барча даражадаги давлат ва нодавлат тузилмалар ҳамда фуқароларнинг кенг кўламдаги иштирокини талаб этади. Айни пайтда ушбу заруратни тушуниб етган ҳолда мазкур давлатлар аҳолиси ҳам хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда онгли равища иштирок этиш истагини билдирадилар.

Масалан, АҚШда қабул қилинган ана шундай дастурлардан бири “Синдирилган ойналар” дастури ҳисобланади. Концепциянинг асосчилари ўз ғоялари мазмунини қуйидагича ифодалайдилар: “Агар бинонинг битта ойнаси синган

бўлса ва уни ҳеч ким таъмирламаса, қисқа вақт ичида бинонинг барча ойналари ҳам синдирилади, бинонинг ўзи тўлиқ харобага айланади ва бу жой жиноятчилар маконига айланади”.

Кенгроқ қилиб айтганда, ушбу концепция муаллифлари кўчалардаги тартиб ва озодаликнинг мавжуд эмаслиги девиант хулқ-атворнинг намоён бўлишига олиб келишини таъкидлайдилар. Яъни ташқи тартибсизлик (ойналар, электр чироқларининг синганлиги, қаровсиз ташлаб кетилган автомобиллар, биноларнинг ташқариси ва йўлларнинг узоқ вақт таъмирланмаганлиги, чиқиндиларнинг кўчанинг исталган жойига ташлаб кетилганлиги) ўша ҳудудда жамоатчилик назоратининг йўқлиги, ахлоқсизлик ва хуқуқбузарлик учун таъсир чоралари қўлланилмаслиги ҳамда давлат органлари ва ўзини ўзи бошқариш тузилмалари мазкур ҳолатга бепарво муносабатда бўлишларидан далолат беради. Бундай белгилар эса одамларнинг онг остида ушбу ҳудуд назорат остидан ташқари, бу ерда давлат ҳокимияти ва жамоат таъсирининг кучи йўқ, деган фикрни шакллантиради. Агар битта ойна синган ва бу ҳеч кимни безовта қилмаётган бўлса, демак иккинчи, учинчи ва бошқа ойналарни ҳам синдириш мумкин. Шу тариқа, одамнинг ичидаги яширин девиант хулқ-атвор унинг хати-ҳаракатларига кўчади.

Юқорида келтирилган гипотезага асосланган ҳолда, ушбу дастурда аҳоли пунктларида тозалик ва тартибга риоя қилинишини таъминлаш, қаровсиз автомашиналар, бино ва иншоотлар пайдо бўлиши, чиқиндиларнинг тўпланиб қолинишига йўл қўймаслик чоралари белгиланади. Бунда дастлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари доимий равища аҳоли пунктларидаги ҳолатни ўрганиб борадилар, аста-секинлик билан аҳолининг ўзи ушбу дастурнинг ҳам ижрочиси, ҳам назоратчисига айланади. Дастурнинг ўзи эса аҳолининг кундалик турмуш тарзига сингиб боради.

Жиноятларни олдини олиш ва унга қарши кураш фаолиятини амалга оширишда махсус дастурлар билан бир қаторда, бир қарашда оддий күринган бошқа ташкилий чора-тадбирлар ҳам юқори самара бериши мүмкін. Хусусан, ўтган асрда Европанинг қатор давлатларида йўловчилар томонидан ҳаво кемаларига курол-яроқ ва бошқа хавфли буюмлар олиб кирилмаслигини қаттиқ назорат қилиш орқали, ҳаво кемаларини олиб қочиш билан боғлиқ жиноятлар сонининг кескин камайишига эришилди. Шунингдек, футбол мусобақаларида ҳар икки жамоа мухлисларининг алоҳида секторларда ўтиришлари ва турли эшиклар орқали кириб-чиқишиларини йўлга қўйиш орқали эҳтиросга берилган мухлислар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар сони сезиларли даражада камайди.

Фуқаролик жамиятининг энг муҳим бўгини бўлган фуқароларнинг жамиятда юз бераётган ҳар бир ҳодисага нисбатан ўзининг фаол муносабатини билдириши, хусусан, ён-атрофдаги хонадонларда юз бераётган нотинчлик, кўчада шубҳали шахслар пайдо бўлганлиги ёки содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик хақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга дарҳол хабар бериши, шунингдек, уй-жой ва автомобилларни қаровсиз қолдирмаслик, жуда кўп миқдордаги нақд пул ёки қимматбаҳо буюмларни банк ва ломбардларда сақлаш одатининг

шаклланганлиги ҳам потенциал жабрланаувчилар сонининг камайишига хизмат қилмоқда.

Шундай экан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бу фақат қонунда белгилangan давлат органлари ва муассасаларининг вазифаси эмас, балки шу жамиятда яшаётган ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаёт тарзига сингиб кетиши лозим бўлган жараёндир. Зеро, бизнинг халқимиз азалдан “Бир болага – етти маҳалла отаона”, “Касалликни даволагандан уни олдини олган афзал” каби нақлларга амал қилиб яшайди. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш, ён-атрофдаги одамларга нисбатан меҳр-оқибатли бўлиш, озигина бўлса-да номақбул иш қилишдан уялиш хиси оиласда фарзанд тарбиясининг асосини ташкил қилиб келади. Шу сабабли аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бундай қадриятларни сақлаб қолиш бугунги авлоднинг бурчидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ни амалга ошириш нафақат давлат органларининг, балки шу жамиятнинг аъзоси ҳисобланган ҳар бир инсоннинг вазифасидир. Энг аввало, ўзимиз, оила аъзоларимиз ва жамият олдидаги масъулиятни доимо ҳис қилиб яшаш, атрофдаги ҳодисаларга бепарволик билан муносабатда бўлмаслик, тинч ва осуда ҳаётнинг қадрига етиб яшаш барчамизнинг кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши зарур.